

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Иброҳим Гафуров

ТАРЖИМОНЛИК МУТАХАССИСЛИГИГА КИРИШ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий кенгаши
томонидан ўкув қўлланма сифатида нашр этишга тавсия этилди.

Тошкент-2008

Гафуров, Иброхим

Таржимонлик мутахассислигига кириш: ўкув кўлланма / И.Гафуров; Масъул мухар. О.М. Мўминов; Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ун-ти, Таржима назарияси ва амалииёт кафедраси. - Тошкент: Мехридарё, 2008. - 118 б. - Б.ц.

ББК 81.2-7

397-1988/2008

Масъул муҳаррир: ф.ф.н.доц. О.М. Мўминов

Такризчилар: ф.ф.н.доц. Н.М. Қамбаров
ф.ф.н.доц. М.С. Сайдова

Мазкур ўкув кўлланма Давлат Таълим Стандартининг ва Таржима мутахассислигига кириш фани намунавий ўкув дастури, ишчи ўкув дастурига мувофик тайёрланган. Кўлланмадаги мавзулар ўкув режасида 16 соатта мос равишда тузиленган.

Ушбу ўкув кўлланма олий ўкув юртларининг таржимонлик факультетлари талабалари учун мўлжалланган. Муаллифнинг бу китоби биринчи маротаба яратилаётган ўкув кўлланма бўлиб, кўлланмадаги мавзулар муайян изчиллик билан, бобларда ва бўлимларда ёритилган. Ўкув кўлланмада хозирга фан ютуклари, олимларнинг ва буюк таржимонларнинг фикр мулоҳазалари ўз аксини топган. Мавзуларнинг кетма – кетлиги ва узвийлиги таъминланган. Бир мавзу иккинчи мавзузни тўлдиради ва такомиллаштириади.

Талабаларга миллий истиколл оғасини сингдириш асосий масала этиб олинган. Ўкув кўлланма талабаларнинг ёшига ва билим даражасига мувофик. Мазкур ўкув кўлланма талабаларни таржимонлик қасбига йўналтиришин асосий мақсад килиб қўйган.

Настоящее пособие написано в соответствие с Государственным Стандартом Образования и типовой учебной программе «Введение в специальность переводчика» и рабочим планом. В учебном плане для «Введение в специальность переводчика» отведены 16 часов.

Данное учебное пособие предназначено для студентов переводческих факультетов Высших учебных заведений. Это пособие издаётся впервые и с соблюдением приемственностью идей. Оно включает в себя научные достижения по теории и практике перевода и точки зрения выдающихся учёных – переводчиков.

Воспитание в духе национальной идеи независимости является основной целью настоящего пособия. Эта книга учитывает уровень знания студентов и направлена на развитие переводческих способностей.

The present manual was written in accordance with the State Education Standard and educational program on Introduction to the translation speciality.

This book is designed to the students of faculties of higher educational establishments. It is published for the first time and it includes the scientific achievement of the theory and practice of translation and valueable points of views of outstanding scientists, translators.

Education on the national ideas of independence is the main task of this book. This manual takes into the consideration the level of ~~the student's knowledge and~~ it is directed to the development of their translarion abilities.

Мундарижа

Сўз боши.....	4
1. Таржимон роли.....	5
Таржимон мутахассислиги.....	5
Таржимон тушунчаси	8
Таржима концепцияси ва стратегияси.....	9
2. Таржимон маҳорати.....	17
Таржима санъати ва таржимонлик маҳорати.....	23
Аслиятга яқинлик. Таржимада аниклаштириш.....	26
Таржимада ноёб сўзларни қўллаш.....	30
Маколлар, маталлар, образли иборалар, таржимада мослик.....	39
Таржимада тасаввур ва фантазия.....	41
3. Таржимон услуби.....	57
Таржимон ва жумла.....	57
Талқин ва тафсив.....	59
Таржима – миллий тилнинг бойиши.....	63
Таржима диалектикаси. Таржимада динамизм.....	86
Прагматик аспект ва потенциал.....	97
4. Таржимонлик фаолияти.....	106
Таржима – ижодий ҳамкорлик. Таржима психологияси.....	106
Ўзбекистонда таржимашунослик.....	114
Тавсия этилган назарий адабиётлар.....	118

Таржимачилик халқлар ўртасидаги маданий, ижтимоий, дўстлик, тутувлик, яхши кўшничилик алоқалари ва муносабатларини йўлга қўйиш, мустаҳкамлаш, тараккий эттиришга хизмат килади. Таржима орқали умуминсоний кадриялар кенг ва чукур томир отади, инсониятни янги тараккиёт поғоналарига олиб чиқади.

Таржима орқали халқлар ўртасида яхши ният, акл – идрок, тинчлик устувор бўлади. Ўзбекистонда таржимачилик ва таржимон касби, фаолияти узоқ тарихга эга. Таржимон мутахассислиги фаолиятисиз ҳозирги замон хаётини дунё миқёсида тасаввур килиш кийин. Кўлланма талаба йигит – кизларни замонамизнинг энг муҳим соҳаларидан бири – таржимонлик мутахассислиги ичига олиб киради.

Таржима тарихи, назарияси, амалиётининг энг муҳим соҳалари ҳамда муҳим масалалари билан яқиндан танишитиради. Атоқли таржимонларнинг улкан ижодий тажрибалари таҳлили ҳамда тадқики воситасида таржима санъатининг динамик ва диалектик кирралари очилади.

1. ТАРЖИМОН РОЛИ

Таржимон мутахассислиги

Эранга билик дегандай, азалда билиқдан таржима тугилди. Азалдан таржима билик, яъни маърифат билан қўлма-қўл, кадам-бакадам юради.

Сўзловчи нутки, муаллифнинг асари, турли ҳужжатлар ва маълумотларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ёки ўтказиш, бошқа тилга уларни тушунарли қилиш таржима деб аталади.

Таржиманинг асл максади – нутклар, асарлар, муомалалар, ҳужжатлар, маълумотларнинг бошқа тил эгаларига тўла тушунарли бўлиши орқали ранг-баранг инсоният маданиятларининг ўзаро яқинлашувидан иборатдир.

Таржима натижасида бошқа тил ёки тилларда аслият билан тенг кучга, тенг ҳаққа, тенг харакатга эга бўлган матнлар юзага келади.

Таржималар орқали маълум бир халқка даҳлдор маданият, маърифат, тарих, илм-фан, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, адабиёт ва санъат, техника ҳодисалари бошқа тилларда сўзлашувчи халқларга ҳам таниш бўлади.

Таниш бўлиш орқали тушуниш, тушуниш орқали яқинлик, дўстлик, биродарлик, ҳурмат қилиш, кадрлаш тугилади: маданий-иқтисодий, кариндош-уругчилик алоқалари, муносабатлари изга тушади. Бундай халқаро тил алоқаларининг интенсивлашиши натижасида турли миллатга мансуб халқлар тарихан вужудга келган, юксак даражада шаклланиб етган ранг-баранг миллий, этник тилларнинг гўзалликлари – ифода, тасвир, баён имкониятларидан баҳраманд бўладилар. Ранг-баранг тиллар ўзаро коммуникатив алоқалар туфайли янги сифатлар, янги воситалар билан кўшилиб, бойиб боради. Дарёлар кўшилиб, денгиз бўлгандай, денгизлар туташиб океан туғилгандай.

Халқлар бир-бирларидан узоклашиб эмас, бир-бирларига яқинлашиб, ҳамкорлик қилиб равнак топадилар. Яхши, муносиб ҳаётга эришиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муюссар бўладилар.

Инсоният тараққиёт йўлиниңг ва тараққиёт жараёнларининг марказида таржимонлар турадилар. Таржимонларни ҳалклар ўртасидаги алокларнинг элчилари деб аташ мумкин. Яқинда жаҳон ҳавфсизлиги бўйича Мюнхенда ўтган йирик ҳалқаро анжуманда раислик килувчи сўзининг охирида таржимонларга мушкул, гоятда мураккаб иш – кизгин, оғир фикр алмашувларни муваффакиятли олиб борганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдири. Ҳакиқатан ҳам, ҳозирги замонда бундай улкан, ўта масъулиятли ҳалқаро ва давлатлараро анжуманларда таржимонларнинг меҳнати катта аҳамиятга эга. Шу маънода таржимон, таъбир жоиз бўлса, элчининг ёнидаги элчи, дипломатнинг ёнидаги дипломат, сиёсатчининг ёнидаги сиёсатчи, адабнинг ёнидаги адидбидир.

Таржимон сўзлар ва фикрларни шунчаки сўзма-сўз хижжалаб ўгириш билан чекланмайди. У сўзлар тагидаги маънолар, тарихлар, муддаоларнинг мағзини чакади ва шундай катта меҳнат натижасида ўша нутқ ёки ўша асарни бошка тил эгаларига тушунарли киласди. Зарурат туғилганда, матнга шарҳлар беради, уни изоҳлар билан таъминлади.

Ҳалқаро анжуманларда таржиманинг ўйнаётган роли ҳамда вазифасига диққат билан эътибор берсангиз, таржима ҳозирги дунёда глобаллашув ходисаси, глобаллашувга хизмат килаётган соҳа эканлигига тўла ишонч ҳосил киласиз.

Таржима алоқа воситаси. Таржима воситасида дунёдаги турли ҳалқларнинг маданиятлари бир-бирига яқинлашади ва ўзаро таъсирланиб, бойиб, чукурлашиб боради. Дунё маданияти унда яшовчи ҳар бир ҳалқнинг маданияти ютуқлари ҳамда ўзига хосликларидан ҳосил бўлади.

Таржима дунё мамлакатлари маданиятлари, илм-фани, иктисадининг ҳамкорлиги жараёнлари марказида туради. У тўла маънода шу ҳамкорлик жараёнларига воситачилик киласди. Унинг тиллар аро воситачилиги маданиятлар аро воситачилик макомига кўтарилади. Аваз ўтар ўгли "тил воситаи робитаи оламиёндир", деган теран фикни айтган эди. Тилни курол

қилиб ишлайдиган таржимон ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Яъни: таржима воситай робитаи оламиёндир.

Таржима инсоният тарихида шунчалар катта салмоқли ўрин тутади.

Таржимоннинг жамиятдаги ўрни ҳам шундан келиб чиқади.

Таржимоннинг жамиятдаги, инсонларабо муносабат ва муомалалардаги ўрни ҳамда вазифасини белгилаганда, унинг тиллар аро ва маданиятлар аро воситачи эканлигига алоҳида ургу берамиз. Таржимон шунчаки қуруқ воситачи эмас, у айнан *ижодкор воситачидир*. Унинг меҳнати *ижодий меҳнатга* киради. Ижодий меҳнат дегандা таржимоннинг таржима матнини яратишими назарда тутамиз. Тўғри таржима матнини бунёд килиш таржимоннинг биринчи галдаги вазифасидир. Шундан таржиманинг предмети бу - таржима матни деган хулосага келамиз.

Таржимон тиллар ва инсон гоялари ўртасида туриб, уларнинг бошқа тилларга тушунарли, яқин, ҳамоҳанг бўлишига интилади.

Таржиманинг сифати, унинг алокага тўла маънода яроқлилиги таржимон маданиятининг даражасига боғлик.

Таржимон маданияти дейилганда биз инсоний маънавий етуклик билан бир қаторда бир неча тилларни чукур эгаллаган, тиллар аро ҳамкорликка хизмат қиласидиган, тил софлиги, фикр теранлиги, талкин ҳакконияти, аслиятга нисбатан холис турадиган зиёли инсонни тушунамиз.

Таржимон маданияти қуйидаги хусусиятлардан хосил бўлади:

- тил борасидаги билимининг кенглиги
- тилнинг софлиги
- интеллект /фикр/ теранлиги ва кенглиги
- талкин /интерпретация/ ҳакконияти ва фаросати
- аслиятга холислик ва муҳаббат.

Таржимон маданиятининг бешта белгиси ўз ичига шуларни олади. Албатта, бу ўзак хусусиятлар атрофида яна бошқа зарур белги ва хусусиятлар ҳам жамланиб бориши, илдиз отиши, тармоқланиб кетиши мумкин. Таржимон

маданиятнинг бойлигини арифметика кўрсаткичи эмас, инсоний лаёкат, малака ва қолаверса кучли ижодкорлик иродаси белгилайди.

Таржимон тушунчаси

Таржимон касби ва межнати жаҳон маданиятлари тараққиётгидаги, уларнинг ўзаро ҳамкорлик килишида алоҳида ўрин тутади.

Жуда қадим замонлардан бошлаб инсониятнинг савдо, иктисадий алокаларида тил билиш, тил ўрганиш, сўзларнинг маънолари ва маъноларнинг доираларини аниқлашда, тилни алоқа, муомала, мулоқот қуролига айлантиришда тилмочлар, (оғзаки таржимонлар), ижодкор таржимонларга жуда катта эҳтиёж тугилган. Мисол учун биргина “сора” деган сўзни олайлик. У жуда қадимги семит тилида мавжуд. Ҳозирги дунёнинг кариб барча тилларига бу сўз “Таврот”, Иброҳим алайхиссалом тарихи, мусулмон адабиётлари орқали атоқли исм тариқасида кириб, кенг ёйилган.

Аёлларга яхши ният қилиб, “Сора” деган исм қўядилар. Хўш “Сора” нима дегани? Қадимги семит ва хурр тилларида у “шаррату” тарзида бўлган ва “малика” деган маънони билдирган. “Шаррату” бошқа тилларга ва жумладан мусулмон халқлари тилларига “Сора” бўлиб ўтган. Инглизлар уни “Сара” дейдилар. “Cap” – “бош”, халқнинг боши, подшоҳи. “Цар”, “чор” – деган сўзлар ҳам подшоҳ маъносида. Сарнинг бош маъносидан малика маъносига уйгунлик билан кўчишини кўрдингизми? Ёки “ибри” деган сўзнинг эврилишларига назар ташлайлик. Симнинг чеварасининг исми Эбер бўлган экан. “Эбер – Ибри – дарёдан кечиб ўтиш” маъносини билдиаркан. Дарё орти – “ибри” дейиларкан. Дарё ортидан, яъни Фурот дарёсининг нариги томонидан келган кишиларни қадим-қадимларда ибри дер эканлар. Славян халқлари уни “еврей” деб талаффуз килганлар ва шундай ўзлашиб кетган. Эрамиздан аввалги XVI – XIV асрларда юкори Месопотамиядан Фурот орқали Сурия / Шом / чўлига кетган қабилалар ҳам “ибри” деб аталган ва бу сўз кишиларнинг жуда кўп атоқли отларига айланган. Юзлаб, минглаб

шу каби сўзлар ва тушунчалар, атокли отлар, атамаларнинг хурр халқлари тилидан, дейлик, хетт халқлари ва ундан семит халқлари ва ундан сўғд, кипчоқ, хазар, славян халқлари тилларига кириб келиши факат ва факат таржималар ва таржимонларнинг саъи-ҳаракатлари, ижодий кашфиётлари натижасидагина мумкин бўлган. Булар ҳакида кўпдан кўп тарихий китоблар хабар бериб ўтади.

Ўзбек тилида узок қадимдан “тилмоч” деган сўз мавжуд. У бошка туркий халқларнинг лугат бойликларида ҳам акс этган. Тилмоч – тил биладиган, тил агдарадиган киши дегани. “Тилмоч” – таржимон сўзига караганда қадимиюрқ. Таржима ва таржимон сўзлари истеъмолга киргандан сўнг “тилмоч” таржимондан фарқланадиган бўлди. “Таржима” ва “таржимон” кўпроқ ёзма маданиятга дахлдорлик маъносида фарқланди. Таржима – қайта яратиш, қайтариш маъносини билдиради. Шоир Чўлпон тилимизга “таржимачи” деган тушунчани олиб кирган.

Илк давлатларнинг дунёга келишидан бошлаб то ҳозирги кунгacha таржимонлар давлатлараро дипломатик муносабатлар ўрнатилиши, мустаҳкамланишига хизмат килганлар. Халқларнинг бир-бирларини билишлари, тушунишларига кимматли хиссаларини кўшганлар.

Таржима концепцияси ва стратегияси

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомийнинг авлиёлар ҳакида ёзган «Нафахот ул-унс мин ҳазаротул -кудс» деган асарини ўёзилгач, йигирма йил ўтгандан сўнг таржима қилди. Шуниси ажойибки, бу асарни ёзиш гоясини Жомийга Алишер Навоийнинг ўзи берган ва уни бунга рағбатлантирган эди / “жамъу тартибининг боиси бўлдум”/.

Навоий Жомий китобини нима учун шунча вактдан сўнг таржима килишга киришганлигини шундай баён килади:

«Хотирга кечмишким, агар саъи қилсан, бу китобни турк тилига таржима кила олгаймуман ва ул дақоику мушкулотни равшанроқ алфоз ва очукрок

адо билан ўткара олгаймуман?» - деб мутааммил эрдим» /Алишер Навоий.
Йигирма томлик Асарлар, том 17, “Фан”, 2001 йил, 12 бет/.

Таржима назарияси дарслекларида таржима концепцияси ва стратегияси тўғрисида кўп яхши фикрлар баён этилади. Концепция ва стратегия тўғрисидаги назарий хуносалар курук ерда пайдо бўлмаган. Улар узок замонлар таржима амалиётини ўрганиш натижасида тугилган универсал аҳамиятга молик фикрлар. Таржимон концепциясига доир асарни тушуниш, англаш, унга таржима йўлини топиш билан бодлиқ фикрлар мана шу Навоийнинг сўзларида канчалар муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиб туради.

Аввало Навоийдек даҳо адиб ва мутафаккирнинг ўзи гоясини ўз устозига берган, асарни таржима қила олармикинман, деб ўйланиб тургани диккатга сазовор. Шундай кишилар бор: истаган нарсани истаганча таржима килиб ташлашга ўзларини қурбли ва ҳақли деб биладилар. Таржимага “оёкнинг учи билан” килиб ташласа бўладиган жуда осон иш, деб менсимай қарайдилар ва қиладиган таржималари ҳам шу менсимаслик ва ўта хурматсизликни тўла акс эттириб туради. Навоий эса араб ва форс, кўхна турк, уйгур, туркман тилларини мукаммал даражада билган ва ёзган адиб – Жомийнинг асарини таржима қила олармикинман, деб йигирма йил ўйланиб, ўзини бу катта ижодий ишга чоғлайди, бугунги тилимиз билан айтганда, ўзини тайёрлайди. Таржимага жуда катта масъулиятли иш деб қарайди. Навоийнинг бу маданияти ниҳоятда ноёбdir. Навоий ўз тарааддудининг боисини баён килади: Жомийнинг китоби жуда нозик фикрларга тўла, уларни ўз она туркий тилида тушунарли, таъсирчан айтиб бериш осон эмас. Бунинг учун равшан сўзлар ва очик услуб, яъни “адо” лозим деб чамалайди. Бу Навоий-таржимоннинг асл концепцияси. У концепция нималигини яхши ифодалайди.

Алишер Навоий бу ерда равшан алфоз /сўзлар/ ва очик адо /услуб/ деган тушунчаларни кўллаб бадиий таржиманинг муҳимдан муҳим жихатларини тилга олади. Таржима учун равшан сўз ва очик, яъни ўқиган одам тушунадиган услуб канчалар зарур! Навоий шу сўзларда ўзининг таржимага

бўлгаъ талабларини хам ифодалаб ўтгандай бўлади. Таржима учун ўз бадиий эстетик принципини белгилаб олади. Кейинчалик таржима принциплари мана шундай улуғ намуналар орқали аёнлашди.

Равшан сўз ва очик услуб ҳакидаги тушунча бугун таржима назариясининг бутун магзини ташкил этади. Барча коидалар ва меъёрлар шунга келиб туташади.

Навоий бу асарнинг таржимасини айтилганидек, йигирма йил кўксига тугиб юрган, йигирма йил бунинг учун керакли материаллар тўплаган - катта тайёргарлик кўрган. Шарқ ислом мутасавифлари /сўфий донишмандлар ва файласуфлар/ ҳаётлари, фаолиятлари, ижодларини ўрганиб чиқкан, зарра - зарралаб факт-маълумотлар йиккан.

У ўзи ният қилган ишнинг қанчалар азимлиги ва душворлигини яхши тасаввур қилган. Таржима концепцияси устида узок бош қотирган. Ҳар томонлама изланишлар олиб борган.

Навоий тараддулларининг, албатта, ўз аниқ сабаблари мавжуд. Асар ёзилиши ва мазмунига кўра мушкул эди. Шунинг учун Навоий бу тарихий, адабий-бадиий агиографик асарга том маънода ижодий ёндошишга қарор берган. Ўз танлаган ижодий принципига кўра тугал иш кўрган.

“Бу улуғ ишга илик урдум ва бу азим амрга қалам сурдум”, дейди Навоий ўз журъати ва ижодий жасорати ҳакида.

Навоийнинг таржимага ижодий ёндошуви нималарда кўринади? Бу ҳақда у китоб муқаддимасида маълумот бериб ўтади. Навоийнинг ижодий муносабатига эътибор беринг. У аввало Жомий китобини унга кирмай колган бошка улуг сўфий донишмандлар ҳакидаги маълумотлар билан тўлдириш зарур, деган фикрга келади. Бу биринчи ижодий ёндошув. Китобга Ҳинд ва Турк диёrlарида яшаган ва халк орасида машҳур бўлган мутафаккирлар ҳакидаги нодир маълумотларни йигиб уларнинг зикрлари, ҳолатлари ва айтган машҳур сўзларини баён киласди. Асарга ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг ўзи ҳакидаги, унинг сафдошлари, замондошлари, издошлари ҳакидаги маълумотларни топиб киритади. Шундай қилиб, Жомий асарида

618 та донишманд тўғрисида маълумот келтирилган бўлса, Навоий ўз асарида улар сонини 770 тага еткизади. Бу Навоийнинг иккинчи ижодий муносабати. Жомий китобида зикр этилган улуг сўфийларнинг замонга тўғри келмай қолган, нотўғри тушунилиши эҳтимол тутилган сўzlари, фикрлари, ишлари ҳакидаги маълумотларни кискартиради “аларни бу таржимадин ўксуттум”.

Навоий шу тариқа бадиий таржима орқали ўз ижодий матнини яратади. Мутасаввифларнинг ҳаёти ҳакидаги Навоийнинг хикоялари бамисоли қуёш парчасидай алангаланиб туради ва уларни ўқиётганда, худди тирик уриб турган қалб билан гаплашаётгандай бўласиз.

Навоий, аввало, бу асарга уни туркий ҳалклар ўқисин, билсин, ўз сўzlари билан айтганда “шуур ҳосил килсун” деб қўл урди. Шуур – онг, ақл дегани. Навоийнинг “шуур ҳосил килиш” мақсади билан асар яратгани таржимадан қанчалар катта мақсадларни кўзлаганини билдиради. Бу концепциядан кузатилган асос натижадир.

Таржимага шундай катта ижодий ният ва концептуаллик билан киришмоқликини биз олдинги адиларда, хусусан, Кутб Хоразмийда ҳам кўрамиз. У Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини ўзбекчалаштиаркан, аввало бу маънавий нафис гўзалликлардан ўз ҳалқини баҳраманд этишликни кўзлади. Низомий қанчалар улкан даҳо бўлмасин, Кутб унинг асарига ижодий муносабатда бўлди. Ўз даврининг ўқувчилари тушунчалари, тасаввурлари, ақидаларини хисобга олди. Асарнинг бир қанча бобларини кискартирди, ихчамлади. Бу муаллиф асарига нисбатан ўзбошимчалик бўлмай, балки ўқувчига тушунарли бўлиши назарда тутилган ижодий муносабат эди.

Мумтоз адабиётлар таржималарида Кутб, Ҳайдар Хоразмий, Сайфи Саройи, Навоий таржимада мухим бир *ижодий принципни* қўлладилар. Аслиятни мукаммаллаштириш, уни давр ва ўз ўқувчиларига тушунарли килиш, даврга мослаш, ҳамоҳанг килиш, таржима матнини оригинал матн даражасига кўтариш йўлидан бордилар. Таржима ишига ватанпарварлик ва

миллатпарварлик деб қарадилар. Мумтоз адид таржимонларимиз бу каби ижодий концепцияларни назария орқали эмас, ҳаёт амалиёти, ижод такозоси, давр талабини билиш, хис килиш орқали қўллаган ва унга амалиёт орқали етиб келган эдилар.

Таржимачилик ижодида, кўп мъянода табиий стихияли йўлдан бориб, улуғвор ижодий натижаларга эришган эдилар.

Эътибор берайлик. Навоий Жомий асаридан фаркли ўларок ўз асарига «Насойим ул-муҳабbat мин шамойим ул-футувват» деб ном кўйди. Бу билан ўз асарига аслий асар каби караш кераклигини уқтиргандай бўлди.

Навоий бошка бир асарида ҳам шу усулни қўллади. У ҳазрат Алига нисбат бериладиган «Наср ул-лаолий» / “Марварид сочмалар”/ деб аталган ҳикматларни ҳам таржима килди. Ҳар бир ҳикматга тўрт мисраси ҳам гўзал тарзда мукаммал кофияланган рубоий багишлади. Шу асосда оригинал услубли бир асар яратди ва унга энди “Назм ул-жавоҳир” деб от кўйди. Навоий ҳазрат Али ҳикматларини юксак шеърий сўз билан талқин этди. Талқинда фикрий жиҳатдан анча илгарилаб кетди. Бунда ҳам ўз концепциясига кўра туркий элларга мъянавий наф келтиришни, уларни гўзал ахлокий, фазилатлардан, фикр дурдоналаридан баҳрадор этишни биринчи ўринга кўйди. Таржимада талқиннинг оригиналлиги янги кучли гўзал матн дунёга келишига сабаб бўлади.

Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг бошларида Месопотамияда истикомат қилган ҳурр ҳамда хетт халқларига даҳлдор матнларнинг парчалари топилган. Ҳурр халқларига мансуб достонлар ва хужжатлар дастлаб уларга якин, қўшни яшовчи хетт тилларига таржима килинган ва ушбу таржималарнинг матнлари сакланган. Айтайлик, Гилгамеш ҳакидаги достон версиялари таржималари, Хеддам деган аждаҳо ва Кумарви деган илоҳ ҳакидаги кўз илғамас замонларнинг афсоналари ва уларнинг таржималари бўлган. Подшохларнинг солномалари адабий тилда баён этилган ва бошка тилларга ўгирилган.

Юкори Сурия / Шом /, Урарту, Кичик Осиё, Месопотамия – Дажла ва Фурот дарёлари оралари ва бўйлари, Сир ва Аму, Ҳинд, Хуанхэ, Булға (Волга) каби буюк дарёлар бўйларида яшаган халқларнинг ёзма маданиятлари шаклланиб, улар заминида таржимачилик ҳам юзага чиқкан ва инсоният маданиятининг узвига айланган.

Замонлар ўтиши билан таржимага карашлар ҳам ўзгариб борган. Таржима тилларо алоқа воситасидан бора-бора санъат турига айланган. Илгари тилмочлар сўзларнинг мазмунини баён килиб беришга уринганлар. Савдогарлар, саёҳатчилар, элчилар, подшохлар тил билишга харакат килганлар. Савдо-сотиқ ва саёҳатлар, бошқа мамлакатларни билиш ва ўрганишни тил билимисиз ҳатто тасаввур ҳам килиб бўлмаган. Ҳалқаро муносабатларда у соф амалий вазифани ўтаган. Шуниси ҳам борки, узок замонлар таржиманинг назарияси, йўллари, усууллари устида ҳеч ким бош қотирмаган. Мазмунни эркин ва шу билан бирга аниқ баён килиш таржима учун энг муҳим хусусият деб билинган ва шунга риоя этилган. Инсониятнинг улуғ достонлари, буюк тарих китоблари, илохий битиклар бошқа тилларга ҳам таржима қилина бошлагач, таржиманинг ахамияти ортган. У сўз санъати эканлиги ҳақидаги тушунчалар мустаҳкамланган. Диний таълимотларнинг ер юзи халқлари орасида тарқалиши ва устувор бўлишида ҳам сўз санъатига айланган таржима жуда катта рол ўйнаган, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам юонон, ҳинд, хитой, араб, Византия манбаларини таржима қилишга уринишлар Искандар Макдуний замонларидан бошланган. “Авесто” ва Буддий таълимотга даҳлдор битикларни таржима қилишга уринишлар бўлган. Лекин ислом маданиятининг кириб келиши. халқлар алоқа доираларининг кенгайиши VII – XII асрларда Турон кенгликларидан, Хоразм, Бухоро, Термиз каби кўхна маданият бешикларидан Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний сингари улкан иктидорли алломаларнинг тугилиши, сўфийлик таълимотларининг ёйилиши оқибатида араб, форс, кадимги туркий тилларнинг мавқеи ортди, илмий-адабий манбаларни таржима қилиш куртаклари ниш урди. Форобий, Хоразмий, Ибн Сино,

Беруний сингари даҳоларнинг илмий фаолиятини таржималарсиз тасаввур килиб бўлмайди. Кенг миқёсдаги тил билимларисиз уларнинг тиббиёт, астрономия, фалсафа, физика, жўғрофия, геодезия, ахлоқ, диний таълимотлар, алгебрага доир мангу тирик китобларини кўз ўнгимиизга келтиришимиз кийин, албатта.

Абу Райхон Беруний ўзининг дунёга машхур “Хиндистон” асарида “менинг бутун орзу-ниятларим, энг суйган машгулотим билимларни тарқатишдан иборат”, деб ёзган эди. Билим тарқатиш, тилларни қунт билан ўрганиб комусий билимлар тарқатиш учун таржималар килди. У хинд фалсафасининг машхур “Санкхия” ҳамда “Патанжала” асарларини араб тилига таржима килди. У улуг китоб “Панчантантра”нинг (“Беш мукалдас китоб”) арабча ва форсчага килинган таржималарига танкидий муносабатда бўлди, уларнинг таржимасини сохта ва ишончсиз деб топди. Вактим имкон берса, “Панчантантра”ни асл санскритчадан таржима қилишни истар эдим, деган сўзларни ёзиб колдириди.

XI асрда туркий маданият оламида тенгсиз буюк тарихий ҳодиса юз берди: Шаркий Туркистонда туғилган буюк филолог олим, элшунос адаб Махмуд Кошгарий “Девону луготит турк” (“Туркий сўзлар девони”) деб номланган улуғвор асарини яратди. Бу асада у жуда қадим туркий ҳикматли сўзлар, кўшиклар, макол ва маталларни йигиб жамлали ва уларни араб тилига таржима килди. Кенг шарҳлаб берди. Туркий дунё тарихи маданиятидан дунё хабардор бўлди.

XII асрда Турон диёридан чиққан яна бир даҳо аллома Махмуд Замахшарий “Мукаддимат ул-адаб” деган арабча - форсча лугат тузди. У араб тили грамматикаси асосларини тушунтириб, “Ал-муфассал” деган дарслек китоб ёзди, бу китоб XIII асрда туркий тилга таржима қилинди. У лугатшунослик ҳақида “Асос ал-балога” деган тил фасоҳатига багишлиланган китоб яратди. “Ал-Кашшоф” номли Куръон шархи китобини ёзди. Салжукий подшоҳлар даврида эса буюк аллома Абу Ҳомид Мухаммад ал-Газзолийнинг “Насихат ул-мулк” / “Подшоҳларга насиҳат”/ китоби туркийга ўгирилди.

Буюк озар шоири Низомий Ганжавий 1180 йилда машхур беш достони “Ҳамса”ни яратди. 1340 йилда ўзбек шоири Қутб Ҳоразмий мана шу Низомий “Ҳамса”сининг “Ҳусрав ва Ширин” достонини қадим ўзбекчага юксак бадиий дид ва санъаткорлик билан таржима килди. Қутбнинг мана шу асари билан ўзбек тилидаги бадиий таржима тарихига улкан асос кўйилди. У ўзбек таржимачилигининг ҳақиқий тамалтошига айланди.

1390 йилда улуг шоир Сайфи Саройи томонидан буюк форс шоири Саъдийнинг “Гулистон” ахлоқий-панд-насиҳат асари туркий тилга таржима этилди. Шоир ўз таржимасига худди Қутб каби жуда катта масъулият билан ёндошли, таржимага эркин, ижодий муносабатда бўлди.

Таржима Навоий даври ва Навоий қаламида янги босқичга кўтарилди. Навоий таржимани туркий элларни бошқа ҳалқларнинг маданиятлари, илм-тафаккур, ахлоқий дунёларидан баҳрадор айлагувчи буюк бир маданий ходиса деб билди. Бадиий таржимага янги асар яратиш учун манба деб қаради. У Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс ва ҳазарот ул-кудс” деб номланган асарини ўзбек тилига таржима киларкан, бу асарга тугал ижодий муносабатда бўлди. Уни бойитди. Ўз замонасининг ўқувчисига мослади, Жомий асари асосида янги бир асарни қайта дунёга келтирди. Насрнинг ажиб бир гўзал ўзбекча услубини очди. Навоий ўзи севган ва болаликдан мухаббат билан эъзозлаган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (Кушлар мантиқи) асари асосида ҳам ўзининг “Лисон ут-тайр” (Куш тили) деган гўзал фалсафий-ахлоқий достонини ёзди. Шу билан бирга Навоий ҳазрат Алига нисбат бериладиган унинг “Наср ул-лаолий” деган хикматларини ҳам гўзал рубоийлар шаклида таржима қилишга муюссар бўлди.

Мумтоз бадиий таржиманинг Қутб, Саройи, Навоий яратган гўзал анъаналари XVI-XIX асрларда Муҳаммад Али бин Дарвеш Али, Диловархўжа, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳомуший, Мунис, Оғахий, Комил Ҳоразмий, Табибий, Рожий, Баёний, Ҳиромий, Алмайи, Сидкий Ҳондайлиқий сингари улкан истеъоддод эгалари, мумтоз адабиётимиз вакилларининг бадиий таржималарида давом этди.

2. ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ

Таржима амалиёти жараённида XX асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб таржиманинг бир қанча турлари фарқланадиган бўлди. Турларнинг пайдо бўлиши таржима ишига турлича ёндашиш ва муносабатлар юзага келгани билан изохланади.

Адекват таржима. Бунда асл нусханинг барча гоявий-бадиий хусусиятлари таржима тилида тўла сакланади, оригиналга тўла ҳамоҳанглик яратилади. Сўзларнинг маъноларини англатишда бехато эквивалентликка эришилади. Жанрнинг стилистик, лингвистик талабларига оптималь даражада риоя этилади.

Эркин таржима. Таржима тарихида жуда кўп қўлланган. Аслият таржима жараённида анча-мунча ўзгаришлар, қисқартиришлар, ўзгача талкінларга учрайди. Аслият таржимоннинг иродаси билан соддалаштирилади. Таржима услубида баён қўлланади. Эквивалентлик бу ҳолда жуда нисбий тарзда намоён бўлади. Буни таржима назариясида АДАПТАЦИЯ деб аталади. Бадиий тузилиши соддалаштирилган, баён килиб бериш йўлидан борилган эркин таржимада таржима ўкувчисининг уни қабул килиши ва осон тушуниши мақсад килиб олинади.

Эркин ижодий-таржима. Аслият таржимасига таржимоннинг таъсири анча кучли тарзда намоён бўлади, таржима аслиятга нисбатан бадиий жихатдан ва тузилишига кўра анча бойиб, мукаммаллашади. Бунга Навоийнинг Жомий, Аттор, ҳазрат Алидан қилган таржималари ёркин мисол бўлаолади. Эркин-ижодий таржимада таржимоннинг индивидуал ижодий ўзига хослиги хийла кучли даражада кўзга ташланиб туради. Эркин-ижодий таржима айникса шеърий асарлар таржимасида кўп юзага чикади. Таржима аслият билан катта мусобақага киришгандай бўлади. Аслиятга teng ёки ундан ортиқроқ асар тугилади. Лермонтовнинг Ҳетедан қилган “Тог зирвалари ухлар”, Чўлпоннинг Пушкиндан қилган “Булбул ва гул”, Криловдан қилган “Бўри ва кўзичок”, Миртемирнинг Некрасовдан қилган [Русийдагим яхши яшайди?], Усмон Носирнинг “Кавказ асири”, “[Немис, Эркин Водлер]”

Сергей Есениндан килган “Форс тароналари” каби таржималар шундай аслият даражасига күтарилилган, таржима тилида худди асл асарадай кабул килинган ва ўқиладиган асарлардир.

Бундай эркин-ижодий таржима намуналарини идеал таржималар, деб хам аташ мумкин. Унда аслиятта тенг ва ҳатто ундан ортиқ бадиият яратилади.

А.С. Пушкин. Соловей и роза

В безмолвии садов, весной, во мгле ночей.
Поет над розою восточный соловей.
Но роза милая не чувствует, не внемлет,
И под влюбленный гимн колеблется и дремлет.
Не так ли ты поешь для хладной красоты?
Опомнись, о поэт, к чему стремишься ты?
Она не слушает, не чувствует поэта,
Глядишь – она цветет;
взываешь – нет ответа.

1827

Абдулхамид Сулаймон Чўлпон. Булбул ва гул

Бахор чогида холи богда бир зулматли тун эрди,
Фарид булбул фигон айлаб, “гулим, раҳм айлагил”, дерди.
Бироқ ул гул қулок солмас эрди фарёду афгона,
Факат ором оларди ноладин тўлгона-тўлгона.
Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен хам
Ёнарсан, ўртанаарсан, дод этарсан тинмайин бир дам.
Кўй энди, бехуда дод этма, охинг унга етмайди,¹
Карайсан, яшнаган бир гул, факат додингга етмайди.

Кўриниб турибдики, гўзал оригинал асосида яна хам гўзалрок таржима тилидаги оригинал дунёга келган. Агар буни Пушкиндан таржима деб

¹ Бу шеърларни ёдланг ва таҳлил килингт. Чўлпон. Асарлар. І жилд. Т., 1994 й., 194 б.

изохланмаса, худди она тилида яратилгандай равон оҳангдор ўқилади ва ҳеч нарса таржима эканлигидан дарак ҳам бермайди. Ёки яна бир мисол.

И.А. Крилов. Волк и ягнёнок.

У сильного всегда бессильный виноват.

Тому в истории мы тъму примеров слышим.

Но мы истории не пишем;

А вот о том, как в баснях говорят...**

Чўлпон. Бўри ва қўзичоқ.

Дарахтнинг мўртини курт ейди доим

Тарихда мисоллар жуда кўп бунга

Тарих тўғрисда қолайлик-да жим

Эртак сўзлайлик, қулок бер шунга...***

Энди аслият билан таржимани солиштиришга ҳаракат килинг. Таржима аслиятнинг нак, худди ўзи. Айни чоқда нак, худди ўзи эмас. Криловдаги “кучи кўп одам доим ожизни айбдор килади”, деган ажойиб маъно Чўлпонда “дарахтнинг мўртини курт ейди доим” деган фикрга айланган. Биз бу шеърни болаликда ёд олганимизда “дарахтнинг мўртини курт ейди доим” деб ёдлаганмиз. Худди Чўлпон русча оригиналдан жуда узоклашиб кетгандек кўринади. Лекин маъно Криловга мос ва мувофик. Бу эквивалентликнинг энг олий, яни ижодий шакли. Ўзбек тилидаги масал рус тилидаги асл масал билан ҳамма сўзларда, ҳамма ҳолларда-оҳангдорлик, услубнинг лўнда гўзаллигига баҳслашиб, мусобакалашиб турибди.

Эркин-ижодий таржималарда эквивалентликнинг энг юкори бадиий шакллари юзага келади.

Ёки масалнинг охири:

“ – Ax, в чем я виноват?

– Молчи! Устал я слушать,

Досуг мне разбирать

вины твой шенок!”

Чўлпонда:

“ – Таксир, менинг айбим нима?
– Жим тур энди, кўп гапирма!
Суриштириб ўтиришга вактим борми?
Қорин очса, овқат бўлса – танланарми?”

Таржимада аслиятда йўқ “таксир” деган ундалма пайдо бўлди ва “щенок” деган сўкиш ундан тушиб қолди. Лекин, шунга қарамай, бу парчада аслиятнинг таҳдидли оҳангидан пўписали вахимаси тўла сакланган. Таржима шоири ўз ўкувчисининг қабул қилиш, шарқона менталитетини ўйлаб, ёлвориш оҳангини кучайтириш учун “таксир” сўзини киритган.

Сўзма – сўз таржима. Буни русча термин билан “подстрочник” деб ҳам юритадилар. Таглама таржима, хижжалаб таржима қилиш, деган атамалари ҳам бор. Бунда аслиятнинг бадиий ҳусусиятлари сакланмайди. Сўзларнинг яқин ва илк маъноларини ифодалаш билан чекланилади. XX асрда таглама, қоралама таржималардан бадиий таржима учун жуда кўп фойдаланиш одат тусига кирган эди. Қардош адабиётлардан рус тилига “подстрочник” – таглама таржима қилиш кенг тус олган эди. Таржима зарурати, миллий қардош тилларни яхши билавермаслик шундай таржима туридан фойдаланиш, мағкуравий ва бошқа эҳтиёжларни кондиришликни назарда тутарди. Мисол учун А. Қаҳҳорнинг машҳур “Синчалак” асарини таникли таржимон Одил Рахимий сўзма-сўз таржима килган, атоқли ёзувчи Константин Симонов эса унинг тагламаси асосида юксак бадииятга эга, тўлақонли таржима яратган эди. Аммо бу таржиманинг замон тақозосига кўра, мағкуравий вазифалар талабларига қўлланган ясама усули эди. Таржимачиликда бу йўл маъқул эмас. Уни ёқлаб бўлмайди. У таржима тарихида бир тажриба бўлиб қолди. Уни мукаммал таржима учун хомаки матн, деб аташ тўғрирок бўлади.

Маънолар таржимаси. Буни Шарқ таржимачилигида тафсир ҳам деб юритишади. Кейинги йилларда ўзбек тилига илохий китоб “Куръони Карим” бир неча маротаба иқтидорли мутахассислар томонидан таржима қилинди. У

таржималарга “маънолар таржимаси” деб ёзиб кўйилди. “Куръони Карим”нинг рус тилига қилинган Валерия Порохова таржимасига ҳам “перевод смыслов” деб ёзилди. Бу кўпроқ муқаддас китоблар таржимасида кўлланадиган усул. Илоҳий муқаддас китобларни ҳеч қачон аслиятга тенг таржима қилиб бўлмайди, аслиятнинг сири, фусункорлигини ҳеч қачон бошка тилда тўла ўзидан чиқариш мумкин бўлмаган иш, деган диний доираларда расм бўлган фикр туфайли шундай йўл танланади. Бу баён қилиш – тафсир, яъни экспликацияга якин усулдир.

Таржима шундай ижодий соҳаки, бунда маълум бир асарнинг таржимасининг турли даврларда, турли муаллифларда турли версиялари юзага келиши мумкин. Бу конуний ҳол. Шу боис ҳам ҳар бир таржимага ўз даврининг ва унда хукм сурган эстетик қарашларнинг маҳсули деб қараш ўринли. Таржимада версиялар – мукаммалликка эришиш йўли туганмас бўлишини кўрсатади ва исботлайди. Ҳар бир муаллиф индивидуал бўлганидек, ҳар бир таржимон ҳам индивидуал ижодий инсоний ҳусусиятларга ва кирраларга эгадир.

Оғзаки синхрон таржима. Нутк ёки жонли сўзлашув жараёнини бирор тилга ўгириш, бошка бир тилда такрорлашни оғзаки таржима дейилади. Оғзаки таржима синхрон, яъни нуткнинг тугалланган ҳар бир гап бўлагини изма-из таржима қилиш ва нуткни у сўзлаб бўлингач, текст бўйича таржима қилиш йўллари мавжуд.

Синхрон таржима таржимондан жуда катта билим, маданият, заковат ва фикрни тез илғаб, уни равшан ифодалайдиган сўз топишни талаб қиласи. Бунда нотик жумлаларининг маъносини бир зумда, дарҳол бошка тилда кайтариш талаб этилади. Синхрон таржимага талаб жуда катта ва унинг масъулияти ҳам шу даражададир.

Таржимонлик касбини танлаган кишилар ўзларини синхрон таржимага чуқур ва кенг тайёрлашлари керак бўлади. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, муносабатлари ортган, кучайган сари синхрон таржимага талаб

зўраяди. Бундай юксак ихтисосли таржимонларни етишириш катта аҳамиятга эга.

Синхрон таржима учун икки ёки ундан ортиқ тилларни мукаммал билиш, лексик, талаффуз нормаларига мукаммал риоя этиш, тез фаҳмлилик, сиёсий, социологик, фалсафий, иқтисодий тушунчалар ҳамда тилнинг баркарор бирликларидан, мақол-маталлардан яхши хабардорлик талаб этилади.

Машина ёки техник таржима. Компьютер ёки бошка техникавий воситалар ёрдамида бажариладиган таржималарни машина ёки техник таржима деб аташ расм бўлиб келмокда. Машина таржималар чекланган лугат ва чекланган матнлар доирасида амалга оширилади. Бадиий матнларни машинада таржима килишнинг ҳозирча имкони йўқ.

Аслиятдан таржима. Таржиманинг энг мақбул саналган йўли бу – асл тилнинг ўзидан бевосита килинадиган сифатли таржимадир.

Воситали тилдан таржима. Таржима тарихи ва амалиёти воситали, яъни иккинчи, учинчи тил орқали таржима килишнинг жуда бой тажрибалари га эга. Воситали тил орқали бажариладиган таржималар бу санъат назарияси ва амалиётининг барча меъёр ва мезонларига, коидаларига риоя этади. Бунда ҳам аниқлик, мувофиқлик, мослик, юксак бадиий, илмий ҳусусиятларни саклаш ва ҳар жиҳатдан тенг қучга эга матн яратиш талаб килинади. Албатта, воситали тил орқали килишда асл (оригинал) тилининг айрим нозикликлари, ифодавийлик нюанслари бой берилиши мумкин. Аммо таржима факат аслиятдан бўлсин деб, караб ўтириш, ҳар томонлама билимдон, тилларни чуқур эгаллаган таржимонлар етилишини кутиш маданиятлар аро ҳамкорликлар, якин алоқаларни оркага суриш билан баробар бўлади. Ҳозирда қардош тиллар, рус ва Европа, Шарқ тилларидаги аслиятдан таржималар килиш бирмунча жонланиб боряпти. Ҳомер достонларини ўзбек тилига таржима килиш учун қадимги юонон тилини мукаммал биладиган мутахассислар етилишини кутиб ўтириш керакми? Қодир Мирмуҳамедов “Илиада”ни рус тили орқали ағдарди. Эркин Воҳидов “Фауст”ни, Абдулла

Орипов “Илохий комедия”ни рус тили воситасида ўзбекчалаштириди. Бундай мисоллар кўп. Ҳамма гап бадиий таржиманинг сифат даражасида. Бунда воситали тилдан килинган таржиманинг бадиий киммати ҳам ҳал килувчи аҳамиятга эгадир.

Бу борада буюк немис адаби И.В. Ҳетенинг одамни ўйлантирадиган бир фикри бор. У: Мен “Фауст”нинг французча ва лотинча таржимасини роҳатланиб ўқийман. Немисчасидан шунчалик лаззат олмайман, дейди. Гап қайси тиздан килинмасин, таржиманинг жозибасида, муаллиф услуби ва бадииятнинг ширасини саклаганида.

Таржима санъати ва таржимонлик маҳорати

Таржимада талкин – интерпретация биринчи даражали аҳамиятга эга. Таржима назариясининг шу кунгача қайд этилган барча меъёрлари, мезонлари, қоидалари улар охир-оқибатда канчалик нисбий бўлмасин, барчаси интерпретацияга – бориб тақалади. Бадиий адабиётлар таржималарида бадиий талқинга, илмий адабиётлар таржималарида илмий талқинга, оғзаки таржималарда заковатли, хозиржавоб талқинга кўп нарсалар боғлиқ.

Талкин – интерпретацияда таржимоннинг индивидуаллиги, унинг истеъодининг кирралари, билимларининг нақадар теранлиги, инсонийлиги номоён бўлади. Таржимада индивидуаллик нима?

Таржима килувчи – шоир, адаб, таржимоннинг ижодий индивидуал хислатлари, хусусиятлари у таржима килаётган асар матнига ҳам ўтади. У таржима килаётган матн шу хусусиятларнинг тўла ва ҳар томонлама таъсирида бўлади.

Таржима матнининг ширадорлиги, жозибаси, ҳудди оригинал каби ўқилиши мана шу ижодий индивидуалликдан бўлади. Индивидуалликнинг асл моҳияти эса талқиннинг кучи, даражасидагина қўзга ташланади. Э. Воҳидов: “Мен рус шоири С. Есенинни ҳудди ўз акамдай ёқтириб қолдим. Унинг ёзган шеърларини ўзим ёзган ёзган шеърлар каби севдим. “Форс

тароналари” туркум шеърларини худди ўзим ёзгандай ўзбек тилига ўгирдим”, деб айтади. “Форс тароналари”, хақиқатан ҳам, худди бошданоқ ўзбек тилида ёзилган каби ўқилади. Унинг таржима эканлиги билинмайди. Бунда Есенин индивидуаллиги билан ўзбек шоирининг ўзига хослиги уйғунлашиб кетганинги кўрамиз. Интерпретация – том маънодаги индивидуал ижодий ҳодиса. Бир асар ёки китобнинг юзлаб интерпретациялари – талқинлари бўлиши мумкин. Бу жуда табиий. Бир шахс – бир интерпретация. Юзлаб шахслар - юзлаб интерпретациялар. Бадиийликнинг чексиз, туганмас кўринишлари – версиялари мана шу нарса – интерпретация кудрати, салоҳияти, ранг-баранглигидан туғилади.

Ҳофиз Шерозийнинг машхур байти:

Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро
Ба холи хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро...

Шоир Ҳуршиднинг ўзбекча талкини:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони...

Ҳуршиднинг версияси худди Ҳофиз сўзлари каби жуда гўзал, оҳангдор жаранглайди. Ҳуршид домла вазн ва кофия – улардан туғиладиган ритмик оҳангдорликни ёркин ва тўла истифода этади. Асл қандай ўқилса, таржима ҳам шундай табиий ўқилади.

Лекин, келинг, яхшилаб иккала матнга эътибор берайлик. Ҳамма нарса жойидами? Таржима аслга тўла мувофиқми? Эквивалентлик талаби сақланганми?

Ҳофиз ғазалининг мағзида қандай образ, қандай сиймо туради? У аниктаник қилиб шерозлик турк гўзали ҳақида гап юритяпти. Туркий гўзаллар Шаркда ўзларининг шўхликлари, ўқтамликлари, ростгўйликлари, соддаликлари, мардликлари, тантиликлари ва қиликларининг нихоятда ёқимли бўлиши билан ажралиб турганлар. Уларнинг кимсага кўнгил беришлари осон бўлмаган. Туркий гўзаллар мағрур, баланд ҳамиятли гўзаллар каби шуҳрат козонганлар. Шунинг учун ҳам, Ҳофиз бундай гўзалга

Бухорою Самарқанд каби дунёнинг улуг шаҳарларини тортиқ қилиши муносиб кўрятти. Туркий гўзалликнинг хирожи тўлови шунчалар буюк. Ҳофиз байтида кўп гўзал муболагалар адо топган.

Келинг, энди таржимани яна бир қайта ўқийлик.

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони...

Таржимада “Шероз турки” деган образ йўқолди. У умуман қандайдир “Шероз жононига” айланди. Лекин Шероз жонони бу умумий тушунча. Биз Шероз жононини қандай бўлишини билмаймиз ва тасаввур килмаймиз. Таржимада конкретлик йўқолиб, ўрнига аллақандай умумлашма бир ибора пайдо бўлди. Таржима назариясида бундай йўқотиш, тушиб қолиш, конкрет нарса ўрнига умумлашма бериш хисобга олинади ва катта хато ёки оригинални бузиш деб қаралмайди. Назария бундай ҳолатларни генерализация деган тушунча билан изоҳлади ва кўриб чиқади. Конкрет турк жонони ҳакидаги гап Шероз жонони ҳакидаги умумий гапга айланди. Ҳофизнинг ниятига, унинг образига, нима учун шу гапларни айтиётганига албатта путур етади. Ҳофиз умуман Шероз жононига Самарқанд билан Бухорони ҳадя килмасди. У айни турк гўзали бўлгани ва шунга айни муносиб бўлгани учун бу улуг шаҳарларни тортиқ қилишни лойик кўрятти. Шеърнинг бундан кейинги муҳокамалари ҳам айни турк гўзали образи билан чамбарчас боғланган.

Бу, албатта, шоир-таржимон Ҳуршиднинг талқини. Лекин ҳар қанча талкин бўлганда, барибир “турки Шерози”дан асло кочиб, ундан кутулиб бўлмайди. Чунки у Ҳофизнинг шу газалидаги асосий образ. Барча шоирона сифатлар шу образнинг табиати билан бөглиқ. Уни эътиборсиз колдирилса, шеърнинг бадиияти, муаллифнинг мақсадида маъно, мантиқ қолмайди. Бадиий мантиқка путур етади.

Бу интерпретацияда эътиборсизлик намунаси, албатта.

Аслиятта яқинлик

Таржимада аниқлаштириш

Шекспирнинг "Ҳамлет" трагедиясида, 1 актнинг биринчи кўринишида Франциско ўз ўрнига пойлокчиликка тургани келган Бернардони таниб, "Бернардомисиз?" - деб сўрайди. Бернардо эса: "Худди ўзи", - деб жавоб беради. Шу ерда рус тилига килинган М. Лозинскийнинг таржимасида Бернардо ҳалиги саволга: "Он" - деб жавоб беради. Рус тилида бу яхши жаранглайди. Лекин ўзбек тилида "у" деб таржима килиб бўлмайди. Эшигтан кулокка хунук чиқади. Кулги бўлиб ҳам туюлади. Шунинг учун ҳам ўттизинчи йилларда «Ҳамлет»ни биринчи марта ўзбек тилига таржима килган Абдулхамид Сулаймон Чўлпон буни "Худди ўзи" - деб афдарган. Бу ерда "ҳа, мен, ёки Менман" - деб олиш ҳам мумкин эди. Лекин ситуация учун бунда "Худди ўзи" – деб айтиш жуда ўрнига тушади.

Жойига қараб таржима килиш, яъни тасвирланаётган ситуацияни доим хисобга олиш ва сўзларни шу ситуацияга мослаш ҳамма вакт жуда муҳим, биринчи даражали ахамият касб этади. Бунда таржимондан тасвирланаётган воқеанинг ичига кириш, уни том маънода ижодкорона англаш талаб килинади.

Юкоридаги ситуациянинг давомида Бернардо табиий равишда: "Все было тихо?" - деб ҳам сўрайди. Чўлпон бу ўринда: "Ҳаммаси жойидами?" ёки "Тинчлик-хотиржамлими?" - деган тарзда таржима килса бўларди. Лекин унга бу каби жумла варианлари одми ва жўн туюлса керак-да, у киска жумлага бошқача талкин беради: "Пойлаб турганингда, тинчликиди?" Лозинский жумласига караганда, Чўлпоннинг жумласи чўзиқроқ ва бирмунча ўнгайсизроқ ҳам туюлади, албатта. Лекин у бошқа бир жиҳатдан ўзини оклади ҳам. Чўлпон вазиятни равшанлаштиради. Унга пойлаб турганингда, деб аниклик киритиб ўтяпти. Матнга зарур ўринда аниклик /конкретизация/ киритиш усули бадиий таржималарда жуда кўп ва унумли кўлланади. Факат бунда ситуация талабидан келиб чикиш ва матнни ортикча сўзлар, узун

жумлалар билан оғирлаштираслик, жумланинг поэзиясига путур етказмаслик зарур.

Рус тилида "мышиная возня", "мышиная суета" сингари бефойда ивирсишларни англатувчи турғун бирикмалар мавжуд. Францисконинг жавоби ҳам шунга якин маънони англатади. Шунчалар осойишталиқ ҳукм сурмоқдаки, ҳатто кечалар гимирсилаб юрадиган сичқонлар ҳам кўрипмайди.

Чўлпон Францисконинг бу сўзини "Хеч бир жонивор ўрмалагани йўқ" деб таржима киласди. Лозинский конкрет бир образлилик яратган бўлса, Чўлпон "сичқон" ни жониворга айлантиради. Конкретликни бу ўринда ўзбекча матн кўтармаслигини ҳис қилиб, таржимон мазмунни умумийрок маъно берувчи сўз - "жонивор" билан англатади.

Аслида сичқон ҳам жонивор. Лекин жонивор умумий маънони англатади. Жониворлар битта эмас, жуда кўп.

Таржимон баъзан вазият тақозосига кўра шундай "умумийлаштириш" усулини кўллайди. "Умумийлаштириш" /генерализация/ эквивалентли тўгри таржима қилиш имкондан ташқари бўлиб кўринган ҳолларда кўлланади. Албатта, бунда аслиятнинг образли, шоирона тизими маълум даражада йўқотишларга учрайди. Сахна асарлари ижро этилганда ҳам худди шундай йўқотишлар рўй бериши эхтимолдан узок эмас. Яъни бадий матн билан сахна ижроси ўртасида анча-мунча фарқлар юзага чиқиши мумкин. Таржимада ҳам худди шундай. Маълум курбонлар бўлмай сира иложи йўқ. Бадий матн "умумийлаштириш" туфайли бир кадар сийқаланади. Бернардо Франциско сўзидан сўнг, у билан хайрлашади: "Ну, доброй ночи". Чўлпон бу жумлани қандай бўлса, шундай олмайди. Уни ўзига маъқул таржима усулини кўллаб, конкретлаштиради:

"Бўлмаса, яхши туш кўриб ёт".

"Хамлет"ни эллигинчи йилларда Йирик олим ва шоир Максуд Шайхзода ҳам ўзбек тилига ўтирган. У М.Лозинский ҳамда Б. Пастернак таржималарига суюнган. Юкоридаги жумлаларни у куйидагича ўтиради:

Бернардо

Осоиши ми пойлоқда?

Франциско

Ҳамма ёқ сокит

Бернардо

Хайрли кеч бўлмаса.

Шайхзода айтайлик, М.Лозинский матнидан узоклашмайди. Чўлпон эса конкретлашиб, умумийлашиб, ҳам узоклашиб, айни пайтда ҳам якинлашади.

Чўлпон "Ҳамлет" таржимасини рус тилидаги инглиз аслиятига жуда аниқ, насррий таржимага асосланиб қилганлигини 1937 йил 7-8 апрел кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган мухокамада сўзлаган нутқида айтиб ўтган / "ЎзАС", 1989, 1 сентябр. Нутқ стенограммаси. Нашрга тайёрловчи Шерали Турдиев/. Ўша пайтнинг сиёсатчи ва танқидчиларидан бири Назир Тўракулов Чўлпон таржимасини М. Лозинский таржимаси билан киёслаб, Чўлпонга анча-мунча ўринсиз таъна тошлари отган эди.

Максуд Шайхзода ҳам баъзи ўринларда конкретлаштириш йўлидан боради. Бернардо, Хорацио, Марцел каби дўстларига ярим кечада кўринган шарпа тўғрисида сўзлаб бераркан, ўз сўзларига далил келтириб, Кутб юлдузининг сўл томонидаги юлдуз ҳали кўқда порлаб турганда, тунги соат бир бўлганда, ўша шарпа яна кўзга кўринди, деб хикоя килади.

Максуд Шайхзода матнида Бернардо: "Кеча, Ҳулкар юлдузи учиб кетмасдан соат бир бўлган эди..." - деб юлдуз номига аниқлик киритади.

Лекин бу "аниқлик" ўзини окладими? Шекспир матни уни хазм киладими?

Осмон сферасининг шимол кисмида жойлашган Кутб юлдузи ҳамиша баркарор, турғун ўринда туради. Кутб юлдузининг сўл томонида ҳамиша Шимол тожи юлдуз туркуми ва унинг энг яркироқ юлдузи харакат килади. Ҳулкар эса /Плеяда/ кок ёз ўртасида Шарқдан туғади. Шунинг учун Кутб юлдузининг сўл томонида деганда Шекспир Шимол тожи юлдуз туркумини назарда тутган бўлиши эҳтимолдан узок эмас. Бунда матнга "Ҳулкар" деб конкретлик киритиш жуда ўринсиз бўлади.

Бу ўринда Чўлпон "Қутбдан кун ботишига томон йўналиб турғон юлдуз"- деб Шекспирга яқинроқ боради.

Аммо у қутб деганда "Қутб юлдузи"ни эмас, умуман шимолий қутбни назарда тутади. Гап эса Қутб юлдузи ва унинг чап ёғидаги юлдуз туркуми устида боради.

Турлича таржималарда талқинлар ҳам баъзан турлича тус олади. "Ҳамлет"да Шарпа яна пайдо бўлгач, Марцел Хорациога: "Сен кўп китоб кўргансан, у билан сен гаплаш", - дейди.

М.Лозинский бу ерда: "Ты книжник", деб айтади.

М.Шайхзода: "Сен, донишманд Гораций..."

Чўлпон: "Сен, Хорацио, илмлик одам..." – дейди.

Ушбу ранг-баранг талқинлар ичida Лозинскийнинг "книжник" дегани энг муносиброқ ва ҳақиқатта яқинроқ кўринади.

Лекин "донишманд", "илмлик одам" деб талқин килиш ҳам у қадар нотўғри эмас. "Книжник" дейилганда шу маъно кирралари ҳам назарда тутилади. Лекин "книжник"ка қараганда Чўлпон ва Шайхзода таржимаси абстраклашиб умумийлашиброқ кетгандек таассурот қолдиради. Бу ерда бундай умумийлашиш аслият тилига бевосита мурожаат килинмаганлиги туфайли келиб чиқади. Аслиятга суюнлганда эди, эквивалентлик ҳам бошқача аниклик ва рангинлик касб этарди балки.

Европада "книжник" деганда, кўп ўқиган сўз маъносидаги кимё ва лотин тилини биладиган, сехр-жоду тилига тушунадиган одам тасаввур килинган. Айниқса, Шекспир замонларида арвоҳлар ва турли шарпалар билан ана шу лотин тилида сўйлаша оладиган кимсалар тиллаша биладилар, деган тушунчада бўлишган. "Книжник" маълум бир маънода "кимёгар" /алхимик/ тушунчасининг синоними бўлиб келган. "Книжник" деганда доим китоб кўтариб юрадиган, китоб жинниси бўлмиш бир кимсани назарда тутиш албатта, соддалик бўларди. Сўзнинг ташқи шаклига қараб унинг маъносини чиқаришга уриниш галатироқ натижалар берганлиги таржима амалиётларидан яхши маълум.

Таржимашунос О. Рустамов француз шоири Пол Элюарнинг рус ва ўзбек тилларига килинган таржима намуналари устида фикр юритаркан, француз тилидаги “chiffons” – латта сўзи рус тилидаги таржимага “осколок” бўлиб кирганилиги, ундан ўзбек тилига килинган таржимага эса “сишиш-синиклар” тарзида ўтганлиги, натижада шеър мутлако гализ бўлиб колганлиги хақида ёзади. Худди шундай ҳол французча “rphares” сўзини тушунишда ҳам рўй беради. Бу сўз рус тилидаги таржимада “фонарь” деб ўгирилган. Ундан ўзбек тилига “фонус” бўлиб ўтган. Ҳолбуки, шоир бу сўзини “маёк” маъносida ишлатган. Шу тариқа “вайрона маёкларимга сенинг номингни ёзаман” сатрлари:

“на сломанных фонарях

Я имя твою пишу...”

синдирилган фонуларга

мен сенинг номингни ёзаман” – деган маънисиз ифодаларга айланиб қолган. Бунга сўзнинг ташқи шаклига қараб хулоса чиқариш сабаб бўлган. /“Таржима муаммолари”, тўплам, Т., 1991, 157 - 159 б./ Худди шундай хулоса чиқариш туфайли Берди Кербобоевнинг “Дадил қадам” романни таржимасида “дойи” - “тога”сўзи – “хола”га, “уя”- “сингил”сўзи эса – “хотин”га айланиб кетганлигини таржимашунос Жумабой Юсупов ҳам қайд этиб ўтган.

Қардош тиллардан адо этгилган таржималарда бундай ҳоллар анчамунча учраши ҳакида таржимашунослар Зухриддин Исомиддинов ва Мустафокул Каримов мазмундор тадқиқотларида батафсил тўхтаб ўтишган. /“Таржима муаммолари”, тўплам, 25 – 29; 53 - 57 б./.

Таржимада ноёб сўзларни қўллаш

Ўзбек тилининг лугат бойлиги бошка тиллар каби қўшни, қардош, чет эллар билан узок тарихий муомала, муносабат, маданий, савдо-сотик, алоқалари давомида атамалар, ранг-баранг тушунчаларни ифода килувчи сўзлар қўшилиб, бойиб, ўзгариб, ифода имкониятлари ҳам кенгайиб борган.

Жуда қадим замонлардан бери хинд, араб, хитой, юон, форс, рус, иврит, лотин, инглиз, герман, француз, италиян, мүгүл, испан, кардош туркий халклар тиллари бир-бирларига ўз таъсиrlарини ўтказганлар, тилларнинг лугат бойликларининг кенгайиши ва теранлашувига хизмат қилганлар. Миллий тилимиз таркибига турли хорижий тиллардан кирган сўзлар ижтимоий-маданий тараққиёт жараёнларида шунчалар ўзлашиб, миллий тил стихиясининг ичига кириб кетганки, ҳозир шундай у ёки бу сўзни ишлатганда, уни бошка тилдан кириб келганлигини ажратиб, фарқлаб ўтирилмайди. Факат изоҳли лугатлардагина сўз қайси тилдан кирганилиги қайд этиб ўтилади, холос. Денгизга кўп дарёларнинг сувлари куйилади. Кейин қайси дарёнинг суви эканлигини асло ажратиб бўлмайди. Аммо бундан қатъи назар кишилар денгиз сувларидан турли мақсадларда bemalol фойдаланаверадилар. Лекин илм-фан миллий тил таркибига ажнабий тиллардан кирган сўзларни аниклади, уларнинг кириб келиш ва ўзлашиб тарихини ўрганади, тиллар ривожини киёсий таҳлилларда кузатиб боради.

Жонли сўзлашувларда сўзлар, уларнинг қандай келиб чиққанидан катъи назар bemalol, эркин қўлланади. Жонли сўзлашувнинг ўз стихияси мавжуд. Жонли сўзлашувда ахборот бериш, фикрни тушунтириш, хиссиятни ифодалаш муҳим. Мулокот иштирокчилари фикрлашиш равшанлигига, баённинг таъсирчанлигига ва мазмундорлигига диққат-эътибор қиладилар. Фикрларига, баён килинаётган воқеага кутилмаганда, илмийроқ, салмоклироқ, тантаналироқ, фавқулоддароқ тус беришни истаб колсалар, орага ноёб сўзларни хам кистириб юборадилар. Нуткка жаарангдорлик, кўтаринкилик, шоироналиқ багишлаш учун антика, ноёб сўзларни ишлатадилар. "Бирлик" дегандан кўра "консолидация", кўтаринлик дегандан кўра: "эйфория" демакликни айни ўринда афзал кўрадилар. "Халқчилик" дейиш ўрнига "демократия" дейдилар, "янгилик" дегандан кўра муайян бир шароитда "жадид" ёки "модерн" дейиш маъкулроқ, кўринади. Ижтимоий харакатлар, маълум бир соҳаларда катта ўзгариш ясаган оқимлар, ўзгача йўллар яратилганда, уларни авангардизм, модернизм, сюрреализм, поп-арт

ёки юзлаб шунга ўхшаш жадидона сўзлар билан ажратиб кўрсатадилар. Ажратиб кўрсатиш учун маърифатчилик, миллий озодлик, демократик харакатлар йўлидаги шарқона уринишларни, айтайлик, жадидизм деб белгилайдилар ва сўнг бу мамлакатлар ва халклар тарихий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида жуда катта рол ўйнаган ҳаракат номига айланади ва унинг ўзига хослигини, такорланмас хусусиятларини англатади. Сўз - терминга, термин оқим номига, унинг тарихий паспорти, тамгаси, символига айланади. Ноёб, хориждан кирган сўзларни кўллаш фикрнинг холис қабул килиниши, бирдай англаниши учун ҳам хизмат қиласди. Терминлар, атамалар, истилоҳлар фикрнинг холис тушунилишига, объективлаштиришга хизмат киласди.

Бадиий, илмий-фанний адабиётларда хориждан кирган ёки кириб келаётган ранг-баранг сўзларни кўллашнинг ўз вазифалари, йўл-йўриклари, усуллари мавжуд.

Бадиий, илмий адабиётларда ноёб хорижий сўзлар персонажлар ҳамда муаллиф нутқини характерлаш, уларга эмоционал рангдорлик, ўзгача бир маъно, руҳий иқлим бағишлиш; масалани халқаро миқёсда қабул килинган термин-истилоҳлар воситасида том илмий тарзда кўйиш, ривожлантириш, ечишни кўзда тутади. Илмий адабиётларда хорижий маҳсус терминларсиз фикрлаш, баён килиш, муддаони очиш имконсиз бир ҳолга айланган.

Баъзи тарихий даврларда бир қанча тиллар шунчалар яқин алоқа жараёнларига кирадиларки, натижада адабий тиллар тубдан ўзгариб кетади. XIV - XV асрларда Турон ва Туркистонда, Хурросон, Араб, Форс, Ҳинд, Чин-Мочин заминларида шундай буюк тил алоқа жараёнлари юзага чиқкан эди. Араб, форс, туркий тиллар беҳад бойиган, Ўзбекистонда эса Навоий тили деб ном олган фавқулодда бой, тугал бир ҳазинага айланган адабий туркий ўзбек тили дунёга келган эди. Навоий адабий тили жонли сўзлашув тилидан беҳад илгарилаб кетди. Уни англаш учун Навоий давридаёқ маҳсус Навоий тили луғатлари яратила бошлади.

XIX - XX - XXI асрларда ўзбек тили яна бир ўзгача тарихий тараққиёт даврига кирди. Ўзбекистоннинг халқаро ранг-баранг алоқалар ичига ҳар томонлама интенсив кириб бориши, кенг қамровли мулокотлар замонавий ўзбек адабий тилининг кескин, қайтариб бўлмас ўзгаришлар ичига киришига кенг йўллар очди. Ҳозирги ўзбек адабий тили турли соҳалардаги илмий-техникавий тушунчалар, сўзлар, терминлар билан тўхтовсиз гўлиб, бойиб бораётган бир тилга айланди. Тилга қиска бир давр ичидаги юзлаб, минглаб хорижий сўзлар ёғилиб кириб келмоқда. Россияда Петр Биринчи замонида қиска даврда рус ҳаётига Европадан уч мингдан ортикрок истилоҳ, сўзлар кириб келган эди. Ҳозир хорижий сўзларнинг кириб келиши у даврга караганда ҳам бир неча баравар кучлироқ, интенсивроқdir.

Тилнинг ўзгариши факат хорижий сўзларнинг кириши билан белгиланмайди. Тилда сўзларнинг эскириши, истеъмолдан чикиши, кўлланиш доирасининг торайиши натижасида сўзларнинг чикиб кетиши ёхуд архаизмга айланиши жараёни ҳам сўз кириб келиш жараёни билан параллел тарзда давом этади. Кейинги тарихий даврларда тилимиздан минглаб сўзлар турли сабабларга кўра жонли ва адабий жараёндан - тил тегирмонидан ташкарида колиб кетди. Амир Темур ёки Навоий, Бобурлар замонларида амалда бўлган неча юзлаб харбий терминлар кўлланмай кўйди ва улар тилнинг архивига айланди. Ранг-баранг шеваларда мавжуд сўзлар шевалар доирасидагина колди ва умуммиллий истеъмолга кенг кириб келмади. Ҳолбуки, адабий миллий тилнинг бойиши, ривожланиши хориждан кирадиган сўзлар хисобигагина эмас, шевалардан кириб келадиган сўзлар хисобига ҳам бойийди, ифодавийлигига кудратли бўлади.

Тилнинг ўзгариши узок, тўхтатиб бўлмас жараён. Бу жараён диалектик қарама - қаршиликларга тўла. Мана шу жараёндагина тил динамиклик касб этади.

Хорижий сўзларни ўзлаштириш ижтимоий амалиётда кучли синовдан ўтади. Синов жараёнларида ажнабий сўзларнинг функцияси, маъно кирралари ҳам матълум даражада ўзгариб боради.

Тилимизга бир пайтлар араб, форс, мўгул ёки ҳинд тилидан кириб келган бир катор сўзлар ҳозир аслидагига қараганда бошкача маъноларни ифодалайди. “Ҳайхот” сўзи тилимизда ҳозир ўта хайрат маъносida қўлланади. Лекин у араб тилида тамомила бошқа маънода ишлатилади. Тилимизда “кирпич”, “айво” деган сўзлар бор эди. Лекин эндиликда бу сўзлар рус тили таркибиға кириб кетиб, ҳозирги тилда бу маъноларни “гишт”, “бехи” каби сўзлар англатади.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида йирик ўзбек адилари жаҳон адабиёти ва айниқса рус адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима килиш, ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишириш учун жуда катта маданий ҳаракат бошлаган эдилар. Ўттизинчи йиллар бошларида буюк шоир Чўлпон рус мумтоз адабиётининг талай асарлари ва жумладан, Европа адабиётидан Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини ўзбек тилига таржима килган эди.

“Ҳамлет” ўша даврдаёқ, ўзбек миллий театрни сахнасида муваффакият билан ўйналган ва жаҳоншумул шухрат қозонган эди. Ўша пайтнинг айрим мафкурачи танқидчилари Чўлпон таржимасани миллатчиликда айблаб, “Ҳамлет” тилида ажнабий ва ноёб архаик сўзлар, кўхна туркий иборалар кўп ишлатилган деб, танқидий фикрлар билдирган эдилар. Кўхна ноёб сўзларни ишлатган шоирни миллатчиликда гуноҳкор килган эдилар. Ҳакикатан, Чўлпон “Ҳамлет” таржимаси тилида кўхна ноёб сўзларни анча баракали қўллаган эди. Буни у махсус бадиий мақсадни кўзлаб адо этган эди. Ноёб сўзлар воситасида Чўлпон ўрта аср Европа трагедиясига ўзгача кўтаринки услубий рух ва ранг берган эди. Шундай сўзларни кўллаш оркали у Клавдий, Ҳамлет, Полоний, Лаэрт, Офелиянинг ўзига хос характерли нутклари, хусусиятларини яратишга муваффак бўлган эди.

Шекспир трагедияларининг тили ўрта асрлар Англиясига хос трагик кўтаринки, тантанали ва колаверса, китобий тил. Чўлпон трагедиянинг шундай кўтаринки тилини яратиш, жилолантириш учун кўп улуғ захматлар чеккан эди. Буюк кашифиётлар килган эди.

Чунончи трагедиянинг иккинчи кўринишида кирол Клавдийнинг сўзларида “доимул-авқот”, “батаҳаммул”, “никоҳ қайдига дохил бўлмок”, “табаият”, “дастурномада зикр бўлмиш куюдот”, “хаддал-имкон” каби ноёб сўзларни эшитамиз. Бу сўзлар киролнинг сўзларига киролларга хос кўтаринкилик ва фавқулоддалик бағишлайди. Кирол шундай рангин ноёб иборалар ишлатиб сўйлашни ўзига касб этган. У киролнинг нутқи баланд мақомда бўлиши керак деб тушунади.

Чўлпон кирол нуткини трагедия жанри талабига мослаб чинакам, Шекспирона тарзда характерлайди. Бу нутқда ишлатилган сўзлар ҳаводан олинган эмас. Улар мумтоз ўзбек адабиёти намуналари, ҳалқ романлари, достонлари, тарихий адабий асарларда кўлланиб келинган сўзлар. Чўлпон уларни Шекспир трагедиясида кирол тилида янгидан тирилдиради. Кирол “куюдот” демай бемалол “қоидалар” дейиши ҳам ажаб эмас эди. Лекин у китоб кўрган, ўқиган, ўзини кирол бўлишга чорлаган одам сифатида ноёб китобий сўзни ишлатишни маъқул кўради.

Ёки Ҳамлетнинг шу кўринишдаги аянчли шубха-надомат, аламангиз монологидаги куйидаги парчани кўрайлик:

Ҳамлет

“О, агарда қудрати азалийя катли нафс учун энг мудхиш чоралар билан кўркутмасайди! Ё Раббий, ё Рабий! Бу дунёнинг роҳатлари накадар тубан, арзимас, юзаки ва самарасиз бўлиб кўринарди менинг кўзимга! Олчоқ кўринади бу олам!”

Ҳамлетнинг аламзадалиги, унинг кўп ўқиган, дунёни таниган донишманд йигит эканлиги, таҳт вориси сифатида юксак хаёллар қуюнлари ичida юриши, ота ўлими, суюкли онасининг орадан икки ой ўтмай ўз эрининг укасига эрга тегиши - булар бари Ҳамлет нутқларини жуда кучли хиссий бўёкларга тўлдиради. Чўлпон Ҳамлет дунёсида кечеётган қарама-карши фикр қуюнларини ноёб, экспрессияси қудратли сўзлар воситасида гўзал, таъсирчан тарзда ифодалайди.

Ҳамлетнинг нутқидаги "олчок"; сўзига эътибор килайлик. Биз эллигинчи йиллар бошларида бу сўзни "олчок, Тито, олчок Иден" каби таърифларда газеталарда кўрганмиз. "Олчок" сўзининг маънисини билмасак ҳам, у ўша пайтда бизга очик лугатларда кўринмаса ҳам, бари бир кулогимиизга жуда ғалати ва тантанавор сўкиш бўлиб киради. Жарангি кулогимиизда сакланниб қоларди. "Ҳамлет"ни миллий театримизда кўрганларимизда ҳам бу сўз трагедиянинг бир қанча ўринларида ўзига хос жаранглаб эътиборимизни ўзига тортарди. Лекин "олчок" сўзининг маъносини икки жилдли Ўзбек тилининг изохли лугати нашр килингандан кейингина билдик.

"Олчок. Ўта кетган разил, паст, ёвуз".

Бу ўзимизнинг жуда қадимий туркий асл сўзимиз экан. Унга "Туркча - русча сўзлик" /Москва, 1977, стр.44/да жуда кенг тушунтиришлар берилган. Лекин асосий маъноси паст, тубан. У олчок ер, олчок тоғ, олчок соҳил, олчок сўйлашмак, ўзини олчок тутмак, олчок сас, сингари ранг-баранг маъноларда кенг қўлланар экан. "Олчок отга ҳар ким ҳам минар" деган мақол ҳам бор экан. Усмонли туркий тилда "олчок" сўзининг шунчалар ифода қудрати борлигини кузатиш мумкин. Татар тилида ҳам бу сўз ўзгача маънодор. Ўзбек тилида эса у шунчалар кенг маъно товланишларини ифодаламайди. Ўзбек тили унинг битта маъносинигина истифода этади. Нега?

XIV асрнинг ноёб адабий ёдгорлиги "Китоб ат-тухфа аз-закийя фил-лугат туркийа" /Турк тили лугати тухфалари/ "олчок" сўзи "олшок" шаклида берилган бўлиб, "камтарин", "камсукум" одам ва пастлик жой тарикасида изохланган.

Шавкат Раҳматуллаевнинг Этимологик лугатида /Тошкент, 2000, 253 / "олчок" - "разил", "ёвуз" деб талкин этилган. Қадимги туркий тилимизда "ал" сўзи - "айёрлик", "ёлгон" маъноларини англатган. Унга кичрайтириш белгиси - чоқ кўшилиб, "олчоқ", "алшоқ" сўзи ясалган.

М.Лозинскийда:

"Призрак

Убийство гнусно по себе; но это

Гнуснее;

всех и всех бесчеловечней".

/Шекспир. Трагедии. /М., 1981, 26/

Чўлпонда:

"Кўлага

Ҳар кандай ўлдириш ҳам "олчок" бир иш-қу, лекин бу ўлдириш айникса олчок, айникса мудхиш, айникса гайритабиий".

/Чўлпон. Уч жилдлик. I жилд, Т., 1994,328/

Шайхзодада:

"Арвоҳ

Ҳа, шундай ўлдиришки, бу ҳар турли,

ўлдиришдан минг марта баттар"

/Шекспир. Пьесалар. Т., 1960, 35/

Чўлпон бу ерда "олчок" сўзини энг ифодавий ўринда кўллади.

Кўлага тилида бу сўз жуда ишончли ва ўта маънодар жаранглайди. Бу ўринда Чўлпон "айникса" сўзига ҳам алоҳида ургу беради. Кўлага уни уч бора такрорлайди. "Олчок" - "мудхиш"- "гайритабиий" бир- бирини тўлдиради ва бир-бирининг кутилмаган кирраларини очади. Кутилмаганда Чўлпон "бесчеловечный" сўзининг "гайритабиий" дегани киррасини кашф этади. Шайхзода таржимасида эса Арвоҳ фикри умумий бир тарзда баён қилинган, у ҳаяжоннинг зўридан сўз тополмай колган кишининг тушунтиришига ўхшайди.

Бу мисол орқали ноёб сўз ёки бирикма матн доирасида қанчалар мухим ва нозик маъно товланишларини англатиб, ишора қилиб келиши мумкинлиги яққол кўзга ташланади.

Факат ноёб сўзларни кўллашда уларнинг тарихий маъноларини яхши билиш, этимологияси ҳакида яхши тасаввурга эга бўлиш ва айникса, бундай сўзларни - терминлар, атамаларни кўллашда эстетик меъёр ҳиссини унутмаслик мухим кўринади. Ҳар холда ноёб сўзлар, терминларни кўллашда

мөштүр олтин андоза. Андоза эса мақсадга мувофиқликни талаб килади. Таржимада мақсадга мувофиқлик, бадий матнга мослик- гүзәллик яратиш принципидир. Таржима диалектикаси шуны талаб ва тақозо этади.

Маколлар, маталлар, образли иборалар, таржимада мослик

Маколлар, маталлар, идиомалар, образли ибораларни таржима килиш шу амалиёт соҳасининг энг шарафли ижодий ҳодисаларидандир.

Уларни таржима килишда хар бир таржимон ўзича йўл тутади. Бу шарафли ижодий қийинчиликларни факат узи енгиб ўтиши ва муваффакиятга - ғалабага эришиши мумкин. Бунда унга турли лугатларни, ҳалқ тилини билишдан ташқари кучли интуиция мададга келади. Таржимада интуиция канчалар кайта яратувчилик ролини ўйнаши мумкинлигини Кодирий, Чўлпон, Абдулла Қаххор, Миркарим Осим, Шайхзода таржима амалиётларида таҳлилида кўриб ўтишга муяссар бўлдик.

Маколлар, маталлар, идиомалар, образли иборалар таржимасида таржима тилидан мос эквивалент топиш ёки бунинг иложи бўлмаганда. ўзига ярашикли лўнда, хикматомуз табдилда маъносини чиқариш мақсад килиб кўйилади. Таржима қилинган адабиётлар бу жиҳатдан жуда бой ва ранг-баранг тажрибалар борлигини кўрсатади.

“Ҳамлет”нинг иккинчи саҳнасида актёрлар томоша кўрсатишаётганда саҳнада рол ўйнаётган киролича: “Фалак мени нобуд килгай бошка эр килсан”, деб онт ичаётганда, Ҳамлетнинг бу сўзлардан гаши келиб, русча матнда: "Полынь, полынь" - деб ўзига ўзи сўзлайди. Бу Ҳамлетнинг тилида оддий сўз эмас, теран образли ифода. Шу биргина сўз воситасида Ҳамлет жуда аччик бир ҳақиқатга ишора киласди.

Шайхзоданинг Ҳамлети бу ерда:

“Ҳашак-хушак, ҳашаки гаплар”, -

деб айтади.

Чўлпон Ҳамлети эса ўз-ўзича сўйлаб:

"Булар ҳаммаси уларнинг бошига тушаётган таёқ, таёқ" –

дайди.

Бу ерда гап "полынъ" деган ўт: - бизнингча – шувоқ, бурган, эрман, ёвашан устила боряпти. Уни халкимиз тилида "сассик алаф" деб хам юритишади. Рол ўйнаётган кироличанинг қасам ичишида олдиндан бебурдлик, бевафолик яшириниб ётгандек туюлади Ҳамлетга. Бебурдлик эса унинг назарида сассик алаф ёки аччик қора ёвшонга ўхшаб кўринади Ҳамлет назарида. Шунинг учун у киролича сўзини ўзига ўзи "сассик алаф, сассик алаф"-деб изоҳлайди. Бу ўринда таржимонларимизнинг ёвшонги ҳашак, ҳашаки гаплар ёхуд таёқ деб ифодалашлари ўзини у қадар окламайди. Образли ифода бунда чикмайди ёки сувалиб кетгандек таассурот қолдиради. Албатта қандайдир жуда узок маънода кироличанинг сўзларини "ҳашаки гап" ёки "таёқ" деб хам баҳолаш мумкин. Лекин бунда образли моҳият йўколади.

Иккинчи саҳнада томоша қўйилгандан сўнг Ҳамлет қошига Гилденстерн келди ва унга кироличанинг илтимосини баён килди. Ҳамлет шу ерда, аламангиз бир вазиятда, у билан сўзда киличбозлиқ килгандай бўлади. Шу ерда Ҳамлет русча матнга кўра "пока трава растёт..." деган мақолнинг бир бўлагини айтади-ю лекин уни тутгатмайди.

Чўлпон ўз таржимасида мақолни очикрок баён қиласди:
"ничан ўсгунча... от ўлиб бўлади"

Шайхзода эса бундай ўгиради:

"пичан ўсиб бўлгунча от очидан ҳаром ўлади".

Шайхзода кўриниб турибдики, Чўлпондан хам кўра очикрок, тушунарлирок баён қиласди. Ҳар икки ҳолда хам мақол айни ўзидек табдил таржима килиб берилади.

Ҳамлет билан Розенкранс ўртасида Полонийнинг ўлиги устида гап-сўз бўлиб ўтади. Шунда суриштиришни қўймаётган Розенкрансга Ҳамлет: "К тому же на вопросы губки какой ответ может дать королевский сын?" – дайди. Розенкранс: "Вы принимаете меня за губку, мой принц" - деб норози

бўлади. Чўлпон ҳам, Шайхзода ҳам бу ерда “губка” ни “булутча” деб талкин этишади. Натижада гоятда тушунарсиз гализлик туғилади. “Губка” – ҳавол шимгич / у билан бадан ишқалаб ювилади/.

Бу ҳам Ҳамлетнинг образли сўзларидан. Уни калка билан “шимдиргич” деб олиш тўғрирок бўлади. “Булутча” эса бу маънони ифодалашдан йирок. Ҳамлетнинг кейинги гапида гап шимдиргич устида бораётгани янада равшанлашади: у розенкрансларни Ҳокимият садакаларини ўзига шимиб оладиган кимсалар деб тушунади.

Ҳамлет бир ўринда: "... хитрая речь спит в глупом ухе"-
деб тамсил келтиради.

Чўлпон: “маъқул гап нодон қулоқда тўхтайди” –
деб ўгиради.

Шайхзода: “гўл ақлда ҳазил нима қиласи”, - деб талкин этади. Таржималарда тамсиллар қандайдир тўғри ва яна қандайдир маънода нотўғри. Яъни маънони чинакам равшанлаштирадиган чинакам ифодавий мослилкка эришилмаган. Тамсил бунда таъсирчанлигини, мажозий маъносини бой берган.

Розенкранс: биз билан бирга кирол ҳузурига борасиз, деб топширикни баён қилганда, Ҳамлет унга жавобан: “Беги лиса, и все за ней”-деган хикматни айтади.

Чўлпон бу ерда: “Бекинмачок, ўйнайдирган бўлармиз”, деб ўгиради. Бу ерда ҳам таржимон мақолнинг жуда узок маъносинигина чикаради. Унга караганда “тулки кочса, ҳамма кетидан югуради” деган тарзда талкин этиш образнинг кучини таржимада саклашга хизмат қилган бўларди.

Мақоллар маталлар, идиомалар таржималари шу амалиётнинг энг ҳузурбахш-ижодий соҳаларидан. Улар таржимаси ифодаларида таржимоннинг лаёқати, истеъододи, сўзни, образлиликни юксак даражада англаш ва хис қила билиш кобилияти намоён бўлади.

Таржимада тасаввур ва фантазия

Чўлпон бадиий таржима соҳасида каттагина мерос колдириди. Унинг Шекспир, Пушкин, Мольер, Горький, Гоцци, Гоголь, Чехов, Тургенев, Шиллер, Леонид Андреев сингари жаҳонга номи тараалган машхур адиллар асарларидан килган таржималари ҳам жасоратли ижодий меҳнат намуналари, ҳам сўз съянатида маҳорат ортириш тажрибалари сифатида ҳар томонлама ўрганиш учун гоят кизиқарли материал беради.

Чўлпоннинг Европа ва Шарқ адабиётига кизикиши анча эрта бошланди, унинг илк ҳикояларидан бири, 1914 йилда "Садои Туркистон" газетасида босилган "Доктор Мұхаммадёр"нинг қаҳрамони ўзбек ёшлари учун Оврупо дорилғунунлари, яни Оврупо илм-фани, техникасини согиниши бежиз эмас эди. Бир чеккаси олиб карасангиз, доктор Мұхаммадёр деган қаҳрамон ёш Чўлпоннинг ҳудди ўзи эди. Чўлпоннинг ўзи каби унинг маърифатли қаҳрамони ҳам романлар ёзиганда шимолдаги шахарда чиқаришга эришган, публицист сифатида маколалар ёза бошлаган эди.

Чўлпоннинг таржимачилик фаолияти унинг ўзбек халқини маданиятли ва маърифатли қилиш орзуси йўлидаги уринишларининг узвий бир томони эди. Чўлпон бу йўлда, замондошлиарининг маълумотларига қараганда, немис ва рус тилларини кунт билан ўрганган.

Чўлпон йигирманчи йилларнинг ўрталарида Москвада олиб борган фаолияти даврида ва кейин то 37-йилда империянинг кора кучлари томонидан катл этилгунча бўлган вакт мобайнида, Европа ва Шарқ адабиётининг жуда кўп асарларини ўзбек тилига таржима килди.

Чўлпоннинг бадиий таржима ишларидаги бу қадар фаоллигини айрим тадқиқотчилар унинг ижоди ўша йилларда тўхтовсиз каттиқ таъкиблар ва аёвсиз танқидларга дучор этилганлиги билан ҳам изохлайдилар. Оригинал асарлар яратиш учун имкониятлар торайиб кетгач ва ҳатто бутунлай чекланиб кўйилгач, фаол ижодий онг ва миллий илгор гоялар эгаси бўлган Чўлпон табиийки, бундай бўғилган муҳитда жим ўтиромасди. Шунда у ижодий кучини бадиий таржималарга берди. Эътиқодига айланган ва ўзи

учун бенихоя қимматли бўлган маърифатчилик ва миллий озодлик ғояларини таржима асарлари воситасида халкка етказишга ҳаракат қилди.

Бадиий таржимачилик шу тариқа Чўлпон миллий маърифатчилик ҳаракатининг жуда йирик бир томонига айланди.

Шунинг учун ҳам Чўлпон бадиий таржима ишига тўлақонли ижод сифатида караган ва бунга жуда катта ижодкорлик масъулияти билан муносабатда бўлган. Шунинг учун Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Ҳамил Исмоилов каби тадқикотчи ва адиллар Чўлпон бадиий таржималари устида тўхталиб, шу муносабат билан "Чўлпоннинг таржимонлик съяннати", "Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати", "буюк маҳорат билан килинган таржима", "шоир таржималарининг юксак бадиияти" сингари ибораларни кўллайдилар. Бу тушунчалар исботсиз колмаслиги учун тадқикотчилар Чўлпоннинг Пушкин ва Криловдан қилган айрим таржималарига бирмунча тўхталиб ўтадилар.

Тадқикотчи Озод Шарафиддинов Чўлпоннинг Пушкиндан қилган "Гул ва булбул" шеъри таржимасини тахлил қиласкан, "таржимада Чўлпон эркинлик ва аниқлик принципига амал қиласди", деб ёзади.²

Бундай бир карашда бадиий таржимада "эркинлик ва аниқлик" бир-бирига зид нарсаларга ўхшаб кўринади. Эркинлик бўлса, аниқлик бўлмайди, аниқлик бўлса - эркинлик.

Назаримизда бу ерда эркинликни англанган ижодий зарурат деб тушуниш тўғри бўлади. Ҳудди шунингдек, "аниқлик" ҳам англанган ижодий заруратdir. Шу нутқтаи назардан икки зид ҳодисани уйғун бадиий ҳодисага айлантириш юксак сўз маҳоратини ва бадиий таржимада мавкеи баланд салоҳиятни талаб қиласди. Айтайлик, Пушкин "Боғчасарой фонтани"да "Настала ночь; покрылись тенью Тавриды сладостной поля" деб ёзса, Усмон Носир бу сатрларни:"Тун корайди;босди қоронгу Тавриданинг гул

² Озод Шарафиддинов. Чўлпон. Т.,1991,105 б.

Наим Каримов. Чўлпон. Т.,1991, 55 б.

Ҳамил Исмоилов. Абдулхамид Чўлпон-мутаржим. "Ёшлик",1989,9-сон.

богларини", деб таржима килади. /Усмон Носир. Танланган асарлар. Т.,1959,153 б./ Айтайлик, мен "аниклик" принципига амал киладиган бўлсам, "сладостной поля" ни "Хумор Тавриданинг далаларини" деб таржима килган бўлардим. Чунки бу ерда "сладостной" сифати далаларга эмас, Тавридага тегишли.

Лекин менга ўзимнинг "аник" таржимамдан кўра Усмон Носирнинг бироз эркинрок таржимаси ёкади. "Тавриданинг гул bogларини" ҳам янгрок, ҳам шеърий матн мазмунини шиоронароқ ва суурурлироқ бир тарзда очади. "Гул bogлар" эса жуда шарконароқ ва хаётийроқ. "Хумор далалар" шарқ кишисининг тилига тушмайди, у бундай демайди. Бу кўпроқ Европа шоирининг тушунчаси ва таъбири.

Рус кишиси учун "сад" тушунчасидан кўра "поле" тушунчаси якинрок ва кадрлироқ. "Поле" деганда рус кишиси катта, гўзал кенгликларни тушунади ва тасаввур килади. Шунинг учун рус кишисининг шоирана тасаввурлари оламида "поле" миллий қарашларни ифодалайдиган образга айланиб кетган, айтайлик, худди "кор" ёки "ўрмон" тушунчалари каби.

Ажаб бир холат. Сергей Есениннинг "Форс тароналари"да "Свет вечерний шафранного края Тихо розы бегут по полям" - деган гўзал сатрлар бор. Эркин Вохидов бу тароналарни юксак бадиий иктидор билан таржима киларкан, ушбу сатрларни кучли савки табиий билан ўзбек тилида бунёд килади:

Заъфар юртга нур тўкар окшом,

Богда гуллар жавлон урган пайт.

Каранг-а! Рус шоирининг гуллари далаларда жавлон уради, яъни хурхуруган шамолларда далалардаги гуллар худди чопиб кетаётганга ўхшайди. Бенихоя гўзал образ! Ўзбек шоирининг гуллари эса бодга жавлон уради.

Бу ерда ҳам, сиз билан биз тушунган "аниклик" йўқ. Шоир матнга жуда эркин ёндашади. Есенинни ўз шаркона қарашлари ва шаклланган гўзаллик тушунчалари асосида талқин этади. Бу талқин Есениндан бир пайтнинг ўзида

ҳам узок, ҳам якин. Шу узок - яқинлик бўлмаса, эҳтимол "Форс тароналари" бунчалар ўзбекона ва шарқона жарангламасди. /Есенин. СС. олти томлик, 1-том, М., 1977, 282,. Эркин Вохидов. Сайланма, икки жилдлик, иккинчи жилд, Т., 1986, 318 б./

Гап шундаки, шоир бадиий таржимада мана шундай эркинликка ҳақли. Шеърий таржимада аслиятни айнан бошка тилда аник дунёга келтириш мумкин бўлмаган иш. Шеърий таржимада асар таржима килувчининг юрагида қайтадан дунёга келади. Бу энди гарчи номи таржима бўлса-да, янги асар, янги аслият, янги бадиий ҳодисадир. Навоий Атторнинг "Мантиқ уттайр" ини ва Бобур Хожа Аҳрор Валийнинг "Рисолаи Волидия" асарларини ана шундай қайта яратганлар. Булар туркий - ўзбекий оригиналга тўла айланиб кетган. Бу гўзал асарларда ҳам биз ўша "ёркинлик-аниклиқ" ёки "узоклик - яқинлик" йўлига тўла амал қилингандигини кўрамиз.

Демак, бу йўл янги эмас. Унинг анъаналари Ҳазрат Навоийга ва ундан ҳам узок давларга-ҳатто Кутбдан ҳам олисрокларга боради.

Албатта, эркин таржима бу бориб турган бебошлиқ ва ёки аслиятни истаганча ўзгартиравериш дегани эмас. Ёки эркин бадиий таржима бир боғда ўсган ниҳолни ўз боғига келтириб ўтқизиш дегани ҳам эмас. Ёки атиргулнинг сувратидан қандай бўлса шундай нусха кўчирмаклик ҳам эмас.

Чўлпон таржималарида биз ҳеч качон бундай бебошлиқ ва шундан келиб чиқадиган аслиятга ҳурматсизликни кўрмаймиз.

Чўлпон ўз бадиий таржималарида жуда ҳам нозик дид-фаросат ва зиёлиёна маданият билан иш кўради. Тугма маданият ва тугма зиёлиёналикнинг излари хар қадамда кўзга ташланиб, унинг сўз санъаткорлигига бошқача шоирона бир жило бериб туради.

Лекин Пушкиндан қилинган "Гул ва Булбул" таржимаси нега Чўлпоннинг асл шеърига айланиб кетди? Нега бу таржимани - таржима деб эмас, асл шеър деб қабул киласиз?

Чунки Чўлпон Пушкин матни асосида янги матн яратади. Ҳа, яратади деган сўз бу ерда шу ҳодисанинг асл маъносини англатади.

Бу шеърнинг ҳомиласи Пушкиндан. Лекин Пушкин ҳомиласидан тугилган фарзанд Пушкиннинг айни ўзи эмас. Ҳомиладан энди Пушкинга ўхшаган, лекин унинг айни бўлмаган бир фарзанд дунёга келди. "В безмолвии садов, весной, во мгле ночей" - деб бошланади Пушкиннинг гўзал шеъри. "Бахор чогида холи бoggда бир зулматли тун эрди", деб давом эттиради уни Чўлпон ўзбек шеърининг сехрли тилида. Мазмун ўзгаргани йўқ. Ўша-ўша пушкинона мазмун. Лекин бунда иккита жуда катта бадиий янгилик пайдо бўлди. Бири, шакл ва оҳанг ўзгарди. Иккинчиси, талкинда ўзгачалик юзага келди. "В безмолвии садов" образи Пушкин шеърида жуда катта маъно юклаган елкасига. Сукунат булбул фигонини авж пардаларга кўтаради. Бу – фусункор оламнинг сукунати.

Бу азалий сукутда шоирнинг ноласи жавобсиз қолади. "Безмолвие"ни Чўлпон шеъридаги мазмунига кўра "жимжитлик", "сукунат" сингари сўзлар билан таржима килиши ҳам мумкин эди. Лекин у энг кутилмаган сўзни танлайди, тўгрирогини топади. "Холи бoggда" - шунчалар гўзалки, буни хатто тушунтириб бериш қийин. Гўзалликни тушунтириб бўлмайди, уни факат хис килиш мумкин, деганлари накадар ҳак. Бунинг устига Пушкиннинг биринчи сатрида сехрли товуш олижаноблиги хукмрон. Бу олижанобликни ўзга тилга кўчириб бўлмайди.

Чўлпон шу сехрсозликка ўзбек сўзларидан бадал топади. Пушкин шеърида асл сехрсоз, эътибор беринг, ҳар бир сўзда мунтазам келаётган - "о"-товуши. Шу товуш шеър оҳангини мислсиз чўккиларга кўтариб олиб чиқади. "Поэт над розою восточный соловей" деган иккинчи мисрада "о" туфайли яралаётган оҳангдорлик ўз чўккисига чиқади. Чўлпон шеърни: "Бахор чогида холи бoggда" деб бошлаб Пушкиндан асло кам бўлмаган санъаткорликка эришади ва Пушкин ўз шоҳ товушини қанчалар сехрсоз ҳодисага айлантирган бўлса, Чўлпон ҳам шу товушни ва унга кўшимча килароқ "и" ни шунчалар сехрсоз бадиий ҳодисага айлантиради. Пушкин шеъри ритми билан ўзбек шеъри ритми ўртасида ажойиб бир унсият пайдо бўлади.

Чүлпон бадий таржимада кутилмаган образлар-ташбехлар дунёсини яратади. Бадий таржимада бу чўкки хисобланади ва унга етиш гоятда мушкул. "Холи богда" - ана шундай кутилмаган бадий дунё.

Шугина эмас. "Холи богда" ўз ҳолича эҳтимол унчалар кўп нарсани англатмас эди. Лекин у шеърда ҳакикий кашфиёт даражасига келиб, шеърга бошка янада кимматлироқ, янгиликларни олиб киради:

Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен ҳам

Ёнасан, ўртанасан, дод этарсан, тинмайин бир дам...

Бундай гўзал сўзлар ва сатрлар Пушкин шеърида йўқ. Қидириб овора бўлманг. Аммо кидирсангиз, мазмунда шунга ўхшаш фикр Пушкин шеърининг тубига чўкиб ётади. Чўллон шу чўкиб ётган чиғаноқни шеър тубидан олади ва О! Накадар саодат!-чиғанок -садаф ичидан мунаvvар дур чиқади.

Мана шу ерда Чўлпон оддий таржимонлик погонасидан мутлақо юкори кўтарилади. У энди Пушкин матни билан беллашаётган шоирга айланади. Пушкин шеъри воситасида ўз шоирлик дардини айтади ва оламга жар солади. Лекин бирдан ўз ҳадди ёдига тушади. Ахир, нима деманг, у бари бир бадий таржима устида ўтирибида-да! Пушкиннинг охирги сатрини бениҳоя аниклик билан ўгиради. Пушкин: "глядишь, она цветет взываешь-нет ответа" деб шеърини тутагтган бўлса, Чўлпон:

Қарайсан: яшнаган бир гул, факт-деб ўз таржимасига нукта қўяди.

Бунчалар фантазия каторида бунчалар аникликка эришиш кийин.

Лекин чин шоир бунинг ҳар иккисига тўла мұяссар бўлади.

Ана шу ерда андак тўхтаймиз-да, Чўлпон бадий таржима йўли учун жуда муҳим бир хулоса чиқарамиз.

У ҳам бўлса шуки, Чўлпон бадий таржимада фантазия ва аниклик йўлидан боради. Бадий ходиса ҳакида сўзлаётганимиз учун буни фантазия аниклиги деб юритиш ўринли бўлади. Бир карашда биз гўё бир-бирига мос келмайдиган тушунчаларни бирлаштираётгандек бўлишимиз ҳам мумкин. Лекин Чўлпоннинг бадий таржима йўли баани шундай, яъни фантазия ва

аниклиник, тўғрироги, фантазия аниклиги! Биз албатта фалсафий ва математик категория тўғрисида эмас, ҳар икки ҳолда ҳам бадиий ҳодиса: бадиий фантазия ва бадиий аниклиник ҳақида гап юритаётимиз.

Бадиий фантазия ва бадиий аниклиникни Чўлпон бадиий таржима йўлининг бош принципи дер эканмиз, буни ҳақиқатан ҳам, ҳодиса деб юритишга ҳақлими. Унинг ҳодисага айланиши Чўлпоннинг бошқа қатор таржима асарлари ва айникса, Пушкиннинг "Борис Годунов" трагедиясининг ўзбекча таржимасида бор бўй-басти билан кўзга ташланади. Пушкин асарларининг 1955 йилда Тошкентда ўзбек тилида нашр этилган тўрт томлигига "Борис Годунов" ҳам киритилган. Лекин бунда ҳам Чўлпоннинг бу асарни таржима килганлиги қайд этилмаган. Ҳолбуки бу аник Чўлпон таржимаси. Ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги учун биз "Гулистан" журналиниң 1937 йил март ойи сонида эълон килинган "Борис Годунов" асарининг бир парчаси билан 55-йил нашрини солишириб кўрдик. "Гулистан"да бу матн остига Чўлпон таржимаси деб қайд этилган. Бу парча билан 55-йил нашри бир матн. Факат 55-йил нашрида журналдагидан фарқли равиша бир қанча таҳририй ўзгаришлар килинган. Чамаси, 55-йил ўзгаришлари тўла маънода шу нашрининг муҳарририга тегишли. Биз уларга ўз ўрнида бирмунча тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, Борис Годунов 1598 йилда Русь таҳтига ўтириб, 1605 йил – то ўлимiga қадар подшохлик килди. Асл насл-насаби татар аслзодаларидан чиққан эди. Борис Годунов Иван Грознийдан сўнг таҳтга чиққач, Русга Европа маданияти ва илм-фанини олиб киришга қаттиқ харакат килди. Ҳатто Россияда биринчи маротаба Европача университетларни очиш пайида бўлди. Аммо диндорлар Европа университетлари халқимизнинг фикрини, турмушини бузади, деб каршилик кўрсатганидан сўнг Борис уларни очолмади.

Лекин бари бир Европадан олимлар, ўқитувчилар, мутахассисларни кўплаб чакирди. Рус ўшларини илгор мамлакатларга таҳсил учун жўнатиб турди. Кон тўқмасдан адолат билан подшохлик килиш йўлини тутди. Лекин

шохлик мұхити ва эндигина кенгайиб келаётган Рус салтанатчилигининг ўзи турли, ғуулувлар, фитналар, галаёнлр, кирғинлар, ўзгалар ерларини босиб олишлар, ўзга ожизрок халқларни қатли ом килишлар ва шулар замирида ўта-кетган адолатсизликлар, ноҳақликлар, зулмлар билан тұлиб тошғанди.

Борис қанчалик адолатли шоҳ бўлишга уринмасин, у ёвуз салтанатчилик қисматидан кочиб қутулолмади. У дастлаб икки йил шаъншукух билан ҳукмдорлик килди. Сўнг ногаҳоний бало-қазоларга, фитналар ва халқнинг ғулуви, норозилгигига дучор бўлди.

Годуновдай донишманд ва қўп тажрибакор шоҳни тинимсиз турли тухматлар таъқиб этди. Ўзи ҳам фитналар оғушига тушди. Кон тўқди.

Борис Годунов Рус тарихига энг донишманд ва энг фожиали шоҳлардан бири бўлиб кирди.

Борис тахтга чиқаркан: "Худо шоҳид, мен подшохлик килар эканман, менинг салтанатимда етим-еシリлар ҳам, қашшоқ гадолар ҳам бўлмаяжак!" - деб онт ичган эди. Шунда у Карамзиннинг гувоҳлик беришича, устидаги кўйлагини тортқилаб туриб: "Устимдаги сўнгги кўйлагимни халқимга бераман!" -деган экан. Карамзин ана шу ғалати ҳолатни тасвирлаб келаркан, "халойик шод бўлиб сукут сакларди", деб ёзади / Н.М. Карамзин. Предания веков. М., 1989, 691 б./

Борис тахтга ўтирганда, ўзига совға қилиб келтирилган қимматбаҳо олтин-кумушларни қабул қилмаган ва "халқимнинг қўлидаги бойлик хазинамдаги бойликдан афзал ва ёқимлирот", деб айтган эди.

Пушкин "Борис Годунов"ни ёзган чогида бошдан-оёқ Карамзин асарига суюнди. Карамзиндан равиш олди. Карамзин қандай сўзларни ишлатган бўлса, шундай сўзларни ишлатди. Яъни тўлалигача Карамзин талқинига содик колди.

1601 йилда Россиянинг бошига кулфат тушди. Ўн хафта бир кун ҳам тинмасдан каттик ёмғир ёғиб турди. Бутун Россияда дехконлар ердан хосилни йиголмай колдилар. Бунинг устига келаси йилги хосил уругларини сочишнинг ҳам имкони бўлмади. Тез орада халқ ўртасида очарчилик

бошланди. Одам гўштини ейиш авж олиб кетди. Москванинг ўзида икки ярим йил ичидага 500 минг одам кирилиб кетди.

Гарчи Борис бутун подшохлик хазиналарини очиб ҳалқ аҳволини енгиллатишига уринган бўлса-да, кўпга келган оғатнинг ваҳимаси тинмади ва подшоҳни ҳам ўз комига тортди. Ҳалқ икки йил аввал уни суюб, унга ёлвориб ва кўп таваллолар килиб подшоҳ килиб кўтарган эди.

Очарчилик сабаб бўлиб, ҳалқ буни Борис кўп гуноҳ ишлар килгани ва Иван Грознийнинг алла неchanчи хотинидан бўлган, расман конуний деб ҳисобланмаган ёш шахзода Дмитрийнинг қонини тўкишда айблади. Кейинги тарихчилар гарчи Борис шахзодани ўлдирмаган, бунинг унга ҳеч бир ҳожати ва зарурати йўқ эди, деб аниқлаган бўлсалар-да, лекин ўз даврида бу оғир тухмат Годуновга ёпишган, тўғрироғи унинг ғараз гўйлари томонидан ёпиштирилган ва ёвуз мишишлар ҳалқ ичидаги хақикат деб қабул қилинган эди.

Годунов замонида Григорий Отрепьев деган одам турли найранглар билан ўзини шахзода Дмитрий деб эълон килган ва айрим Европа мамлакатлари кироллари ўша пайтида Годуновга карши курашда ундан фойдаланган эдилар. Сохта Дмитрий шу тарика гарчи Годуновни енголмаган эса-да, лекин унинг пайи киркилишига ва ҳалқ ўртасида обрўсизланишига сабаб бўлган эди. Карамзин ҳам "Россия давлатининг тарихи" деб аталган йирик асарида романовлар хонадони манфаатларини кўзлаб, Годунов ҳақидаги тухматларни тасдиқлаган, лекин Годуновни улуг подшоҳ сифатида ҳам талқин қилган эди. Пушкин ҳам Карамзин изидан борди.

Лекин у трагедияда Годуновнинг ички кийноклари, ўртанишларига алоҳида ургу берди. Трагедияда Борис буюк ўртанишлар оловида куяётган донишманд ва ўта фожиали сиймо каби гавдаланди.

Чўлпонинг таржимаси салмоқли таржима. Чўлпон аслият мазмунига ва оҳангдорлигига хос бўлган салмоқни тўла саклайди. Унинг таржимасида худди аслиятдаги каби фикр қаймок бойлаб ётади. Чўлпон ўзининг бу таржимасида ҳам матнни маълум даражада шарқлаштиришга мойиллик

билиради. Бу "шарқлаштириш" - матнга у күттарған даражада мейёрни сақлаган ҳолда шаркона рух бериш Европа ва Рус ҳаётига тегишли ҳодисаларни ўз холича олмай, уларга ўзбек тушунчалари доирасида бадал топишга уринишларда, қаҳрамонларнинг сўзларига шарқона, ўзбекона колорит бериш харакатларида, фразеологизмларнинг таржималарида кўзга ташланади. Годунов суюкли қизининг қайлифи бўлмиш шаҳзода бевакт ўлимга дучор бўлганди. Борис маъсум қизини юпатиб, шундай дейди:

"Хўш, Ксения, ширин қизим, кўз қорачигим?" Чимилдикка кирмай туриб тул колган болам, сен хали хам раҳматликни ўйлаб йиглайсан. Жоним болам!.."

Пушкин шу ҳолатда бокира Ксениянинг ғамга ботганлигини кўриб бениҳоя эзилиб кетган Бориснинг юрагидан тошиб келган аламни "Что. Ксения? что, милая моя? В невестах уж печальная вдовица!" /А.С. Пушкин. Асарлар. Ўн томлик, М., 1975, 4-том, 213 б./

деган сўзларига жо киласди. Булар алам ва хўрлик тошиб турган сўзлар гўзал қизини баҳтиёр қилишни истаб, шундай баҳтга мұяссар бўлолмаган ота - юрагида қизига меҳр - мұхабbat тўлиб тошган ота эҳтимол шундай кайгурса керак. Пушкин шу қайгунинг ифодасини теран белгилаган. Борис сўзларида самимий алам сасланиб туради.

Чўлпон ҳам шу оҳангни қалдан ҳис қиласди ва ота аламини тўла англалиш учун шаркона удум ва равищдан усталик билан фойдаланади. Эътибор бергандирсиз: Пушкин факат "милая моя" деб эркалайди Годунов тилидан Ксениюни. Асосий ургу ва қайгунинг ифодаси икки маротаба такрорланган "что"га тушади. Шу сўзнинг ўзида бу ерда олам маъно товланишлари ётади: қайгу, ачиниш, умидсизлик, эркалаш, инсоннинг ўта ожизлиги, қазо олдида ҳар қандай юпатишнинг маъносизлиги... Ана шу ўта маънодор "что" ни қандай таржима қилиш мумкин? Ўзи учтагина ҳарфдан иборат оддийгина сўз, лекин худи ўзга тилга ўгириб бўлмайдигандек туюлади.

Пушкин матнига нисбатан олганда "Хўш, Ксения?" - дейди Чўлпон. Лекин бу "что" даги Бориснинг аламзадалигини ифодалашдан ожиз. Шундан сўнг Чўлпон эркалатувчи сўзларга зўр ургу беради. Оригиналдаги "милая моя" ни ёяди. У: "Ширин кизим, кўз корачигим"га айланади. Шу тариқа Годунов дардини ифодалашда Пушкин матнидан қолишмайдиган дардчил матн яратади. Пича парига ўтиб, Годунов қизига тасалли бераркан, гапни қайтадан бошлаб. Ксенияга "Дитя мое!" деб мурожаат қиласди. Чўлпон буни "Жон болам!"- деб олади. "Дитя мое!" "милая моя"га қанчалик мос тушган бўлса, Чўлпоннинг "Жон болам"и ҳам юкоридаги" ширин кизим, кўз корачигим"га шунчалар уйгун келади. Чамаси Чўлпон шу кичкинагина матнда /агар ўлган шахзодани "рахматлик" деб ўта шарқоналилкка йўл қўйилганлигини хисобга олмагандан ҳам / ўзбек халқига хос эркалатиш усулидан фойдаланмаганда аслиятда қандай бўлса, шундай таржима қилганда, вазиятининг рухини ярата олмаган бўларди. Пича ўтиб, Годунов кизининг баҳтсизлигига ўзини айблайди. Унинг ўқинчи чексиз.

«Худойимга юзим кора бўлса керакки, сени баҳтли-саодатли қила олмадим...»

Пушкин матнида Борис Годунов бу ўринда "Я, может быть, прогневал небеса. Я счастье твое не мог устроить" /213/ дейди.

Бундай сўзларни ўгиришда қанчалар ранг-барангликлар бўлиши мумкинлигини амалиётчи таржимонлар яхши биладилар.

Нималар деб таржима қилмаслик мумкин бу Годунов сўзларини! Лекин улар ичида бари бир, энг кутилмагани ва энг муваффакиятлиси Чўлпон талкини бўларди. Годуновнинг боши асоссиз мишишлар ва кора тухматлардан говлаб бораётган бир палла. У буларнинг барини ўз тақдиридаги ўзгачаликдан кўради. У донишманд одам сифатида ўзи аслида айбдор бўлмаса ҳам, ўзини айглашга, ўзидан кўришга мойил. Годуновнинг трагедиядаги уч йирик монологида ҳам фикрлар қуюнида шундай ҳар нарсани ўзидан кўришга интилиш сезилиб туради:

Мен толеъсиз. Ўладимки, ўз фукароимни

Мамнун қилсам, шараф билан юқорилатсам,
Күп мұхаббат аән айлаб үзимга тортсам,
Йўқ, бұлмади бу химматни кейинга қўйдим:
Подшони тирик чоғида эл севмас экан;
Подшони ўлгандан сўнг севар эканлар.
Халқ алқаса, ёки аччик фарёдлар қилса,
Кўнглимизни юмшариши, жиннилик экан!

Бу Годуновнинг ўз хаётидан чикараётган хулосалари. Уларда жуда катта тажриба ва донишмандлик барқ уриб туради. Яна боя айтганимиздек, жуда софдил, виждонли одамларга хос бўлган ўз - ўзини айблаш, ҳар нарсани ўзидан кўриши майли. Чўлпон Годуновга хос шу икки сифатни донишмандлик ва ўзини гуноҳкор билиш майлларини жуда теран ифодалайди.

Унинг матни бунда асло Пушкин матнidan қолишимай жаранглайди. Годунов гоят омилкор ва тажрибакор бўлғанлиги боис унинг тили шу шоҳга хос бўлган маънодор ва ёрқин ҳикматларга бой. Чўлпон ҳам Годуновнинг ички изтироблари, ҳам унинг шундай донишманд ҳикматларини лўнда ва ёмби тарзда когозга туширади. Юкоридаги матнда “Подшони тирик чоғида эл севмас экан” деган ҳикматга эътибор бергандирсиз. “Живая власть для черни ненавистна”, дейди Пушкиннинг матни. “Живая власть” деганини биз ҳозир “Тирик ҳоким” деб олсак, Пушкин матнига жуда яқинлашиб борган бўлардик. “Тирик туриб ҳукм сурсанг, Эл севмас экан” деб олиш ҳам мумкин. Талқинлар кўп. Ранг-баранг. Лекин Чўлпон ҳикматнинг лўндалиги ва ёрқинлигини саклаш учун бу иборани “подшо” деб олади. Ва уни кейинги мисрада яна бир бора такрорлайди. Шундай қилиб, унинг таржимасида бу теран ҳикматга айланади. Энди бошка бир ўриндаги ҳикматга ҳам қулок тутайлик. Годунов умри охирлаб бораётган ва руҳий бухрон энг чўйкисига етган бир пайтда шундай аламли сўзларни айтади:

Йўқ, марҳамат ва шафқатни англамайди халқ,
Яхшилик кил – сенга ҳеч бир раҳмат демайди,
Талаб ўлдир – бундан сенга ёмон бўлмайди. (276 б.)

Биз бу ерда Чўлпон таржималаридағи бош принципларидан бири - аниқлик деган фикрмизни унутмаслигимиз керак. Годуновнинг буюк ўқинч билан айтилган шу аламли сўзларини аслиятдан тинглаб кўрайлик:

Нет , милости не чувствует народ:

Твори добро - не скажет он спасибо;

Грабь и казни – тебе не будет хуже ...

Аниқлик юзасидан олганда, бу сатрларни ҳатто сўзма-сўз таржима дейиш ҳам мумкин. Лекин бунчалар аниқликка ва бунинг устига лўндалика эришмоқ учун Пушкиннинг дахоси Чўлпон дахоси билан кўшилмоғи керак.

Годуновнинг трагедиядаги барча сўзлари қанчалар хикматдор бўлса, улар яна шунчалар ҳиссий томондан ёркиндири. Годунов нутқларида ҳиссиётлар пўртана бўлиб тошади. Сатрлар, сўзлар қайнаб турган долгали денгиз тўлқинлари устида қалқиб бораётган қайиқнинг вайрон парчаларига ўхшаб кетади.

Чўлпон Годунов нутқига хос шу эмоционал қудратни – пўртандорликни бадиий теран ифодалайди. Аслиятдаги жуда бой оҳанг товланишларини олтин зарралари каби асрайди ва ўз матнига сингдиради. Хулоса чиқариб айтадиган бўлсан, у Пушкин матnidаги донишмандлик, хикматдорлик ва иккинчи томондан, эмоционал бойликни тўла англатишга муяссар бўлади. Булар “Борис Годунов” таржимасида Чўлпон эришган энг йирик муваффакиятларидан ва асосийларидандир. Лоакал Годуновнинг ўлими олдидан ўғли Фёдорга айтган насиҳатларидан куйидаги парчани кайд этиб ўтайлик:

Сен – ёш ва хом ҳукмдорсан : шу нозик онда

Қандай килиб юрт сўрайсан, хиёнатларни

Фош киласан, фитналарга барҳам берасан?

Маъюс бўлма: оллоҳ буюк! У ёшларга эс ,

Ожизларга куч беради ... Сўзимни эшит:

Маслаҳатчинг – эътиқодли, кўп кўриб, билган

Кекса ва ҳам элга маъқул бир одам бўлсин... (278 б.)

Оҳанг товланишлари бунда ажиг бир рангинглик касб этади. Ўлаётган шохнинг киска - киска нафас олаётгани ва бу сўнгги дам эканлиги, сўзлар бағоят мардана одамнинг кўксидан чикаётганлиги – булар бари худди суратда чизилаётгандай гавдаланади.

Чўлпон бадиий таржималари хақида сўз юритиш фоятда марокли иш.

Албатта, Чўлпонинг бу бадиий таржималари Европа ва Рус адабиётини ўзбекчалаштириш йўлидаги илк йирик қадамлар эди. Таржима йўллари белгиланаётган ва усуллари шаклланаётган давр эди. Бадиий таржима соҳасида ўша даврда Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон анча баланд парда олган здилар. Булар бадиий таржиманинг ўзбек мактабини очган эдилар. Шу мактабнинг қўр-кути билан кейинчалик бир қанча истеъоддли ўзбек таржимонлари етишиб чиқдилар ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек китобхонига етказишда ажиг бир фидокорлик кўрсатдилар. Уларга хамиша Чўлпон шукуҳи ёр бўлди.

Бу ерда яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, таъкиб замонларида Чўлпон бадиий таржималаридан унинг номини ваҳшийларча олиб ташлаш, матнларига таҳирлар ва ўзбошимча ўзгартишлар киритишлирга уринишлар ҳам рўй берди. Бу кўпроқ Чўлпон матнидан ўша замонларда эскича ёки форсча-арабча ҳамда диний-мистик деб топилган сўзлар ва истилоҳларни алмаштиришда қўзга ташланди. Чўлпон агар “Гордунов” таржимасида “мунший” деб ишлатган бўлса, буни “котиб” деб таҳир килдилар, “курултой” деган бўлса, буни “йигин” деб алмаштиридилар.

Татарларнинг у даҳшатли тасаллутидан?

Ё Иоаннинг ваҳшийларча жазоларидан? –

деган бўлса, “тасаллути” сўзига тушунмай ёки бу арабча сўз Пушкинда нима килиб юрибди? – деган бачканга бир сиёсий талаб билан унинг ўрнига “хукмронлигин” деб ёздилар ва Чўлпон матнини бузиб ташладилар. Чўлпон “серижтиҳод” деган бўлса буни “серқунт” дедилар.

“Царь”ни Чўлпон “Чор” деб олганда, улар барча ўринларида буни “шоҳ” деб чиқдилар.

Чўлпон “магфират тилаб” деса, буни донолик билан “маърифат тилаб” деб тузатдилар ва ҳушёрлик намуналарини кўрсатдилар. Чўлпон матнида: “Рохибликнинг кисвасига бурунажакман” дейилса, дарҳол ўйчан қаламини олиб, астагина бу ажиг сўзни “сурунажакман” деб ўзгартириб кўя қолди. Ҳолбуки, “бурунмак” ўзбек сўзи, кадим сўз ва яхши сўз. Ҳамид Олимжон бу сўзни чистлаб ўтмаган: “У юргаида очилар гуллар, баҳмалга буринар баҳорий чўллар” / “Ишим бордир ўша оҳуда...” шеъри/. Ҳудди шу ҳушёр редактор кўли “Мактул шахзода” ни “марҳум шахзода” деб тузатди. Албатта, у ўз даври сиёсий тузумининг тузини ичиб, уни оқлаши керак эди.

Лекин ҳамма учун баробар қийматга эга бўлган сўзларга ҳам шундай синфий мағкуравий ёндашиш тўғри бўладими? Синфий ёндашиш қандай қашшоқ ва каттол бир ходиса бўлганлигини шу андак мисоллардан ҳам англаса бўлади. Ҳолбуки, ўзбек тили мухитига киргач, ҳар қандай чет сўз ўз сўзга айланиш жараёнига тушади... Тил ҳамма ерда очик макон... .

Чўлпон “Улуғ хинди” деб аталган мақоласида ўз таржимонлик иши ҳакида сўзлаб: “Кўлим қалтираса ҳам, юрагим ўйнаса ҳам, кудратим етмаса ҳам, ўша Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин кўприкни элимга танитмоқчи бўлдим... ” деган экан. Гарчи “Олтин кўрик” деб у улуғ Тагорни назарда тутган бўлса-да, лекин кенгрок оладиган бўлсак, бадиий таржима соҳаси ҳам ҳудди Тагор каби Шарқ билан Ғарбни яқинлаштиришга буюк ҳисса қўшиб келади.

Чўлпоннинг ўзи ҳам жаҳон маданиятлари ўртасида олтин кўприк бўлишга муносиб асарлар яратти. Ул кўприкдан факат гўзаллик карвонлари ўтиб боради ва насллар Чўлпонни ўз таржималари билан олтин кўприк солган, шу кўприкдан халқни зулмат чоҳидан олиб ўтган адид ва донишманд, деб қадрлайдилар.

3. ТАРЖИМОН УСЛУБИ

Таржимон ва жумла

Таржимон бу - услугб. Услуб эса – жумла. Жумла яратиш маҳорати.

Жумласи йўқ одам ёзувчи, шоир, драматург бўлолмаганидек, жумласи йўқ кимса ҳам ҳеч качон таржимон бўлолмайди.

Ишнинг тугал замира га карасак, роман бу - жумла, шеър ҳам – жумла, комедия ҳам - жумла; ахборот, илмий тадқикот ҳам - жумла. Ёзувчига ҳам, таржимонга ҳам энг муҳими - жумлани – ўз жумласини чиқара олишида. Жумла чиқса, услугб чиқади. Жумла Толстойни Тургеневдан, Достоевскийни Гоголдан, Пушкинни Лермонтовдан ажратиб ўзига хос қилиб туради. Жумласидан ёзувчини таниб оладилар. Яхлит асар ҳар қанча йирик бўлмасин, у жумлалардан таркиб топади. Қатралар йигилиб сойу дарё бўлганидек, жумлалар жам бўлиб роман, достон, лирик шеър ёки рисолаларга айланади. Жумла – бадиий услубнинг жавҳари ва кимёси.

Жумланинг шираси унинг қандай қурилганида, қандай оҳангдорлик касб этганида.

Ўзбек тилида ширали сўз, ширали овоз деган гап бор.

Ширали сўз ва ширали оҳангни биз таржимада ва уни баҳолашда энг муҳим тушунчалар каторида карашимиз зарур.

Ширали сўз ва ширали оҳанг таржима эстетикасининг марказида туради ва унинг моҳиятини белгилайди.

Ширадор жумла бўлмаса, роман, хикоя йўқ. Жумла туйгуси юксак ривожланган одамгина ёзувчиликда санъаткорликка эришолади.

Худди шу сўзларни таржимонга нисбатан ҳам айтишимиз мумкин.

Таржимонни биз жумла туйгуси ривожланган, камолга етган киши деб тушунамиз.

Жумла яратиш туйгусини тарбиялаш - талантни тарбиялаш -талантли таржимонларни тарбиялаш, яна ҳам тўғрироғи, таржимон талантини тарбиялаш деганидир.

Бинобарин, таржимонлик ихтисоси ҳакида сўз бораркан, таржимонлик таланти ҳакида ҳам фикрлаш, сўз юритиш ниҳоятда ўринлидир.

Талантсиз ҳеч бир ижод бўлмаганидек, талантсиз таржимон ҳам юзага чикмайди. Шунинг учун бу ўзига хос қадими мутахассислик тўғрисида сўз юритганда, ихтисос кўнилмалари, билимлари хосил қилишни талантни уйготиш ва тарбиялаш билан бирга доимо қўшиб олиб бориш қобил замонавий мутахассислар етиширишда катта аҳамият қасб этади.

Таржима аслиятдан нусха кўчириш эмас. Таржимада аслиятдаги сўзлар, бирикмаларнинг маънолари кўчирилмайди, қандай бўлса, шундай тиклаб кўйилмайди, балки бошқа тилдаги яқин маънолар билан ифодаланади.

А.П. Чеховнинг “Никоб” хикоясида персонаж тилида:

“Это странно, это... это даже сверхестественно...”

— деган жуда қаттиқ ажабланиш, норозилик, бироннинг кутилмаган кўполлиги, адабсизлиги, ўта сурбетлигига дуч келиб, нима қилишни билмай колишиликни ифодалайдиган жумла ўтади.

Хикояни Абдулла Қаҳҳор содда ва ўзбекона таржима килади. Юкоридаги жумла ўзбек тилида шундай ифодаланади:

“Бу қандай бўлди ... Бу ҳеч ақлга сигмайдиган иш-ку...”

Бу жуда яхши таржима. А. Қаҳҳор Чехов хикоясининг сўзларини қандай бўлса шундай маъносини бериб кўя қолмайди. Асл матнда сўзлар Чеховча оддий, унчалар мураккаб эмас. Тушунишга осон. Уларни кўп вакт сарф килмай ва узок ўйлаб ўтирумай чикариш мумкин таржимада.

Аслиятдаги жумлаларни магистрантлар ўзбекча таржимасидан бехабар ўгиришга харакат килиб кўрдилар:

“бу галати, бу... бу ҳатто гайритабиий”...

ёки:

“бу қизик, жуда қизик, бу... бунга одам ишонгиси келмайди”...

ёки:

“бу нимаси, тавба, бу... жуда ҳаддан ошиб кетди-ку”...

Үнлаб версиялар айтилди ва доскада қайд этилди. Кейинги магистрантларнинг варианatlари ёнига ниҳоят А. Қаххорнинг таржимасини ёздиқ. Уни таҳлил килдик. Таржимада энг оддий жумлаларни ҳам канча одам таржима килса, шунча ранг-баранг варианtlар, версиялар пайдо бўлавериши мумкинлигига ишонч ҳосил килдик.

Ҳа, А. Қаххор сўзма-сўз таржима қилмайди. У сўзга ижодий қарайди.

У якин маънени излайди. Сўзма-сўзликдан кочади. Хўш, нега бундай?

А. Қаххор шундай холатда ўзбек нима дейишини, ўз норозилигини қандай билдиришини анча ўйлаб кўради. Ниҳоят жуда оддий, табиий жумлаларни топади.

“Это странно, это...” жумласи Чехов персонажи учун қандай табиий бўлса, А. Қаххор таржимасида ҳам у жуда табиий эшитилади.

Дафъатан, бундай қарасангиз, бу одми жумлани “бу қандай бўлди?” деб таржима этиш бошқа одамнинг хаёлига келмаслиги ҳам мумкин. Дарвоқе, магистрантлар версияларида ҳам бундай вариант учрамади. Дастрлаб аслиятга караб туриб албатта, бу жумлани “бу галати-ку”, “бу кизик бўлди-ку”, “бу нима хурмача килик” деб ўгириши ҳам табиий туюлади.

Ҳамма гап шундаки, А. Қаххор Чехов персонажи жумласини бадиий талкин киларкан, аслиятдаги маънодан андак қочади, четланади ва буни қарангки, кочиб, четланиб туриб, аслиятга яқинлашиб боради.

Аслиятни ўзбекча бадиий талкин киласди. Ҳатто Чехов жумлаларини янада ихчамлайди. Ортиқча бўлиб кўринган “бу... бу” ларни олиб ташлайди.

Аслиятни чин ёзувчиларча оригинал талкин этади.

Таржиманинг гўзаллиги, унинг хақиқий ижод эканлиги мана шунда. Бу ерда аслиятдан кочиб ёки четланиб туриб унга максимал яқинлашиш ҳамда бадиий талкин тушунчаларимизни эслаб колайлик. Уларни маълум маънода таржима килиш ижодий принциплари деб аташ ҳам ўринли. Чунки уларга бундан кейин таржималар матнлари таҳлилларида, таржимон маҳорати ва у кўллаган услубларни тушунтиришда “кочиш”, “яқинлашиш”, “бадиий талкин” тушунчаларига принцип сифатида тез-тез мурожаат киласиз.

Бадиий адабиётлар таржималарида аслиятдан кандай бўлса шундай, яъни сўзма-сўз нусха кўчириш шарт эмаслигини айтдик.

Бирок, бу бадиий талкинда факат ва факат маънолар таржима қилинади дегани ҳам эмас.

Талкин ва тафсир

Айтайлик, “Куръони Карим”нинг ўзбек тилига қилишган бир печа таржималарида “маънолар таржимаси” деб ёзиб қўйилганлигини кўрамиз. “Маънолар таржима”си бу аслида, мумтоз тушунча билан айтганда, “тафсир” ёки унга жуда яқин нарсадир. /“Куръони Карим”нинг Алоуддин Мансур, Шамсиддин Бобохон, Абулазиз Мансур томонидан адо этилган таржималари/.

Ислом луғатларининг талқинича, “тафсир” – баён қилиш, очиб бериш, равшан қилиш каби маъноларни англатади. Узок тарих давомида “тафсир” бутун бир илм даражасига кўтарилиган ва унинг талаблари, қоидалари ишлаб чиқилган. Минг йиллик тажрибаларда “тафсир”нинг турлари ҳам юзага чиқкан.

Чунончи: “тафсир бил маъсир” – оятлар сахих ҳадислар ҳамда ҳазрати пайгамбар сухбатдошлари – сахобаларнинг сўzlари, гувохликлари воситасида қилинадиган баён.

Яна иккинчи “тафсир” тури: “тафсир бир - рай” – бунда тафсирчи оятларни ўз ижодий фикри, гайрати, фантазияси билан баён қиласди.

Учинчи “тафсир” тури: “тафсири ишорий” – бунда тафсирчи оятларнинг зоҳирий эмас, махфий, сирли, кўп маъноларга ишора этувчи жиҳатларига эътиборини каратади.

Ранг-баранг тафсир йўналишлари ичida маданий ва илмий тафсир йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда оятларнинг илмий, маданий, социологик кашфиётларга ишора килувчи томонларига диккат қилинади.

Қадим Турон ва Туркистондан чиқкан тафсирчи уламолар, адиблар ичida Ином Мотуридий, Ином Абуллайс Самаркандий, улуг Ином Замахшарий, Ином Насафий тафсиrlари илмий теранлиги, бадиий

талкынларининг тозалиги, аниклиги, холислиги билан ҳамон ўз қиммати ва ахамиятини йўқотмаган.

“Куръони Карим”, “Инжили Шариф”, “Таврот”, “Янги Аҳд” каби илохий китобларни таржима этиш бениҳоя нозик иш. У тафсирчи, баёнчи таржимондан улуг ва теран билимларни, эътиқодий софликни: тарафкашлик, мазхаб манфаатлари, максадларидан ўта холисликни; аслият тили, таржима қилинаётган она тилни мукаммал ва ҳар томонлама билишни; диний, тарихий, замонавий илмлардан кенг хабардорликни; пайгамбарлар, саҳобалар, тобеинлар, авлиёлар ҳаёти, фаолиятини, суннат ва хадисларни баркамол билишликни талаб этади. Ушбу талаблардан “тафсир” шартлари туғилади.

Муфассир таржимонлар пок ва соглом ниятли, феъл-атвори гўзал, сўзи ва илмига аввало ўзи риоя этадиган, Куръони Карим маъноларини талқин этишда нозик фаҳмлик, нозик идрокли, дид-фаросатли, одоб-икромли, холис фикрли бўлмоқликлари шарт деб билинган.

Шуниси ҳам борки, айрим уламолар узок пайтлар “Куръон”ни таржима килиш мумкин эмас, деган тушунчада бўлиб, шунга амал килиб ҳам келганлар. Кейинги юз йилликларда “Куръони Карим” ва бошка илохий битиклар турли Европа ва Шарқ тиллариға таржима қилина бошлагач, “Куръон”нинг бошка тилларга таржима масаласи қайтадан кўриб чиқилди. Таржима шартлари, таржимонга қўйиладиган талаблар қоидалаштирилди. “Куръон”нинг маънолар таржимаси деган тушунча шундан пайдо бўлди ва одатга кирди.

“Ислом энциклопедияси”, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004 йил. 227 – 230 сахифалар/.

Мана шундай чукур ишлаб чиқилган, дин ва тарих тараққиёти такозо этган шартларга “Куръон”нинг рус тилига килинган энг сўнгги Валерия Порохова таржимасида ҳам риоя этилди. Нашрнинг титул вараги ва муковасига “перевод смыслов и комментарии” деган изоҳ битиб қўйилди /Просветительский центр Аль Фуркан, Дамаск – Москва. Перевод смыслов

Валерии Пороховой, 1995/. “Перевод смыслов и комментарии” дегани бу ўша айни тафсирнинг ўзгинасиdir.

Албатта, хозирги замон саводхон кишилари тафсир, яъни баён билан бадий талқин тушунчаларини фарқлашимизга тўғри келади. Шу билан бирга интерпретация ва баён орасида яқинлик мавжуд. Аммо тафсир ва талқин бир нарса эмас. Бадий талқин тафсирдан кўра кенгрок ва динамикрок. хусусиятларга эга. Бадий талқинда ижодкор муаллифнинг эркин муносабати ва ёндошувларининг салмоги жуда каттадир.

Илмий ва бадий талқин таржима назариясида таржима принципларидан бири сифатида кўринади ва ҳаракатда бўлади.

Тафсир эса асосан диний – илоҳий битиклар ва аникрок айтганда, “Куръони Карим” таржималари тарихи, тажрибаларида юзага келди ва шу катта маданий – адабий воқеага дахлдор бўлиб қолди.

Шу билан бирга “маънолар таржимаси” деган тушунча бадий талқинга жуда якин ва тўғридан тўғри дахлдордир.

Бадий талқинда шаклан ва мазмундорлик жиҳатидан чегаралар ва меъёрлар борми? Албатта, уни мумтоз, идеал даражада қабул қилсан ва тушунтиурсак, у ҳолда унга бадийлик меъёрлари ва чегаралари ёт эмаслигини кўрамиз.

Уларнинг энг мухимлари – аслиятга садоқат, аслиятни севиш, аслият бадий, гоявий хусусиятларини тўла саклаш, аслият руҳи, ҳақонияти, бадий воситалари, услубий кашфиётларини йўқотмаслик, уларни бошқа тил стихияси ичига тўлақонли олиб кириш билан белгиланади.

Бадий талқинда шартлиликка йўл қўйилади. Бунда таржимон ҳам маълум даражада ўзини эркин сезиши, эркин тутиши, адабий – бадий ҳодисаларга эркин муносабат ва ёндошувда бўлиши мумкин.

Аммо илмий – техник адабиётлар, ахборотлар, рекламалар матнлари таржимасида шартлашилган ҳоллардан ташқари таржимон эркин бўлолмайди. Илмий техник таржима талқинида эркинлик ўзбошимчаликка

олиб боради ва бу ўқувчига жуда қимматга тушиши, ҳатто катта зарар келтириши ҳеч гап эмас.

Бадий талкинда аслият сўзларига, гап қурилишларига, оҳангдорлик ва маъноларнинг товланишларига ижодий ва ижодкорона муносабатда бўлиш таржиманинг жонли ва ширали чикишига олиб келади. Сўзларнинг маъноларини аниқлаш – семантика таржимоннинг заковати муҳим аҳамиятга эга. Аслиятдаги сўзларнинг маъно ифодаларини, мазмунини таржимада қандай чиқариш устида тер тўкиб меҳнат киларкан, таржимон иккинчи – таржима тилининг семантик, стилистик, прагматик жиҳатлардан бекиёс даражада бойишига, ифода салоҳиятининг кучайишига хизмат килади. Унинг ижодий меҳнати натижасида иккинчи тил – таржима тили илгари ўзида бўлмаган сўзлар, тушунчалар, атамалар, янги ясалган бирикмалар, ҳикматли сўзлар, афоризмлар, янги турғун бирикмаларни ўз бағрига олади.

Таржимачиликнинг мана шу фазилати туфайли айтайлик, рус, инглиз, француз, немис, араб, ҳинд, хитой, япон, туркий тилларнинг ҳозирги бойлиги бундан икки юз илгариги даврга қараганда бекиёс ўсган, кенгайган. Бу тиллар ҳар қандай услуб, ҳар қандай ифодаларни тўла мувффакият билан акс эттириш қудратига эга. Уларнинг ифода ҳамда тасвир имкониятлари чексиз даражада кенгайган.

Худди шундай фикрни туркий тилларнинг буюк бир шаҳобчаси бўлмиш ҳозирги ўзбек адабий тили ҳакида ҳам айтиш мумкин. Ҳозирги ўзбек адабий тили таржима ва адилларнинг бадий ижоди туфайли бенихоя бойиган, кучли тасвир қобилиятига эга бўлган даражасига кўтарилди. Тарихан олиб қараганда, ўзбекларда жонли сўзлашув тили, бадий адабиёт тили, шеър тили, фольклор адабиётлари тили, тарихий, илмий адабиётлар тили анча ривожланган эди. Меросимиз уларнинг ниҳоятда бой намуналари билан музайян. Шу билан бирга бизда то XX асрнинг йигирманчи йилларигача сиёсий – ижтимоий адабиётлар тили, фалсафа, ҳамда социология тили, замонавий адабиёт ва замонавий илм тили нисбатан

ўсмаган, шаклланмаган эди. Ўн тўккизинчи аср охирлари ва айниқса йигирманчи асрнинг биринчи чорагида кизгин тус олган бадиий ижодкорлик, илмий изланишлар, ва айниқса, таржималарнинг ривожланиши адабий тилимизни тубдан ўзгартирди, беҳад бойитди, унга тасвир ва ифодавийлик энергиясини багишлади. Ўзбек адабий тили доирасида янги фан, янги илм, янги сиёsat ва ижтимоий тафаккур тили тез суратлар билан ривож топди. Сиёsat ва ижтимоий тафаккур тили юзага чиқди.

Таржимонлар тил ривожланиши жараёнларида жуда фаол иштирок этдилар.

Тилнинг бойиш жараёнлари бу – реаллик. У сон-саноқсиз мисолларга эга.

Таржима миллий тилнинг бойиши

Таржимон талқини орқали тилнинг бойиши ва тасвир воситаларининг кенгайишига далил тариқасида А.П. Чехов ҳикояларининг ўзбек тилига ўттизинчи йиллардан эътиборан турли даврларда қилинган таржималарини кузатайлик.

Моҳир адиб-таржимон Абулла Қаххор Чеховнинг “Злоумышленник” ҳикоясини “Ёвуз ниятили киши” деб таржима қиласди. Ҳикоя номига ўзбекчада яхши, айни ўша маънени англатувчи табдил топади.

Ўзбек тили амалиётида илгари шундай маъноли сўз учрамаган эди. Русчада ҳам у икки сўзнинг бирикишидан таркиб топган. Ёзувчи ўзбек тилида сўзнинг энг тўғри маъносини истифода этади. Русча бирикма ўзбекчада учта сўз билан таржима килинади ва тил учун янги тушунча пайдо бўлади. Ўзбек тилида “кўнгли бузук”, “нияти ёмон”, “нияти бузук”, “фикри бузук” сингари мураккаб таркибли сўзлар “Злоумышленник” сўзига яқин маъноларни англатар эди. Лекин унинг айни ўзи эмас эди. Чехов бу сўз орқали билиб – билмай, англаб – англамай маълум даражада жаҳолат орқасида жамиятга заҳмат ва зиён етказувчи кишини назарда тутади. Ҳикоя персонажи мужик Денис Григорьев темир йўл релсларининг гайкаларини бураб чикариб, улардан балиқ тутишда қармоққа чўқдиргич сифатида

фойдаланади. Қишлоқдаги барча мужиклар шу ишни киладилар, лекин қўлга мана шу Денис тушган ва терговчи уни тергаб қамоққа ҳукм килади.

Денис терговчининг нега гайкаларни бураб чикардинг, ахир бундан поезд издан чикиб ҳалокатга дучор бўлиши мумкин, деган гапларига ўзини оқлаб жавоб бераркан, чунончи шундай сўзлайди: “Конечно, который непонимающий, ну, тот и без грузила пойдет ловить. Дураку закон не писан...” /А.П. Чехов. Соч. в восемнадцати томах, том четвертый, Москва – 1976, стр. 85/

Абдулла Қаҳҳор таржимаси: “Албатта, тушунмаган одам бўлса бошқа гап: - у, чўқдиргич бўлмасаям овга чиқаверади. Ахмоққа закон йўқ, деган гап бор эмасми, ахир,” /А.П. Чехов. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том, Тошкент – 1957, 75 б./

Бу ерда Дениснинг гапидаги “дураку закон не писан” тургун бирикмасига эътибор берайлик. Чехов бу ибора оркали Дениснинг содда табиатини очиб берадиган жуда нозик кулгини олиб ўтади. Денис қармоққа чўқдиргач осмайдиганларни ахмоқ деб хисоблайди. Шунинг учун ўз холидан бехабар шу ифодани келтиради.

Атокли адабимиз Дениснинг ушбу жумласини “Ахмоққа закон йўқ, деган гап бор эмаси ахир”, деб ўгиради. “Дураку закон не писан” деган тургун бирикманинг айни табдили ўзбек тилида учрамайди. Мაъноси ва қўлланишига кўра у ўзбек тили учун янгилик. Шунинг учун ёзувчи ўзбек тилида уни қандай бўлса шундай таржима килиб олади: “ахмоққа закон йўқ...” Лекин нима учун адаб “закон” сўзини таржима килмасдан олди экан? Ўйланмай, шошилинч килинган ишми? Бундай дейишга ҳакимиз йўқ. Чунки Абдулла Қаҳҳор сўзга ва жумладан таржима қиласетганда сўз маъноларига жуда ҳам эътиборли ва талабчан эди. У сўзга талабчанлиги билан машхур бўлган. Адаб “Ахмоққа конун йўқ” деса бўлмасмиди? Албатта, у соғ ўзбекчадаги “ахмоққа тўйтепа нима йўл” деган бирикмани ололмасди. Чунки Денис Тўйтепани каердан билсин? Абдулла Қаҳҳор бу хикояни таржима килган пайтларда “закон” сўзи ўзбек тилига анча кенг кириб келган эди.

Қонунни биладиган ва уни турмушда талаб киладиган кишиларни “закунчи” деб айтишарди. “Закон” ўзбек тилига “закун”, “закунчи” бўлиб кириб қўлланиб турган эди. Шунинг учун ёзувчи-таржимон буни ҳисобга олади ва уни ҳалқ тилида қандай қўлланаётган бўлса шундай олади. Ёзувчи “не писан”ни ҳам ўзидай яъни “ёзилмаган” деб олмайди. Балки “йўк” дейди.. “Ахмокқа қонун ёзилмаган” деса бўлмасмиди? Бўларди, лекин гап чўзилиб кетади. “Йўк” деса, ихчам ва лўнда, бунинг устига жонли тилга жуда мос. Абдулла Қаххор “ахмокқа закон йўк” деб гапни тугатмайди. У яна “деган гап бор эмасми ахир” жумласини кўшади. Бу Чехов матнида йўк. Абдулла Қаххор бу ўзидан кўшган жумласи билан идиомани ўз ўкувчисига тушунарлирок қилмоқчи. Ўзбек бу иборани ўкиб хайрон бўлади. Илгари у бундай гапни эшитмаган. Шунинг учун “деган гап бор эмасми ахир” жумласи ўкувчига изоҳ тариқасида айтиляпти.

Шундай килиб, ўзбек тилига Чехов ва Абдулла Қаххор қалами оркали янги бир идиома “ахмокқа қонун йўк” кириб келди.

Шу хикояда Абдулла Қаххор кармокқа боғланадиган русча “грузило” сўзини “чўқдиргич” деб таржима қилади. Бу сўз ўзбек тили луғатларида учрамайди. Икки томлик РЎЛда “грузило” сўзи – “қармоктош” деб олинган ва кавс ичидаги изоҳлаб ҳам ўтилган /“кармокка, тўрга боғланадиган оғир нарса”/. “Чўқдиргич” – “грузило”га жуда аник сифатли эквивалент бўлаолади. Лекин “кармоктош” ҳам ёмон эмас. Чамаси, “кармоктош” ҳам табдил килиб олинган. Ўзбек тилида йўк сўз таржима қилиб олиб кирилган. Шунинг учун лугат муаллифлари унга изоҳ бериб тушунтиришни маъкул кўришган.

“Злоумышленик” – РЎЛда “ёвуз ниятли одам” деб берилган. Чамаси, бу Абдулла Қаххордан олинган.

Абдулла Қаххор шу хикоя таржимасида яна бир канча кийинчиликларга дуч келади. Уларни қандай ҳал килди экан? Кўрайлик.

Чехов хикоя бошланишида Дениснинг киёфасини чизаркан, “чрезвычайно тощий мужичонко” деган таърифни қўллайди. Карангки, “мужик”, “мужичонко” каби сўзларни бошқа таржима қилиб бўлмайди.

Улар рус ҳаётининг реалийлари сирасига киради. Чехов бу ерда кичрайтиришнинг ифрат даражасидаги шаклини ишлатяпти. Ўзбек тилида бу жумла “кичкинагина, ниҳоят даражада озгин бир мужик” деб олинган. Албатта таржимон энг оптимал йўлни танлаган. “Кичкинагина.... озгин” деган сўзлар билан “мужичонқ”нинг маъносини бермокчи бўлган ва бунда таърифлашнинг баён усулидан, адаптациядан фойдаланган. Биламизки, ўзбек тилида кичрайтириш маъносини билдирадиган “..ча - чок”, кўшимчаси мавжуд. “Бузокча”, “эчкича”, “тойчок”, “кўзичок”, “олачук”, “капача” “уйча” ва х.о. Шунга кўра ёзувчи ихтёрида “рэзгигина мужикча” деб ифодалаш имконияти йўқ эмас эди. Лекин Абдулла Қаххор бу ерда ўз версиясини беради ва бу ҳам хато эмас.

Чехов персонажни таърифларкан, “Его обросшее волосами и изъеденное рябинами лицо и глаза, едва видные из – за густых, нависших бровей, имеют выражение угрюмой суровости”, деб киёфа чизгиларини деталлаштиради.

Абдулла Қаххор таржимаси:

“Унинг мўй босган бужур юзларида, қалин ва узун кошлари остидан зўрга кўриниб турган кўзларида тунд бир шиддат ифодаси бор”. Ўзбек ёзувчисини кийнаган ва ўйлантириб кўйган жумла бу – “угрюмая суровость”. РЎЛда “суровость” сўзини – “қаттиклиқ, оғирлик, каттиқўллик, бераҳмлик, шафқатсизлик, баджаҳллик” сингари сўзлар орқали маъноси ифодаланади. РЎЛда факат “шиддат” йўқ. “Тунд бир шиддат” – бу Абдулла Қаххор вариант. Лекин бу ерда гап “шиддат” устида бораётгани йўқ, Чехов мужикчанинг кўзлари оғир бир жиддият билан бокади демокчи. “Шиддат” – қаҳрамон киёфасига сира мос эмас. Шу билан бирга ёзувчи вариантини батамом нотўғри деб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга эквивалент топилмаган.

Чехов шу жумланинг давомида “сурововсть”га яна қайтади: “На голове целая шапка давно уже нечесанных, путанных волос, что придает ему еще большую, паучью суровость. Он бос”.

Таржима: “Қанчадан бери тарок тегмаган чигал соchlари бошини шапкадек коплаб олиб, у чехрага яна кўпроқ шиддат, ўргумчак шиддати беради”. “Шиддат” сўзи ўргумчакка сира ёпишмайди. Ўргумчақда шиддат бўлмайди. Демак, бу ерда “сурвость” – “шиддат” деб олиниши сира мумкин эмас. Асл нусхада гап тумтайиб, хумрайиб туриш ҳақида бормоқда. Мужик хўмрайиб ковогини солиб турибди. Мана шу хўмрайиш уни ўргумчакка ўхшатади. У хўмрайиб бокади ва хўмрайиб туриш билан ўргумчакни эслатади. Ёзувчи “шапка” сўзини ҳам бу ерда таржимасиз қолдиради. Ҳолбуки, уни бемалол “қалпок” деб ўгириш ўринли эди.

Абдулла Қахҳор ўз таржималарида ҳамиша ўз талкинини беради. Камдан кам ҳоллардагина сўзма – сўз таржимага йўл қўяди. А.П.Чеховнинг “Никоб” хикоясидан жумла:

“- А плевать мне, что ты Жестяков!”

Абдулла Қахҳор:

“- Сендана Жестяковларни икки пулга олмайман!”

Эътибор беринг. Нега ўзбек таржимони сўзларни тўғридан тўғри ўтириш билан қаноатланмайди. У ахир русча матнда кандай бўлса шудай: “Тупурдим сендана Жестяковга!” – дейди. Хўш таржимон бу ерда кандай фикр – мулоҳазага борган? “Икки пулга олмайман” дейиш “тупурдим” деб айтишдан кўра нега унга мақбулроқ туюлади? Нега танлаш жараёнида – танлаш, саралаш – талқиннинг энг мухим жихати – айнан шу жумлага тўхталди, нега айнан шуни маъкул кўрди?

Бу саволларимизга жавобни факат Абдулла Қахҳорнинг ижодкорлик табиатидан ва инсонийлик карашларидан кидиришга тўғри келади. Абдулла Қахҳор ўз менталитети ва ўкувчининг менталитетига кўра андеша билан таржима килади. “Тупурдим!” – дейиш ўзбекнинг назарида инсонга нисбатан жуда ҳакорат. Абдулла Қахҳор ўз эътиқоди – инсонийлигига кўра бу сўз – сўкишдан қочади. Уни таржимада юмшатади, “икки пулга олмайман”, дейди. Назарида бу чидаса, ҳазм килса бўладиган сўкиш. Ёзувчининг дунёкараши унинг таржимасига шундай таъсир кўрсатади.

Абдулла Қаххорни рус адабиётидан қилган таржималарида рус кишиларига хос бўлган мурожаатлар, жойларнинг номлари, нарса – предметларнинг атамалари анча ўйлантиради. Буларни таржима тилида ўқувчиларга тушунарли қилиб етказиш назарида энг мушкул ишлардан бўлиб кўринади.

Чунончи, у “ваше благородие” деган мурожаатни – “таксир” деб ўгиради. Ҳолбуки, бу ерда “жаноби олийлари” мувофиқроқ бўларди.

“Гоподин хороший” деган мурожаатни – “жаноби таксир” деб табдил этади. Шундай деб олиш ҳам аслида мумкин. Лекин мувофиқлик нуткаи назаридан бу унчалик маъкул эмас. Айтишга ноқулай.

Абдулла Қаххор интеллигент, закон, танец, барышня, кадриль, лакей, кучер, кухарка каби талай тушунчаларни ҳам таржима килмай ўзича ёки бироз ўзбекча талафузга мослаштириб олади.

Бундай чигалликларга Абдулла Қаххор Л.Н. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романининг биринчи кисми таржимасида ҳам тез-тез дуч келади. Баъзан жуда муваффакиятли варианtlар топади. Масалан, “антихрист” тушунчасини Абдулла Қаххор “худодан қайтган” деб табдил этади. Бизнингча жуда ўринли, ижодий топилган табдил. “Покровительственными интонациями” деган тушунчани у усталик билан “ҳимояткорона бир тарзда” деб олади.

На «изысканном французском языке» жумласини – “чертиб – чертиб сўйлар эди” – деб ўгиради. Қаранг, мана шу каби мисолларнинг барида Абдулла Қаххор сўзга ижодий ёндошади, унинг энг кутилмаган, энг муваффакиятли, Абдулла Қаххорга хос эквивалентини тақлим этади.

Толстой ўз қаҳрамони Анна Павловнани тавсифлаб ўтганда “энтузитка” деган сўзни уч бора ишлатади. Абдулла Қаххор бу таржима килиб бўлмайдиган сўзни “серзавк” деб табдил этади. Бу ҳам аслида ёмон эмас. Лекин Анна Павловнанинг завқ – шавқ билан сўйлашига эътибор берилса, бу ўринда “шавқ” ва “жўшқинлик” сўzlари Толстой кўзда тутган маънени яқинрок тарзда ифодалаган бўларди.

Абдулла Қаххор “благодетель” – “наш благодетель” сўзини койилмаком тарзда “пуштипанохимиз” деб таржима киласди. Аслида “валинеъматимиз” дейиш шу русча тушунчанинг маъносини аникроқ очган бўларди.

Абдулла Қаххор баъзан Толстой матнида сакраб ўтиб кетиш кийин ҳолларга дуч келади. Узок ўйга толади. Вариантлар излайди.

Романда Анна Павловананинг шундай ватанпарварона сўzlари келади: “- Мы одни должны искупить кровь праведника”.

Абдулла Қаххор:

“- Шахидлар қони учун биз ёлгиз ўзимиз касос олишимиз керак”.

“Искупить” сўзини РЎЛ шундай таржима киласди:

“Гунохини ювмолқ, ўзини оқламолқ, гунохини кечирарли иш килмолқ, гуноҳдан халос киладиган, савобли”.

Лекин адабимиз нега бу сўзни “касос олмок” деб тушунди экан?

“Кровь праведника” РЎЛда “праведник” – такводор, ҳакикаттўй, адолатли, одил каби сўзлар билан талқин этилади.

Абдулла Қаххор мурожаат этган “шахид” сўзи буларнинг ҳеч бирига тўғри келмайди. Бунинг устига гап факат битта “праведник” устида боряпти. Ва гап маъсум қонини ювмолқ, оқламолқ устида боряпти.

Таржимон талқинида “шахид” – “праведник”нинг жуда-жуда олис маъносинигина бериши мумкин. Анна Павловнанинг нима демокчи бўлаётгани уни тинглаётганларга эҳтимол маълум, лекин ўкувчига - Наполеон даври тарихини миридан сиригача билмайдиган ўкувчига коронгу. “Шахид” ва “Касос” матн ортидаги коронгуликни янада кучайтиради. Мана шундай ўринларда таржимондан хикоя килинаётган давр вокеларидан яхши хабардорлик талаб қилинади. Бундай хабардорлик бўлмаган тақдирда матннинг коронгулиги яна ҳам қуюклашади.

Таржимон бу асарда ҳам реалийларни ифодалашда бир карорга келолмайди. Мисол учун у “государь”ни “шаханшох” деб олган ҳолда “император”ни ўзича “император” деб беради. Яна бир ўринда у “первый

секретарь”ни – «бош мунши» деб интерпретация килади. “Мунши” шарк саройларига хос лавозим. Уни шундайлигича Европа ёки Россия саройига олиб ўтиш ўзини оқлармикан? Бу ерда “котиб” деган холисрок тушунчани кўллаш тўғрирок туюлади.

Абдулла Қаххор “Уруш ва тинчлик” таржимасида жуда кўп бадиий кашфиётлар килади. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Роман қаҳрамонларидан бири князь Василий бир ўринда: “это мой кресть” деган тургун бир ифода билан ўз тақдиридаги муҳим бир ҳолга ишора этиб ўтади. Таржимон жуда оддий булиб кўринган, аслида жуда кийин нарсани қандай чикарсин? Бу каби жумлалар узок қидириш, ўйлашни талаб этади. Абдулла Қаххор ниҳоят топади: “Бу менга бир кўргулик”, дейди князь Василий ва аслият маъноси гўзал бир эквиваленти билан ифодаланади. Ҳеч шак – шубҳасиз ушбу жуда кийин жумла таржимасида Абдулла Қаххор аслиятдан анча узоклашган. Лекин узоклашиб туриб унинг маъносига ниҳоятда яқинлашиб борган. Ифодавийлик ва маънодорликда аслият билан тенг жаранглайдиган ва аслият билан бадиий жихатдан беллашадиган, айникса ихчамлик ва лўндалиқда қолишмайдиган ифода яратган. Бу таржима килиб бўлмайдиган ва жонли мулоқатларда анча кенг кўлланадиган иборани соф ўзбек ва соф ўзбекча миллий менталитетни ифодалайдиган тарзда “бу менинг пешонам” деб ўгириш ҳам мумкин эди. Лекин “кўргилик” анча кучлирок ва инсонга қисмат тақозо қилган нарсани яхши англатади. Ахир ижодкорлик ва ижодкорликнинг моҳиятини белгиловчи талант бўлмаса, бундай кўринишдан оддий, лекин бошқа тилга сўзма – сўз ағдариб бўлмайдиган ибораларни чиқариб бўладими? Шундай ибораларни чиқариш унга мос эквивалент топиш билан тилнинг ифода куввати кучаяди, бойиди.

Бир ўринда аслиятда “нет шишкы родительской любви” деган жумла ишлатилади. Нима дейиш керак буни? Хўл гап-ку равшан: у ота – она меҳрининг бор – йўклиги устида боряпти. Лекин “шишки” нимани англатади?

РЎЛ “Шишки” сўзи рўпарасида анча – мунча маънолар ва товланишларни мўл-кўл келтиради: Шиш, ғурра, сўта, гудда, катта мансабдор одам, юқори мартабали нуфузли кимса, юмалок нарса, қубба...

Лугатнинг мақоласи таржимон учун анча кенг имкониятлар очади. Лекин ҳали кидириб кўрилса, бу сўзнинг тилимизда мавжуд яна бошқа муқобиллари ҳам чикиши мумкин.

Абдулла Қаххор бу жумла устида ҳам кўп бош котиради. “Шишки” сўзининг таржимасини берса, ўзбекча жумласи назарида тушунарсиз ва гайри ўзбекча, соҳта чиқаётгандек бўлиб туюлаверади. Охири жумлани “сенда оталик меҳри йўқ” деган жумла билан таржима қилди ва шунга тўхтади. Бу жуда яхши, аслият билан тенг жумла. Жуда табиий эшистилади. Ритмикаси ҳам топилган. Бундан ортигини орзу килиш кийин. Бироқ кичкина “лекин” бор ... Абдулла Қаххор ўз таржимасида “шишки” сўзидан воз кечган. Нега? Шу сўzsиз ҳам ўзбекча жумла жуда чиройли ва маънодор чиқади, аслият бузилмайди, унга талафот етмайди, деб ўйлаган.

Лекин аслида-чи? Толстой бу жумла билан нима демоқчи?

Толстой бу жумла билан сенда оталик меҳрининг мояси йўқ демоқчи. Бу ерда “шишки”ни – ўзбек тилидаги “моя” сўзи билан берсак, унинг маъноси гоятда чукурлашади. Аслият билан маъноси хар жиҳатдан тенг маъноли ифода дунёга келади.

Абдулла Қаххорнинг Н.В.Гоголь “Ревизор” комедиясининг таржимасида ҳам шунга яқин тушириб қолдириш ходисаларига дуч келамиз. “Ревизор”нинг бошланишида Бобчинский, Добчинский ва Городничий ўз шахарларига ревизор келаётганлигини мухокама қилар эканлар, Городничий камоли ҳайрон бўлиб сўрайди:

“Городничий – И давно он здесь? Добчинский – А недели две уж. Приехал на Василья Египтянина”.

Абдулла Қаххор таржимаси:

“Ҳоким – Качондан бери турар экан? Бобчинский – икки ҳафтача бўлибди. Байрам куни келган экан”.

Гоголнинг аслий матнида гап ревизорнинг аниқ бир кун, яъни “Василь Египтянин”га багишланган байрам маросими ўтадиган кун келганлигини айтилмоқда. Абдулла Қахҳор бу диний байрамнинг атамаси ўзбекча матнга хеч сигмаслигини сезиб турибди. Уни қандай тарзда олмасин, жумла оғирлашади ва ўзбек ўкувчиси ёки томошабинга бу нарса тушунарсиз ва коронғу бўлиб колади. “Мисрлик Васил” куни келган экан деган жумлани ўзбек ўкувчиси англамайди. Бу нима экан? – дейди. Сахнада изоҳ бериб ўтириш қийин, бунга вакт ҳам йўқ. Ўйин темпи тушади. Ҳолбуки, рус томошабини ёки ўкувчиси учун бу ерда хеч қандай тушунарсиз нарса йўқ. Улар бу байрам қачон ўтишини биладилар. Шунинг учун дарров ўша кунни кўз ўнгига келтирадилар.

Абдулла Қахҳор шуларни мuloхаза киларкан, байрамнинг аниқ номини олиб ташлаш ёки тushiриб қолдиришга қарор килади. Конкрет ҳодисани умумий тушунча билан аташ йўлидан боради. “Байрам куни келган эди”- деб таржима килади. Таржимада табиийликни саклаш ва матн таржима ўкувчисига тушунарли бўлиши учун конкрет ҳодисани умумийлаштириб инфодалайди. Албатта бунда аслият йўқотишга учрайди. Нима кўп, байрам кўп. Ревизор қайси байрам куни келган экан? – деган табиий савол жавобсиз колади. Гоголь доим нарса – ҳодисаларни ўз номи билан атайди. Рус адабиётининг удуми шундай. Ҳудди шундай умумлаштириш усулини Абдулла Қахҳор яна бошқа бир ўринда ҳам ишлатади. Бобчинскийнинг ревизор келганлиги тўғрисидаги ҳикояси ичida «мы с Петром Ивановичем ели семгу...» - деган жумла бор. Абдула Қахҳор бу жумлани “Петр Иванович икковимизнинг балиқ еб ўтирганимизни кўриб...” – деб ўгиради. Гоголь матнида конкрет “семга” балиги тановул қилинаётгани ҳақида гап кетади. “Семга” балигининг ўзбек тилидаги номи топилмаган. РЎЛда у осонгина килиб, “семга” балиқ деб берилган. Албатта, Абдулла Қахҳор бу балиқ турининг ўзбек тилида нима деб аталишини хўб кидириб кўрган. Топилмаган. Ноилож балиқ номини конкретлаштириб ўтирмай, уни умумий тарзда “балиқ еб ўтирган эдик” деб кўя колган. Ўзбек ўкувчиси бу ерда факат

икки персонажнинг ошхонада балиқ еб ўтирганидангина хабардор бўлади. Лекин улар кандай балиқ тановул килаётган эдилар ва нима учун баайни шу “семга” балигини еяётган эдилар? – бу тафсилотдан бехабар қоладилар. Рус ўкувчиси учун эса уларнинг нима учун худди мана шу куни “семга” балиги еяётганлари муҳим бир нарсадан дарак бергандай бўлади.

Чехов ҳикояларини таржима килаётган чоғларида ҳам Абдулла Қаххор аслиятда бир қанча баликларнинг турлари номларига дуч келган. Уларнинг бир қанчаларининг ўзбекча эквивалентларини топган. Чунончи, “окун”ни – олабуға, “шука”ни – чўртон, “налим”ни – ширин балиқ, “шилишперни - шиллер”, “пескарь”ни – тошбоши, “уклейка”ни – елимбалиқ, “голавл”ни – қўшбоши балиқ деб таржима этган. Қаххор бу эквивалентларни қаердан топган? Ҳалқ тилидан қидирдимикин? Бундай савол берәётганимизнинг асоси бор. Абдулла Қаххор Чеховни таржима килаётган ўттизинчи йиларда русча – ўзбекча лугатлар ҳали у қадар мукаммал ва нисбатан тўлароқ ишланмаган, сўзларнинг эквивалентлари етарлича шакллантирилмаган эди. Мисол учун РЎЛда “голавль”ни – зогоробалиқ деб таржима қилган. “Пескарь” эса шу энг кейинги нисбатан тўлароқ ва ишончлирок лугатда – қум балиқ, танга балиқ, тошбош – деб бирданига бир эмас, учта номи тақдим этилган. “Уклейка” эса – “карпсимонлар оиласига мансуб кичик балиқ – уклейка; - серебристая уклейка – кумуш ранг уклейка” – деб изоҳлаб ўтилган ва ўзбек захираларидан бу баликлиниг нима деб аталиши қидириб кўрилмаган. Лугатни ўкиб туриб, мана яна бир балиқ номига дуч келдик: карп. Хўб. “Карп”нинг ўзбек тилида номи бормикан? РЎЛнинг ўзи “карп” деган ерда уни – карп, зогорабалиқ; зеркальный карп – кам тангачали зогорабалиқ – деб ном келтирмай, факат изоҳлаб ўтади. “Налим”ни эса РЎЛ – налим, елимбалиқ – деб беради. Лугатга кисқача саёҳатимиз натижасида аниқлаганимиз маълумотлардан кўриниб турибдики, Абдулла Қаххор ўз таржималарида келтираётган номлар билан лугатда берилётган номлар ўртасида фарқлар кўзга ташланиб турибди. Хўш, буларнинг қайси бири тўғри? РЎЛга ишониш керакми ёки улуғ таржимонга?

Булар борасида ихтиологлар, зоологлар ўз мuloҳазаларини айтишмаган. Умуман, Марказий Осиё сув ҳавзаларида ва хусусан, Ўзбекистон сувларида яшовчи, учровчи балиқларнинг турлари диккат қилиб батафсил ўрганилмаган, уларнинг ҳалқ ичидаган номлари йигилмаган ва маҳсус лугатлар тузилмаган. Ҳолбуки, Орол, Каспий, бир неча улуг дарёлар ва кўллар бўйларида минг йиллардан бери яшаб балиқчилик ҳам қилиб келаётган туркий ҳалқларнинг тилларида турли балиқларнинг номлари албатта мавжуд. Улар факат эътибор билан йигилмаган ва тилимизнинг лугат бойлигига олиб кирилмаган. Абдулла Қаҳхор ва бошка кўплаб таржимонлар амалиётида ҳам учрайдиган РЎЛдан фарқ қилувчи турли-туманликнинг сабаби қисман мана шунда: ўрганилмаганлик, илмга олиб кирилмаганликда.

Насроний байрамлар, ранг-баранг диний тушунчалар, атамаларни ҳам ўзбек тилига таржимасини келтиришда турли-туманликлар, ўзбошимчаликларга истаганча дуч келиш мумкин. Таржимонлар бундай ҳолларда кўпинча енгилроқ, осонроқ, қулайроқ йўлни танлайдилар. Ё номлар, атамаларни тушириб колдирадилар ё умумийлаштириб, изоҳлаб баён қиласидилар. Ҳар қалай кўпинча конкретликдан – конкрет образлиликдан қочилади ва аслият ҳакига анча талафот етади.

Наби Алимухамедов Чеховнинг машҳур “Сахро” киссасини ўзбекчалаштирган. Ўрни – ўрни билан жуда гўзал таржима парчаларига дуч келамиз. Лекин у таржима қилган пайтларда ҳали турли тушунчаларнинг ўзбек тилида қандай берилиши тўғри бўлиши устида фикрлар куюлмаган. Шунинг учун бўлса керак, таржимон аслиятдаги “Казанский богоматерь” кунини – “Казанский божематер” куни – деб беради. Ҳолбуки бу тушунчани Қозон Биби Марйам куни деб ўгирилса айни гўзал чикарди. Ёки таржимон аслиятдаги “обед” тушунчасини ҳам шундай ўзича колдираверади. Ҳолбуки, бу ўринда унча шошиб ўтирасдан бемалол “тушлик” деб ифодалаш мумкин эди. Тарихан олиб қараганда мумтоз адабиётлар таржималарида шундай ғалати, кизиқ ҳолларга ҳам тез-тез дуч келамиз.

Абдулла Қаххор “Уруш ва тинчлик” романнинг таржимасида кўп маҳал аслият ибораларини жўнлаштириб, “ўз тили билан айтиб бериш” усулини кўллади.

Таржима соҳасида бир ёркин, характерли таржима мактаби ёки тажрибалари бошқа кўп ва ранг- баранг таржима тажрибалари ва мактаблари учун умумлашма аҳамиятига эга хуносалар чикариш, таҳлиллар олиб боришга имконият ва материал беради. Шунинг учун ҳам биз таржимада интерпретация масаласига кенг қараб Абдулла Қаххор улуг таржима мактабининг маҳорат кирраларига мурожаат қиляпмиз. Абдулла Қаххор жуда йирик ёзувчи, драматург, хикоянавис ва жуда ўткир сўз устаси, килқалам адид бўлганлиги учун унинг тажрибалари, таржима ижодининг лабораторияси, таржима ижодининг психологик ҳусусиятлари ниҳоятда кимматли. Унинг таржима ижоди тил маҳорати, тасвирий ифода воситаларининг қўллаш ранг-барангликларини ҳар томонлама очиш, кўриб ўтишга бой материал беради.

Абдулла Қаххор таржима жараёнида аслиятни талқин этаркан, айникса аслиятнинг образли дунёсини чикариш, уни йўқотиб кўймаслика, таржима тилида тўлиқ мазмундор эквивалентларини яратишга алоҳида аҳамият беради. Аслият образларини таржимада тўлиқ ва аслиятга мувофиқ тарзда чикариш – Абдулла Қаххорнинг таржимада қўлладиган яхши кўрган принципларидан биридир.

“Уруш ва тинчлик”да Толстой ўз қаҳрамонларидан бири Элен киёфасини харакатларкан, орага шундай ажойиб жумлани кистириб ўтади:

“Она как будто желала и не могла умалить действие своей красоты”.

Абдулла Қаххор таржимасида:

“Элен гўё гўзаллигининг кучини бироз сепсилтиришни истаса ҳам, кўлидан келмайдигандай кўриниар эди”.

Элен киборларга хос гўзал аёл. Ҳаддан зиёд гўзал дейиш ҳам мумкин, у ўз чиройининг одамларга қандай кучли таъсир кўрасатишини ҳам жуда яхши билади ва хис килади. Шунинг учун у кибор аёл сифатида ўз гўзаллигининг

таъсирини андак бўлса-да пасайтиришга интилади. Толстой бу ерда “как будто” деган сўзни жуда нозик ишлатади. Элен гўзаллигининг таъсирини хақикатан ҳам пасайтиришга эмас, балки гўё пасайтиришни истагандай бўлади ва шунга яраша хатти-ҳаракатлар, нозанинларча истигнолар килади. Бу унинг гўзаллигининг таъсирини пасайтиришга эмас, аслида кучайтиришга сабаб бўлади. Эленинг ноз-фироки шунчалар фусункорона. Толстой кўринишда жуда оддий жумла тасвир билан ниҳоятда нозик психологик холатни чизади ёки унга ишора этади. Абдулла Қаххор бу ерда бадиий образнинг марказида турган “умалить действие” жумласи устида кўп бош котиради. Турли вариантларни қогозга туширади. Ниҳоят, у ўзбек тилидаги “сепсилмок” деган сўзни эслайди. Ва “умалить действие”ни “сепсилтириш” – деб ўгиради. Шу билан Толстой образига ўзбек тилидан гўзал, ниҳоятда ифодавий ва оригинал муқобил топади. Асосий образни ифодаловчи сўз топилгач, жумла ҳам стилистик жиҳатдан аслият билан беллашадиган гўзал ифодавий шаклга тушади. “Желала и не могла” жумласига ҳам эътибор беринг. Ўзбек адаби буни гоятда ижодий ва табиий тарзда “истаса ҳам, қўлидан келмайдигандай” – деб ифодалайди. Бу ерда минг карра мувофиқликдан ташқари “қўлидан келмайдиган” деган тургун бирикма узукка кўз кўйгандай ўз ўрнини топди. “Не могла” деган оддий сўз ўзбекчада унга энг мос тургун бирикма билан адо этилди.

Икки жилдли ўзбек тилининг изоҳли лугати “сепсилтирмок” сўзини жонли сўзлашувга хос деб беради ва унинг “пасаймок”, “төвсилмок”, “сепсимок” сингари маъноларини изоҳлайди. Халқ қаттиқ бўрон бироз тинганда “бўрон сепсиди” дейди. Абдулла Қаххор сўзнинг маъно товланишларини хисобга оларкан, “сепсилиш”га – тўхташга карор килади. Аслиятнинг кутилмаган жумласи, кутилмаган образини ўзбек тилида унга тенг кутилмаган сўз, кутилмаган образ билан ифодалайди. “Гўзалликнинг кучини сепсилтириш” Тостойча құдратли образга айланади.

Романда княз Андрей Пьер Безуховга хотинларнинг табиати ва умуман уйланмаслик хақида ўз маслаҳатларини беради ва шунинг ичида бу сўзларни айтади:

“Ведь это целая история жизни”.

Дарров таржима қиласиз: “ахир бу бутун умрнинг тарихи”!

Осон, мос, тўла эквивалентлик топилган. Энг муҳими тушунарли.

Бу тўгри эквивалентли таржима. лекин ижодий таржима эмас.

Ижодий таржима намунасини Абдулла Қаҳхор беради:

“Ахир бу бутун умр говгаси”.

Имонимиз комилки, “история жизни” деган иборани “умр говгаси” деб таржима килиш камдан кам одамларнинг хаёлига келиши мумкин.

Шу мисолдан тўгри эквивалентли таржима билан ижодий эквивалентли таржима ўртасида қанчалар катта фарқ бўлиши мумкинлигини сезиб, кўриб, билиш мумкин.

Тўгри эквивалентли таржима билан образли, яъни ижодий эквивалентли таржима ўртасидаги фаркни сезаётган бўлсангиз керак?

Тўгри таржима – ҳамма вакт ҳам сифатли юксак бадий таржима бўлавермаслиги мумкин. Шунинг учун эквивалентли таржимани таржиманинг бирдан бир ўлчови деб караш айниқса бадий таржима амалиётида тўгри бўлмайди.

Образли ижодий таржимада, албатта, таржимон талқинининг кучи, оригиналлиги, бадий ўзига хослиги чиқади.

Образли ижодий таржимада таржимон аслият жумла курилишларини ихчамлашга, лўндалаштиришга, жумлани тафсилотлар билан оғирлаштириб юбормасликка ҳам интилади.

Мисолга мурожаат этайлик:

Толстой ёзади:

«в самых лучших, дружеских и простых отношениях лесть или похвала необходимы, как подмазка для колес, чтобы они ехали».

Абдулла Қаҳхор:

“Гилдиракка мой керак бўлгандай, оддий ва дўстона муносабатларда ҳам таърифлаш ёки макташ зарур бўлади”.

Аввало, бу ўринда таржимон бадиий соддалаштириш йўлидан борганилигини кўрамиз. Таржимон аслият жумласини ихчамлайди, қикартиради. Толстой Пьер Безухов нуктаи назаридан инсоний муносабатларнинг уч турли жихатига эътиборни каратади: “энг яхши, дўстона ва оддий муносабатларда...” Ўзбек таржимони “энг яхши” деган таърифни тушириб қолдиради. Унинг назарida маънони тўла ифодалаш учун “оддий ва дўстона муносабатларда” – деб аташининг ўзи кифоя. Энди “лесть и похвала”га келайлик. Бу таърифларни аслида “хушомад ёки мактov” деб олиш ўринлироқ эди. Лекин ўзбек таржимони ўз бадиий услубига содик ҳолда буни “таърифлаш ва макташ” – деб ифодалайди. РЎЛда “лесть” – хушомад, тилёглама, мактov – деб тушунтирилган. Адиб-таржимонни буларнинг биронтаси ҳам кониктирумайди, у ўз ижодий вариантини кидиради. “Таърифлаш” деган ҳеч хаёлга келмаган сўзга тўхталади. Унинг назарida “лесть ва похвала” бир нарсадай, бир нарсанинг иккита таърифидай. Лекин “таърифлаш ва макташ” бир нарса эмас, “таърифлаш”да “лесть” бўлмаслиги ҳам мумкин. Таърифлаш бу – сифат бериш, белгиларни аниқлаштириш ва кўрсатиш ва шу билан кенг маънода бирорвга ёқадиган маъкул гапларни айтиш. Таърифлаш макташ билан кўшилганда унинг маъноси ва таъсири кучаяди. Адиб-таржимон шунинг учун биринчи хаёлга келадиган “хушомад” ўрнига кутилмаган “таърифлаш” сўзини ишлатади. Нихоят, учинчи бир мулоҳаза: Толстой “подмазка необходима для колес, чтобы они ехали” – дейди. Адиб таржимон бу жумлани “гилдиркка мой керак бўлгандай” – деб ўта лўндалаштиради. Яъни аслиятдагидай “гилдирак юриши учун мойлаш керак” – деб ўтирумайди. “Гилдиракка мой керак бўлгандай” дейди. Гилдирак бўлгандан кейин унинг юриши тайин. Шунинг учун бу ерда гилдиракнинг юриши учун деб чўзиш унинг назарida ортиқча ва ўринсиздай. Абдулла Каххор ўз ижодий амалиётидаги жумлаларнинг ўта сикиклиги ва ихчам маънодорлигига қаттиқ риоя килган ва буни эстетик бадиий принцип

сифатида кабул қилған адид сифатида машхур. Унинг мана шу индивидуал ижодий манераси бадий таржималариға ҳам жуда күчли таъсир ўтказади. У образли талкынларыда ҳар доим қисқаликка интилади. Бу ёзувчи индивидуаллигининг таржима жараёнинг таъсирини ўрганиш учун гоятда кизиқарлы ҳоллардан биридир.

Биз кўпинча таржимонга индивид деб карашни унугиб қўямиз. Ҳолбуки, таржимон ҳам ижодкор индивид. Демак, унинг ҳам ўз тасвир манераси, жумла куриш усуслари мавжуд. Айникса, шоир таржимонда ва адид таржимонларда бу ҳодиса жуда характерли ва ёркин намоён бўлади.

Адид таржимон ёки шоир таржимоннинг таржимага ижодий муносабати ранг – баранг ва жуда мураккаб шаклларда кўзга ташланади. Ижодий муносабат бу маълум даражада эркин муносабатдир. Ижодий эркин муносабат кўпроқ адид ва шоир таржимонлар амалиётида юзага чикади. Бадий таржимада бу ижодий эркин муносабат ниҳоятда характерли бадий психологик ҳодисалардир.

Мисолларга мурожат қиласиз.

«Наташа... уже начинала приходить в нетерпение и, топнув ножкой, собиралась было заплакать оттого, что он не сейчас шел, когда, заслышались не тихие, не быстрые, приличные шаги молодого человека. Наташа быстро бросилась между кадок цветов и спряталась».

Абдулла Қаххор бу ажойиб ҳолатни кўйидагича талқин қиласиди:

“Борис тезда чиқа қолмагани учун йиглай деб турган эдики, ёш йигитнинг секин, салмоқли қадам товуши эшитилди”.

Кўриниб турибдики, таржимон аслиятни анчагина кискартиради. Наташанинг ёш, ўйноки, шўх қалбини тасвирлаш учун жуда муҳим бўлган “уже начинала приходить в нетерпение и, топнув ножкой” деган жумла бутунлай тушиб колади. Бу бадий ихчамлаш натижасида матн жуда лўндалашади ва яхши тушунарли бўлади, ортиқчадай кўринган тафсилот йўқолади. Лекин Наташанинг Бориснинг чикавермаганидан ўта тоқатсизланиши, чиройли оёкларини тапиллатиб, сабрсизликдан депсиниб

қўйиши – унинг шу ердаги ҳолати учун ғоятда харакатерли детал ва уни тушириб колдириш психологик далиллаш, тасвирнинг бойлигига анча путур етказади. Бу ўринда ижодий эркин муносабат ўзини оқламаган. Давом этайлик. Бориснинг келаётганилиги унинг қадам товушларидан маълум бўлади. Толстой жуда чиройли тасвирлайди бу товушларни: “не тихие, не быстрые, приличные шаги молодого человека”. Буни адибимиз “ёш йигитнинг секин, салмоқли қадам товуши эшилди”, деб ўта ихчамлаштириб таржима қилади. Лекин аслиятдаги қадам товушлари таърифининг жуда нозик маънолари бор. Улар янгигина офицер бўлган, ўзига ишонган, оқил ва магрур йигит Бориснинг харакатерли жиҳатларига ишора қилади. “Не тихие, не быстрые, приличные...” Толстой бу таърифларга ургу беряпти. Бориснинг инсоний характерига, ўзига ишонган йигит бўлиб етилаётганига эътиборни қаратяпти. Бунинг устига интизор бўлиб кутаётган шўх күшчадек Наташанинг сабрсиз кулоқларига йигитнинг қадамлари шундай эшитиляпти, унга шундай туюлаяпти. “Не тихие, не быстрые” таърифини адиб-таржимон факат бир сўз билан ифодаламоқчи бўлади: “секин” қадам товуши. Лекин бу “Не тихие, не быстрые”ни сира хам ифодалай олмайди. Бориснинг қадамлари секин хам эмас, тез хам эмас. Лекин салмоқли – яхши! Борис боя айтилгандай, эндиғина офицер бўлган аслзода ёш йигит. У меҳмонлар йигилган залдан чиқиб келаётир. У ўзини тутиб олган, эр етилган каби кўрсатаётир, яхши киликлар, харакатларни ўзлаштирган. Унинг қадам товушларида мана шу шаклланаётган феъл-автори учқунланади. Толстойда ҳеч қачон ортиқча сўзлар бўлмайди. Барча бадиий сўзлари текст ичida ва бутун роман қурилишида албатта маълум бир бадиий, маънавий, хиссий вазифаларни адо этади.

Таржимон аслиятнинг бадиий вазифаларига алоҳида қулоқ солиши, алоҳида эътибор қаратиши зуур. Акс ҳолда таржимада аслият бадииятига анча путур етиши мумкин.

Князь Ипполит Анна Павловна Шерернинг зиёфатида даврада бир латифа айтади. Ҳикоясини Москвага келиб, рус тилини янги ўрганиб, жамиятга кираётган французнинг тилидан баён килади:

“Она поехала. Внезапно сделалась сильный ветер. Девушка потеряла шляпа... и длинны волосы расчесались”.

Ҳикоя шу хориж кишисининг ширин, лекин нотўғри талаффузи билан кулгили.

Бу кулгили талаффузни таржимада кандай чикариш керак? Умуман уни таржима қилиб бўлармикан? Бундай ҳоллар таржима жараёнининг энг кийин, мураккаб ҳолатлари бўлиб хисобланади.

Абдулла Қаҳхор ажнабий кишининг талаффузига таклид килмайди. Кандай бўлмасин адекват таржима чикаришга уринмайди. У оддийгина қилиб ўзбек эртакларига хос ҳикоя услубини кўллади:

“- Хоним каретага тушиб жўнабди. Бирдан каттиқ шамол турибди. Қиз шляпасини тушириб қўйибди, кейин унинг сочи тўзибди...”

Ҳикоя килаётган Ипполит шу ерга келганда қаҳ-қаҳ уриб кулади. Кулгининг боиси бузиб талаффуз этилаётган сўзлар. Ўзбекчада бу парча аслиятга монанд табдил этилмагани учун ҳеч кандай кулги қўзғатмайди. Ўзбек ўқувчисига Ипполитнинг нима учундир қаҳ-қаҳ отиб кулаётгани бесабаб бир жиннилик бўлиб туюлади. Ҳолбуки, бу парчани: “ана энди қиз жўнаган. Бирдан шамол кутурган. Қизгина шляпасини учирган, узун соchlari шамолда сочилган” – деганга ўхшаш бир тарзда аслиятга якинроқ ва мувофиқроқ қилиб табдил этиш ўринли бўларди бадиий жиҳатдан. Лекин таржимон нима учундир – парчанинг оҳангини чикариб бўлмайди, деган ишончда бўлганми, тўғри ҳикоя усулини танлаган. Натижада номувофиқлик юзага чиқкан ва аслиятнинг бадииятига путур етган. Персонажлар нуткида адабий тил меъёрларидан чикиш ҳолатлари, бузилган лаҳжалар, нотўғри талаффузлар ва уларни таржимада қай тарзда акс эттириш устида анча-мунча бош қотирган таржима назариячиларидан бири Кудрат Мусаев куйидаги хуросага келади: “Тўла-тўқис адекватликни юзага келтириш учун санъаткор

шундай лисоний восита танлаши лозимки, натижада муаллиф атайлаб қўллаган варваризм вазифаси таржимада ўз аксини топсин. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, – деб давом этади муаллиф, - бу ерда сўзнинг маъноси жиддий аҳамият касб этмайди, унинг услубий вазифаси – аслият тилига нисбатан ўзгача, гайритабии жаранглаши биринчи ўринга чикади”. Қудрат Мусаев. Таржима назарияси асослари. Т., 2005, 154 б.\ Автор бундай холларда сўзларнинг гайритабии, ўзгача жаранглаши биринчи ўринга чикади, деб тўгри кузатган холда “бунда сўзни лексик маъноси жиддий аҳамият касб этмайди” – деб қарашига унчалик қўшилиб бўлмайди. Сўзларнинг кулгили талаффузи маъноларнинг ҳам кулгили тусга киришига олиб келади. Кулгили оҳанг кулгили маъно билан омухта бўлиб кетади. Агар талаффузнинг факат кулгили томонига эътибор берилиб, маънога иккинчи – учинчи даражали нарса деб қаралса, унда бундай холлар формалистик трюкдан бошка нарсага ўхшамайди. Қудрат Мусаев яна шуни таъкидлаб ўтадики, “муайян хорижий тил сўзларини таржимада талқин этиш масаласи ҳанузгача назарий ва на амалий жиҳатдан ҳал этилган” /ўша китоб, 144 б/.

Персонажлар нуткидаги “варваризм”ларни таржимада қандай акс эттириш устида жуда кўплаб таржима назариячилар шуғулланганлар, бир катор тавсиялар ишлаб чикишга ҳам мувваффак бўлинган. Таржима амалиёти эса кўплаб миллий тилларда жуда бой тажрибаларга эга. Варваризмларни ўгиришда таржимонлар ўз кобилиятлари ва тасаввурларига яраша турлича йўллар ва усуллардан фойдаланадилар. Таржима амалиётларида варваризмлар таржимасининг никоятда мувваффакиятли намуна мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Амалиёт бунда назарияяга караганда анча бой ва ранг-баранг натижаларни кўлга киритгандир. К.Мусаевнинг ўзи ҳам уларнинг катор-катор эътиборга лойик, ғоятда кизикарли мисолларини таҳлилдан ўтказган. Факат чамаси, бир нарсани эсдан чиқармаслик зарур кўринадики, бадиий асарларда персонажлар нуткида учраб турадиган варваризмларни таржима килмай қандай бўлса шундай колдириш таржимон учун, унинг профессионал савияси учун ярашмаган ҳол бўлганидек, уларни

тўғри одатий грамматик ва стилистик нормалар асосида ўгириш ҳам ўзини окламайди. Бунда ҳамма гап таржимоннин махоратига боғлик бўлиб, кийин масала унинг топқирлиги, закийлиги, сўзамоллиги орқасила назаримизда доим муваффакиятли ечим топади.

Таржимада бадиий талкинлар устида сўз борар экан, аслият образларини таржима тилида ҳакконий ва таъсирчан ифодалашда таржимоннинг топқирлиги ва бадиий кашфиётчилиги ҳал килувчи аҳамиятга эга.

Таржимоннинг топқирлиги ва кашфиётчилиги унинг ўзи таржима килишга бел боғлаган асар ичига тўла ва ҳар томонлама кириб бориши, муаллиф бадиий ва ҳаётий гояларини нозик идрок этиши, бу гоялар ичida улар худди ўз гоялари каби яшashi, улар рухониятидан баҳраманд бўлиб нафас олишига bogланган bўлади.

Асар ичига чукур кириб бориш билан таржимоннинг кашфиётчилиги кучга киради ва ҳакикий мўъжизалар яратса бошлайди.

Асар ичига таржимоннинг теран кириши, асар гоялари ичida нафас олиши таржиманинг муваффакиятли чикиши, китобхонлар томонидан муҳаббат билан кутиб олиниши ва замонлар ўтиши билан ҳам эскирмаслигининг гаровидир.

Бадиий кашфиётлар жуда оддий кўринган ҳолларда ҳам юзага чиқади ва ўзини мана мен деб кўрсатади. “Уруш ва тинчлик”да княгиня Ростова катта кизи Верага мурожаат қилиб сўйлаганда “обращаясь к старшей дочери, очевидно не любимой” – деган ёзувчи изохи ўтади. Буни унчалик суюкли бўлмаган кизига карата гапирганда, деб у кадар кийналмай ўгириб кетавериш мумкин. Лекин Абдулла Қаххор сўзларни ифодалаганда ҳеч қачон сийка, жўн йўлдан бормайди. Жумлани хаёлига келган биринчи сўз билан таржима қилмайди. Унинг хаёли доим ўйловлар ичida. Қандай килса, сийқалик, жўнлик ва буларнинг ҳосили бўлган бадииятсизликдан кочиш мумкин? Адид-таржимон юкоридаги жумлани “афтидан унча эрка бўлмаган катта кизига караб” – деб ифодалайди. Бу яхши. Жуда ҳам яхши! “Очевидно не

любимой”ни “унча эрка бўлмаган” – деб олиш ҳақиқий топкирлик ва ҳақиқий бадиият!

Таржима принципи ҳақида гап кетаркан, Абдулла Қаххор сўзма-сўз таржимага интилмайди. У доим аслият мазмуни ва маъносини ўз индивидуал тасаввuri ва ижодий талқини бўйича ёритишга ҳаракат килади.

Чунончи, “Уруш ва тинчлик”да ёзувчи княжна Болконскаянинг таърифини киларкан, бошқа инсоний хусусиятлар каторида “которая очень несчастлива с отцом” – деган фикр ўтади.

Абдулла Қаххор бу оддийгина жумлани:

“бу киз шўрлик отасини деб ёшлигини ўтказиб юборипти” – деб таржима килади. Кўриниб турибдики, таржима сўзма-сўз сира тўғри келмайди. Русча матн мазмуни бироз бошқача тарзда ва ҳатто маълум даражада жўнлаштирилган ҳолда талқин этилади. Юкоридаги жумла бир қарашда жуда осон ва тушунарли ва шунга кўра таржима учун ҳеч қандай кийинчилик туғдирмайдигандай. Лекин амалда уни қандай ўринлатиш вазифаси кўндаланг бўлганда, тушунарли туюлган жумла анча-мунча ўйлатиб кўяди. Унинг устида кўп бош котиришга, вариантлар кидиришга зарурат борлиги сезилади. Нега? Чунки жумла тўғридан тўғри “киз бечора отаси билан бирга баҳтсиз эди”, деб таржима қилинса, бу ўзбек ўкувчисига тушунарсиз бўлиб қолади. Уни аниклаб олиш учун бир қанча саволларга жавоб беришга тўғри келади. Шунинг учун ўзбек таржимони аслиятдан кузатилган маъно ўкувчига тўсиқсиз равshan етиб боришини кўзлайди.

Абдулла Қаххор аслият мазмунининг ўз ўкувчисига тушунарли ва равshan бўлишини истайди ва шу ижодий мақсад билан қалам тебратади. Шунинг учун ойдинлик ва равшанлик йўлида аслият мазмунини маълум даражада жўнлаштириш, соддалаштириш йўлидан боради. Толстой қиз отасининг гами, қайғусини еб ёшлигини ўтказиб юборипти деб айтиётгани йўқ. У фактат “несчастлива” деяпти. Қиз боланинг қандайдир турмуш сабаблари билан ёшлигини бой бериб қўйиши ҳамма оиласаларда ҳам баҳтсизлик хисобланади. Бундай ҳолларда “киз шўрликнинг баҳти

очилмаяпти” деб кўядилар. Ўзбек таржимони бу ўринда аслиятнинг маъносини конкретлашириди, жумланинг ичига ўз тушунтиришнин сингдириди.

Княжна Болконская таърифига дахлдор бошқа бир жумлани ҳам кўриб ўтайлик.

Алиятда:

“бедняжка несчастлива, как камни” – деган таъриф келади. Қизнинг баҳтсизлиги бу ерда тошга ўхшатиляпти. Тошга ўхшатиш орқали баҳтсизликнинг ўнглаш кийин бир баҳтсизлик эканлигига ишора этиляпти.

Абдулла Қаххор бу жумлани соғ ўзбекча қилиб қайта яратади.

“Қиз бечоранинг кўрган куни курсин” – бир караганда, бу таржима аслиятдан анча-мунча узоклашиб кетгандек кўринади. Шак-шубҳа йўкки, ўзбек таржимон адиби жумлани: “қизгина тошдек баҳтсиз эди” – деб қандай бўлса шундай талкин этиши кийин эмас. Лекин бу ўзбек тилида унчалар жарангламасди, бадиий эквивалент топилмаганлиги шундоккина кўзга ташланиб турган бўларди. Балки ўзбек ўқувчиси баҳтсизликнинг тошга ўхшатилишини қабул килолмасди, бу жуда жўн бир нарса бўлиб туюлиши мумкин эди. Ўзбек ўқувчининг образли тасаввурлари дунёсида меҳрсизлик, оқибатсизлик, андишасизлик, беражмлик кўпроқ тошга, яъни жуда муздек ва хиссиз, хеч жойида жилмайдиган, оғир ётадиган нарсага менгзалади. Бағри тошлиқ, сангиллик, кўнгилнинг тошдай қотиши сингари иборалар шундай тасаввурлар доирасида туғилган.

“Қиз боланинг кўрган куни курсин” – жумласи нихоятда ўзбекона, халқнинг жонли образли тилига беҳад якин. Бунда ҳам Толстой назарда тутган маънонинг ўзбекча шарпаси кўлкаланиб турибди. Шундай ҳолларни таҳлил қилганда, таржима бу янги бадиий, илмий ёки публицистик матн эканлигига яна бир карра катта ишонч ҳосил қилинади. Жумланинг оҳангига ва бадиияти ўзгариши орқали аслият билан таржима орасида бир нозик фарқ сезилади. Аслиятдаги сўзларни ўқиганда, аён бир ачиниш ҳис қилинмайди. Лекин ўзбекча таржимада ачиниш ҳиссияти аён билиниб туради.

“Кўрган куни курсин” – деган фразеологизмнинг матндан жой олиши қизнинг ачинарла ҳолатини кучайтириб ифодалайди.

Шуни ҳам айтиб ўтайликки, таржимада бундай ёрқин ижодий ёндошувларга ҳар ким ҳам қодир бўлавермайди ва ҳар ким бунга журъат килавермайди.

Таржима тилининг аслият тили билан доимо ижодий мусобакаларда бўлиши – муваффакиятли бадиий ифода учун жанг ва изланишлар бориши ва бунинг тинимсиз табиий жараён эканлиги ТАРЖИМА ДИАЛЕКТИКАСИ деган тушунчани ҳақли тарзда дунёга келтиради. Бу ҳам тор маънода ижод диалектикаси деган мазмундор тушунча билан teng дейишга ҳақли.

Таржима диалектикаси

Таржимада динамизм

У аслиятни бошқача кўриш, бошқача тасаввур килиш ва шулар заминида аслиятга максимал даражада яқинлашиш дегани бўлади. Яна ҳам тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсак, таржима диалектикаси бу – аслиятга ҳеч бир тарзда қул бўлиб қолмаслик гоясидир. Аслида таржимада аслиятдан асло қочиб бўлмайди. Таржимон ҳар қандай ҳолда ҳам аслиятга маҳкам боғланган, у муаллиф билан яқиндан ҳамкорлик килади. Бу ҳамкорлик одми, жўн такрор, кайтаришни эмас, балки том ва тугал ижодий муносабатни тақозо килади.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бўлиб ўтган таржимонларнинг халқаро конференциясига раислик килган француз адаби ва таржимони Пьер Франсуа Кайе “Аслиятнинг иродасига бўйсуниш зарурати – таржимон учун фожия”, деган сўзларни айтган эди. У бунда автор иродасини ифодалаш заруратини назарда тутган эди. Ўша конференцияда машҳур таржимон Вилгельм Левик унинг бу фавқулодда фикрига жавобан шундай деган эди:

“Муаллиф ихтиёри изидан бориш чинакам таржимон учун фожия эмас”. //“ИЛ” журнали, 1979, №4. Материалы симпозиума «Новые достижения в области теории перевода»/.

Пьер Франсуа Кайе ўз фикрини ривожлантириб, яна шу гапларни ҳам кўшимча қилиб ўтган эди:

“Таржимонда шундай ҳолат борки, мен уни фожиа деб атаган бўлардим. Бу мимикрия ҳолати. Таржимон матнга бўйсунмасдан туриб, таржиманинг юзага чиқиши мумкин эмас. Таржимон матнга тақсил этишга, унинг изидан боришга мажбур. Яхши таржима қилиш учун зарур хусусиятларга эга бўлиб туриб ҳам, яна бошқа кимсанинг териси ичига кириш ҳам керак бўлади, деб Францияда кўп тақрорлашади. Бу эса ҳар доим ҳам осон эмас”.

Ҳар бир таржимон бундай ҳолатларни бошидан кечирмай иложи йўқ. Немис адиби Хётенинг “Фауст” трагедиясининг ўзбек тилига қилинган таржимасига назар ташлаб ўтайлик. Шунда таржимон мимикрияси нима эканлиги, у муаллиф териси ичига қандай кириши ва жойлашиши нималигини балки аниқроқ тасаввур киласади.

Эркин Вохидов “Фауст”ни қандай таржима қилиш устида йўл ахтараркан, бу улуг асар таржимасига том маънода ижодий муносабатда бўлиш зарур деган қарорга келади.

Немис адиби матнига хижома-хижо, сўзма-сўз боғланиб ўтирамайди. Матнга каттиқ ёпишиб олмайди.

Парчалар, бандлар, байтлар, сатрларнинг умумий руҳини акс эттириш – асар мазмунини муаллиф максадига яраша гавдалантиришга интилади.

Таржимон гоҳ Ҳёте сатрларни сўзма-сўз қўйма таржима қиласади – гоҳ, шеър ўлчови, кофияси, вазни, шакли талабига кўра аслиятдан бир қадар узоклашгандай бўлади. Нимасини айтасиз, аксаран ҳақикатан ҳам, аслиятдан узоклашади. Лекин диккат билан қаралса, бу узоклашиш муаллиф матнида бутунлай чиқиб кетиш эмас. Ёки унга тамомила эркин ёндошиш ҳам эмас. Муаллифни инкор этишга уриниш ҳам эмас.

Эркин Вохидов нозик шоирона дид-фаросат билан қалам тебратади ва ўзбошимчаликка йўл қўймайди. У таъбир жойиз бўлса, эркинлик билан аниқлик, яъни энг юксак эквивалентлик ўртасида диалектик бирликни

танлайди. Узоклашиш орқали яқинлашиш, эркинликда аниқликка эришиш – мана унинг таржимадаги диалектик йўли.

Узоклашиш орқали яқинлашиш нима эканлигини мисоллар билан кўриб ўтайлик:

“Шижоатни кил одат,
Кимки бўлса окил, мард,
Шуники зафар”-

Қофиялар тўлиқ, жарангдор. Фикр афоризм каби ёмби ва ёркин. “Фауст”нинг Иккинчи кисми Хор кўшиғидан келтирилаётган бу парча улкан рус шоири ва таржимони Борис Пастернак қаламида шундай жаранглайди:

«Подражать другим не надо
и бояться неудач:
Побеждает все преграды
Кто понятлив и горяч».

Ҳар икки тилдаги таржимада ҳам матн зўрикмасдан, енгил парвоз хиссиёти билан ўқилади. Эркин Вохидов Пастернак таржимасига эргашмайди, унга қаттиқ ёпишиб ҳам олмайди. У “Фауст”нинг рус тилига килинган бошқа таржималари ва хусусан, насрый сўзма-сўз таржимасига ҳам мурожаат киласди. Аслият матн мазмуни ва маъно кирралари ичига иложи борича чуқурроқ киришни кўзлади. “Подражать другим не надо” – деган сатрни тўлиқ тушириб колдиради. “Бояться неудач” жумласини эса ундан анчагина узоклашиб, “ўйчилик зарар” – деб талқин қиласди. Мана шу ерда биз узоклашиш ва яқинлашиш деган принципнинг амалий ифодасини кўрамиз. “Хато килиб кўйишдан кўркиш”, “омадсизликдан кўркиш”, “муваффакиятсизликка учрашдан кўркиш” деганга ўхшаш бу ерда назарда тутилаётган поэтик маънолар “ўйчилик зарар” деган иборада мавжудми? Албатта, қай бир тарздадир сатрнинг маъноси шунга яқинлашиб боради. Лекин айни ўша маънонинг туп-тус ўзи эмас. Бу ўзбек таржимон-шоирининг оригинал сатри. Таржима матнига таржимон оригиналнинг кириб келиши.

Шеърий таржима умуман таржимачиликда гоятда ўзига хос ижодий бадиий ходиса сифатида бунга йўл, изн беради.

Бунда якинлашиш – узоклашиш – таржима диалектикасининг қанчалар амалий ифодаланиши мумкинлиги равшан кўзга ташланади.

Бошка бир мисол:

“Осмон тўла юлдузлар –

Саф – саф юлдузлар

Кўк узра хам кўл узра

Жимгина юзар.

Кенг оламга таратиб тенги йўқ чирой

Хам улуғвор, хам латиф

Сузаётир ой”.

Пастернак:

«Ночь пришла и разместила

Бережно звезду к звезде,

Ярко искрятся светила

В темном небе и воде.

На поверхности озерной

В черной горной вышине

И печатью миротворной

Блещет месяц на волне...»

Кўриниб турибдики, Эркин Вохидов Пастернак таржимасини хам назардан кочирмайди. Пастернак таржимасидан поэтик улги – ўрнак олади. “Хор кўшиги”дан келтирилган ҳар икки парчани чогиштириб кўрсак, ўзбекча таржима Пастернак матнидан хийлагина фарқланишини кузатамиз.

Эркин Вохидов бу парчада Ҳетени анча соддалаштиргандек туюлади. Худди Ҳетенинг образлари, шеърий тафсилотлари ўзбекча шеърга сигмагандай, тушиб колади. Русча матнда “В таком небе...” – деб бошланадиган матн ўзбек тилида соддагина килиб, “кенг оламга таратиб чирой, хам улуғвор, хам латиф сузаётир ой” деган тарзда ифодасини топади.

Шеърий таржималарда бундай йўқотишлар табиийми? Таржима назарияси нормаларига сифадими, тўгри келадими? Назария, албатта шеърий таржималарнинг жуда мураккаб бир санъат эканлигини тан олади. Бу ерда аниқлик, адекватлик меёrlари гоятда нисбий бўлиб туюлади. Таржимадан мутлақлик ва мутлак табиийлик ва аниқликни талаб килиб бўлмайди. Таржимадан балки мутлак бадиийлик ва мувофиқликни талаб килиш гоятда ўринли бўларди. Машхур таржимон шоир Самуил Маршак шуни назарда тутибми, шеърий таржима тасаввурга сигмайдиган нарса, хар бир муваффақиятли таржима қоидадан истисно, - деб айтган эди.

Лекин бундан шеърий таржималар аслиятдан мутлақо узоқлашар эканда, деган хулоса чиқмайди. Таржима диалектикасига кўра бундай узоқлашувлар қаторида фавқулодда, ҳайратомуз яқинлашувлар – аслиятнинг “худди ўзи” бўлиб кетувчи кашфиётлар ҳам кўп.

“Фауст” нинг иккинчи қисми аввалида Фауст ўз – ўзи билан сўзлашиб, тун чоги ер гўзаллигига маҳлиё бўлиб, фалсафий ўй-хаёлларга ботаркан, шу сўзларни айтади :

Пастернакда :

“Ты пробудил вновь во мне желанье
Тянуться вдаль мечтою неустанной”

Эркин Воҳидовда:

“Сен яна кўксимда уйғотдинг истак ,
Орзулар кўкида килурмен парвоз...”

Ҳар икки парчада ҳам “уйғониш”, “истак”, “орзу”, “парвоз” – таянч поэтик сўзлар, тушунчалар. Улар ҳар икки парчада гўзал шеърий маъно ташийди. Ҳатто Эркин Воҳидов таржимасида “орзулар кўкида парвоз килиш” шоирона ифода тарзида кучайган. Пастернак “тянуться вдаль мечтою... .” деб гўзал бир манзара чизишга уринади. Европа шеъриятининг анъанавий образлаш усулларига риоя этади. Эркин Воҳидов ўзбек шеърияти анъаналарига суюнади. Ўзбекча фикр килади. Анъанавий ўзбек шоирона

фикрлашида эса қайда “орзу” бўлса, демак, ўша ерда “парвоз” ҳам бор.

Худди шу ўринда

Пастернакда:

“ Вот солнце показалось, Я не смею
Поднять глаза из страха ослепления
Так обстоит с желаниями. Недели
Мы день за днём горим от нетерпенья”

Эркин Вохидов :

“Ҳайҳот, ана күёш, Ҳисрави гардун
Бокурга ва лекин йўқ кўзда чидам
Худди шундай бўлур сўнгсиз иштиёқ
Орзу кўнглимиизда ўт ёкканда ҳам
Ойлар ўртанамиз етишгач бирок,
Истак қошида биз лолу паришон...”

Пастернак Фауст монологини жуда чукур индивидуаллаштиради.

Эркин Вохидов шахсийлаштириш ўрнига монолог учун мажҳулрок бир шакл – ифода усули танлайди.

Пастернакда: "Я не смею поднять глаза ..."

Эркин Вохидовда: "Йўқ, кўзда чидам!"

Эркин Вохидов парча матнига ўзидан бир янгилик, янги образ киритади: "Ҳисрави гардун". Чамаси "ҳисрави гардун" асл нусханинг ўзида ҳам бўлмаса керак. Лекин шу эскичароқ, архаикроқ ибора Фауст тилига, олимона фикрлаш тарзига яхши уйғун тушади.

Фаустни қандайдир тарзда Шарқка, Шарқ фикрлаш йўсинларига яқинлаштиради. Умуман олганда эса, Эркин Вохидовнинг "Фауст" таржимасида асарни, унинг образларини, асар услубини Шарқ фикрлаш тарзига яқинлаштириш онгли танланган ижодий йўл таассуротини колдиради.

Эркин Вохидов ўз танланган поэтик услубида соддалаштириш ва умумийрок тушунчалар билан фикр ифодалаш, тасвир чизиш йўлини

кўллайди. Бу йўл таржиманинг умумий бадий услубида ҳукмон. Айрим мисолларни кўриб ўтайлик.

Император саройи манзарасида гап аввалида император барча сарой аъёнлари йигилганлигидан, /дарвоке, шу саҳнанинг ремаркасида "башанг кийинган турли-туман сарой аъёнлари кириб келдилар" деган муаллиф тушунтириши ўзбекча матнда акс этмаган / ва факат сарой масхарабози кўринмаётганидан афсусланади. Шунда зодагон ўғли императорга шундай жавоб беради.

Пастернакда:

"Дворянский сын Он нес ваш шлейф, и вдруг бедняжка
На лестнице упал врастяжку
Гляжу вынесли. Пузан
Кондрашкой схвачен или пьян..."

Эркин Вохидовда:

Этагингни тутиб келар эди у,
Қокилиб йикилди, ахволи мушкул
Кўтариб кетишди. Бизга номаълум
У хамон мастми ё бўлдими мархум?

Ўзбек тилидаги матнда Пастернак матнидаги "зина", "пузан" /бакалок/, "кондрашка" сингари шеърга ранг, тафсилот ва конкретлик, манзаравийлик багишловчи, колаверса, холатнинг кулгили эканлигини кучайтирувчи деталлар акс этмайди. Ҳолбуки, зина - масхарабоз йикилган жой, "пузан" - бакалок, масхарабознинг характерли киёфаси чизгиси, кондрашка - дирвайиб коқшол каби йикilmok - сингари тафсилотлар кулгили холатни гавдалантиришга хизмат килади. Эркин Вохидов хам кулгили холатни чикаришга интилади. Лекин униг парчаси конкретликдан, муҳим тасвирийлик деталларидан маҳрум. Деталлари шилиб ташлангач, парча умумий сўзлардангина иборат бўлиб колади. "У мастми ё бўлдими мархум?". Мисрасининг кулги уйготиши мумкинлигига умид bogланади.

Ёки яна бир характерли парча:

Пастернакда:

"Мефистофел
По сути, правда, и у нас стыда нет
Но древность лишней жизненностью ранит"...

Эркин Вохидовда:

"Мефистофел
Аслида бизда ҳам уят йўқ, аммо
Ўта бехаёдур қадимги дунё"...

Мефистофел қадимгилар ўз ортиқча хаётийликлари билан қўнглимини яралайди демокчи бўлади. Бу албатта, оддий инсоннинг эмас, шайтонларча маккорона фикрловчи Мефистофелга хос фикр. Лекин Эркин Вохидов талкинида нозик фикр равиши йўқолган. Маъно ҳам ўзгариб кетган:

Қадимги дунё нега бехаёга чиқиб қолди. Аслият бундай демокчи эмас асло.

Ёки Пастернакда:

"Премудрым стариканам-гривачам"

Эркин Вохидовда:

"Хонимлар-у кекса донишманд гурух"...

Мефистофел бу ерда "Мен ушбу одамлар тўдасига гўзал хонимлар-у сочлари узун ёлдор кекса донишмандларга ўз хурматимни билдираман", демокчи бўлди. Ўша пайтнинг атьёнлари узун ёлдор соч қўйганлар ёки парик кийганлар. Ўзбек шоирининг матнига "Гривач" детали сифмайди. Эркин Вохидов бу ўринда "гурух" сўзини ишлатади. Чунки кейин келаётган сатрларда бу сўзга катта эҳтиёж мавжуд. Мефистофелнинг сўзича Гриф қадимги Бобилда ашур тилида "кириби" сўзи ярим бургут, ярим арслон сифат маҳлуқни англатган. Гриф олтин конларининг қўрикчиси хисобланган. Пастернакда: Гриф шундай жавоб айтади.

Не гривачам, а грифам!
Очень странно
Нам удружил, зачислив в старикана!
Звучаньем корней живут слова.

В них слышны грамматические свойства
“Грусть», “грижа”, “гроб”
приводят нас в расстройство
Мы не желаем этого родства”.

Эркин Вохидовда

акли дониш ўзак товушга бокур.
Бизнинг номимизга бўлибди уйкаш:
Гиряю, гириху гирдлиг, гирифтор.
Бу сўзларниг бари грифга ўхаш
Бўлмок истамаймиз биз уларга тор”...

Ўзбек шоири аслиятнинг жуда кийин вазиятидан топкирлик билан чиқишига интилиб, гарчи узок, маъноли бўлса-да, лекин шаклан ва товуш тузилишларига кўра “гриф” га ўхаш, “уйқаш” сўзини топади:

Яъни:

Грусть-гири
Грыжа- гирих
Гроб -гирдлиг

ва буларни янада кучайтириш максадида “гирифтор” сўзини кўллади. Шу билан “гриф” га ажиб бир оҳангдош сўз матнга кириб келади.

Бундай ҳолларда аслиятга адекватлик, эквивалентлик устида эмас, аслиятга мувофиқлик, унинг прагматик талқинлари тўғрисидаги фикр юритилса албатта, ўринли бўлади. Пастернак ҳам, Эркин Вохидов ҳам аслиятнинг таржима қилиш гайри имкон бўлган вазиятидан катта шоирона маҳорат билан чикканлари гоятда мароқлидир. Адабиётшунос, таржимашунос шоир Пошали Усмон “Фауст” таржималарида хос сўзларни акс эттириш масаласига бир оз тўхталиб бир катор қимматли мулоҳазаларни билдиради. У машхур таржимон Иван Кашкиннинг: “Таржиманинг буюк истеъдод соҳиблари учун ҳам мажбурий бўлган бешафқат қонунлари бор” деган сўзларини кслтиаркан, уни ўз таҳлилларида изохлашга интилади. “Фауст” комусий асардир, - деб ёзади у, - унда Фауст ҳакидаги ҳалк китобида келтирилган

кўпгина хос сўзлар ўрин олганки, уларни таржимада акс эттирмаслик Гетедек буюк бир сиймонинг даҳосига соя ташлашдек нуксонга йўл кўйишдир, деб ўйлаймиз "./"Таржима санъати". Тўплам, Т. 1980, 243 б./

Тадқиқотчи хос сўзларга конкрет тўхталиб, немисча "остефест" /пасха байрами/ Пастернак матнida "Христова пасха" деб тўгри ўтирилгани, ўзбек шоири эса буни "Кутлуғ айём соати" леб талқин этганлигини кўрсатали. Бу таъриф Исо алайхиссалом шарафига ўтказиладиган муайян пасха байрамини англатмаслигини билдиради.

Шунингдек, аслиятдаги "Новый завет" -"Янги аҳд" ни Эркин Вохидов "ҳадис" деб талқин этгани, бу эса "Янги аҳд" га мукобил бўлолмаслигини тўгри таъкидлайди. У яна аслиятда "муқаддас Андрей туни" диний тушунчасининг ўзбек ва рус тиллардаги матнда ўз ифодасини топмагани матнни тушунишда қийинчилик тугдирганлигини ёзади.

Мефистофель кейинги сўзида тил, луғат ичига чуқур кириб нима киласиз? "Грифон" сўзига "грабеж" сўзи жуда мос тушади, деб грифларнинг талончилиги, йиртқичлигига ишора қилади.

Эркин Вохидов "гриф" сўзи билан эгиз "гирибон" деб талқин этади. Шу тарика грифонларнинг гирибон – бўғиздан олишларига имо-ишора этади. Шеъриятда, бадиий тафаккур дунёсида, сўз оламида албатта бу каби топқирликлар жуда кимматлидир. У матнга ўта ёрқинлик, порлоклик баҳш этади.

Бир ўринда доктор Фауст от одам Хиронга мурожаат этиб айтади:

"Остановись!"

Шу биргина ундов ўзбек матнida қандай ифода топганлигини кўрайлик:

"Фауст

Эй, шаҳсувор,

тўхта энди бир нафас!"

Киёсий тахлил қиласига одамни асл матнда йўқ "шахсувор" сўзининг аллақаёқдан кўшилиб қолгани ҳайрон қилади. Аввал бошда таржимоннинг максадини англамай туради. Матнни янада шарқ кишиисига якинлаштиради.

Лекин бу от-одам Хиронга қарата айтилаётган сўз ва у ўзини нихоятда оклади, ўз жойига тушгандек тассурот колдиради. Бу ўринда “шахсувор” шаркона архаик сўз сифатида матнни янада шарқ кишисига яқинлаштиради “Фауст” нинг ўзбек тилидаги матнида ҳар қадамда гўзал образлилик, топилмалар, сўз кашфиётларига дуч келамиз.

“Ўша маҳал Паллада

Ментор бўлган паллада – ”

сингари сўз ўйинлари шалоладай ёгилади. Аслият матни таржимон талантининг портлашига, очилишга жуда катта илҳом бергандек туюлади.

Пастернакда:

“Хирон

Но я теперь свое уменье

Оставил бабкам и попам”...

Эркин Вохидов:

“Хирон

Бир вакт барча дард учун

Топган эдим дармонлар.

Менинг ўрнимни букун

Олди азайимхонлар”...

Шоир “бабкам и попам” ни бир қилиб ўзбек этнографияси учун характерли бўлган “азайимхонлар” тушунчасини ишлатади. Шу ўринга бу тушунча шунчалар мос тушганки, уни чин шеърий кашфиёт деб баҳоламаслиқдан ўзга чора йўқ.

Фаустнинг Хиронга айтган сўзи:

“Сен ўз даврингда аммо

Яшадинг улайҳ бўлиб...”

Ҳеч учратилмаган ёки камдан-кам қўлланган сўз «улайҳ». Русча матнда у “полубог” - ярим худо деб берилган. “Улайҳ” асли араб тилидан кириб келаётган тушунча. “Илоҳ” - худо, Улайҳ – ярим Худо.

Шоирнинг кашфиётчилиги билан ўзбек тилимизга шу пайтгача аниқ бир таржимаси бўлмаган тушунчанинг сўзи кириб келди.

Таржимон ихтиёр-беихтиёр ўз она тилига ўгираётганда, албатта, ўзини чеклашга мажбур бўлади. Оригиналдаги барча сўзлар ва ифода шаклларини тўлалигича ўз она тили стихиясига сифдиролмайди. Хоҳлайдими-йўқми, таржима матни қисқаради, тораяди, баъзан эса заифлашади. Таржимон шу хоҳ-бехоҳ юз берган чекланишлар, йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш учун ўзидан меъёрни саклаган ҳолда нималардир кўшади, матн образлари ёки гоялари, ёки фикрлар дунёсини кучайтиради. Тилнинг ва сўзларнинг янги илгари кўрилмаган кирралини очади. Таржимага ўз талантининг янги кирраларини намоён килиш имконияти деб карайди.

Прагматик аспект ва потенциал

Хозирги таржима назарияси бўйича ёзилган кўп китобларда прагматик аспект, прагматик потенциал деган тушунчалар анча кенг қўлланади, уларга таржима асарлар таҳлилида мурожаат этилади. Етарлича аҳамият берилади. Булар аслиятнинг қандай таъсир кўрсатгани билан боғлик тушунчалар. Аслиятнинг прагматик потенциали билан боғлик ҳолда ўқувчининг хиссиётлари уйгонади, жунбушга келади, ўзига хос ижодий-илмий ҳаракатга ундаиди. Навоий ҳам “Наср ул-лаолий” ҳикматларидан чукур таъсирланиб, улар заминида ўзининг ахлоқий-маънавий қарашларини ёрқин ва гўзал бир тарзда илгари суради. Бадиий талкинда теран оригиналликка эришади.

Таржимон аввало яхши, олижаноб ниятли шахс. У узокни яқин килади. Таржимон инсонпарвар, ватанпарвар, илмпарвар шахс сифатида ўз халқи маданиятини ташкарига, ташкаридаги маданиятни эса ўз халқининг муҳити, кизикишлари дунёсига олиб киради. Бу жараёнда таржимоннинг холислиги, ҳалоллиги, ўз бурчи, масъулияти, вазифасини теран англаши, билиши, буларга оғишмай риоя этиши катта аҳамиятга эга.

Мана шуларнинг ҳаммаси баробарида таржимон ижодкор шахс. Таржимон – ижодкор.

Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

У огзаки нутқ ёки жонли сўзлашув таржимасида ҳам, бадиий адабиёт бадиий-техник, фалсафий-социологик, маълумотномалар, лугатлар, ахборотлар, реклама матнларини таржима қилганда ҳам, ўзини ижодкор каби кўрсатади. Нима учун ижодкор?

Биринчидан, янги матн яратади. Бу таржима матни энди унинг номига боғланган. Яъни таржима-унинг муаллифлик иши. Авторнинг ҳамкори сифатида иш кўриб, у бошқа бир тил дунёси, стихиясидаги матнни дунёга келтиради.

Иккинчидан, у сўзларни бадиий истифода этади. Сўзларнинг турфа маънолари орасидан муайян бир ҳолат учун энг зарури, энг кераклисини топади, танлайди, ифодага олиб киради.

Учинчидан, у баён санъати ва маҳоратини қўллади. Кўп варианлардан энг макбул, энг оптималини топади. Эквивалентлар ичидан эквивалентлар қидиради - энг муваффакиятли мукобилини ўқувчига тақдим этади.

Демак, таржимон фаолияти маҳорат ва санъат билан туташади. Шунинг учун таржима назарияси, таржимашунослик аввало таржимон маҳорати, унинг сўз танлаш, жумла куриш санъати кирралари, услубларини аниклайди, текширади, тадқик этади.

Ижодкорлик мавжуд ерда санъат ва маҳорат бўлмаслиги мумкин эмас.

Ҳар бир ихтисосда бўлгани каби таржимачиликда ҳам кунт, сабот, матонат, ирода бажариладиган ишнинг муваффакиятини таъминлайди.

Албатта, ҳар қандай назария нисбий. Унинг нисбийлиги менсимай карашга олиб келмаслиги керак. Назария амалиётга қувват, онгли ишончли йўналиш бағишлади. Ҳар қандай муваффакиятга факат изчил амалиёт элтади. Назария эса ихтисос сирларининг калити. Назарияни билмай ишлагандан уни билиб, чукур эгаллаб фаолият юритган юз чандон аъло. Йўлсизлик, чигаллик, мушкулликларда назария йўлга олиб чикишга, чигалликларни ечишга ёрдам беради, йўл очади.

Ҳа. Бизнинг мутахассислигимизнинг оти таржимон. Ихтисоси - таржимачилик. Шу билан баробар у ёзувчи билан бирга ёзувчи, шоир билан бирга шоир, олим билан бирга олим, журналист, сиёсатчи билан бирга журналист, сиёсатчидир. Шундай даражадагина у оптимал мазмундор матн яратади, магиздор, маънодор жумла тузади.

Таржимон худди ёзувчи каби катта хаёт тажрибаларига эга бўлгандағина унинг сўзи ёзувчи сўзилик тиник ширави, аниқ-равшан чикади.

Таржимон худди ёзувчи каби нарса-ҳодисалар, инсон руҳонияти тўгрисида кенг тасаввурлар ва фантазия қобилиятига эга бўлгандағина, қобилият теран билимлар билан кувватлангандағина унинг ижоди ишончли, тушунарли, юксак бадиий ифодавийлик ва таъсирчанлик касб этади.

Хаёт ҳақидаги билимларнинг чалалиги ва жўнлиги, аслият асари ва уни яратган адабнинг таржимаи ҳоли, ижодиёти, бадиий услуби, ижодий-хаётний қарашларини тугал ўрганмаслик ва билмаслик аслият асари атрофидаги фикр-мулоҳазалар, баҳолардан бехабарлик шубҳасизки. таржиманинг умумий бадиий сифат даражасига катта салбий таъсир кўрсатади.

Таржимага киришмасдан бурун таржима килинадиган асарни ҳар томонлама ўрганиш, унинг лугати ва бадиий хусусиятлари устида олдиндан катта иш олиб бориш, асарнинг ички тузилиши, образлари, қаҳрамонлар харакат қилаётган ижтимоий-тарихий мухит, бадиий тасвир воситалари, услуби ҳақида ўзига хос материал, маълумотномалар яратиш - таржиманинг муваффакиятли чиқишига кучли ижодий, хаётний замин яратади.

Ёзувчи янги роман, ҳикоя ёки драма ёзиш учун қандай изчиллик билан материал йигса, материал кетидан қувса, ўз ижодий ниятига кўра асар тўқимаси ичига киритиш учун мўлжалланган воеа-ҳодисалар, инсон тақдирлари, хаётний деталлар ва тафсилотларни танласа ва ўрганса, таржимон-ёзувчи хам гарчи ҳажман, миқёсан бошқачароқ тарзда,

йўналишида бўлса-да, шундай материал йигади, ўрганади, асар ва муаллиф ҳакида ўз маълумот дафтарини яратади.

Бадий қайта яратиш мўъжизаси шуни талаб ва тақозо этади.

Нима ҳам дердик: буюк ўрганишсиз - буюк асар йўқ.

Буюк ўрганишсиз - буюк қайта яратиш, яъни буюк таржима ҳам йўқ.

Буюк ўрганиш хоҳиши, лаёкати, интилиши, принциплари мавжуд бўлгандагина, қайта бадий яратишда улкан самараларга эришиш йўли очилади.

Буюк ўрганиш - доим буюк ёзишга ҳамроҳ ва ҳеч қачон бири иккинчисини истисно килмайди. Ҳеч қачон бири иккинчисисиз мавжуд бўлолмайди.

Аслият асари ичига чукур кириб бориш таржима муваффақиятининг гарови бўлолади.

Машхур рус таржимони Николай Любимов "ёзувчи-таржимон" деган тушунчани кўллади. Таржимачиликни ижодкорлик ва ижодкорликтаги санъаткорлик билан узилмас алоқада кўради. "Ёзувчи-таржимон" ёки тўғрироги, "таржимон-ёзувчи" деган ном бу касб соҳибига жуда катта масъулият юклайди. У асарни бошқа тилда қайта бунёд этаркан, ўз устига мисоли адид масъулиятини олади ва асарнинг бадий даражаси, сифати учун бошка тил ўқувчиси олдида жавоб беради.

Таржимага тайёргарлик бу - катта жараён, ижодий жараён.

Абдулла Қаххор Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпопеяси таржимасига киришишдан илгари Россияда бўлиб, асар воқеалари кечган жойлар, қаҳрамонларнинг насллари билан танишган, ўрганган, Толстойни илҳомлантирган ҳаётга чуқур назар ташлаган, бу илҳомнинг манбаларини ўз таржимон-адид кўксидан ўтказган эди. У ўз олдига Лев Толстой "Уруш ва тинчлик"ни XX аср ўзбек тилида кандай ёзарди, деган саволни қўйган. Шунинг учун Толстой тасвирлаган рус хаёти, рус кишилари ички ва ташки дунёсининг барча нозикликлари, нафосати ва гўзалликларини ўзбек тили

воситалари, бойликлари орқали бадиий теран қайта гавдалантириб беролган эди.

Ф.М. Достоевскийнинг романларини таржима килишга журъат этганда, мен бу олдиндан ўрганиш, асар ва унинг тасвир дунёси ҳакида ҳар томонлама тасаввур ҳамда тушунчага эга бўлиш тажрибаси накадар муҳим, накадар ижодий аҳамиятга эга эканлигини ҳар кадамда ўз бошимдан кечирганман. Расколъниковлар, княз Мишкинларни яхши билиш ва яхши тасвирилаш учун Россияни, Петербург ва Москвани билиш сув-ҳаводай зарурлигини каттиқ хис килганман.

Габриел Гарсия Маркеснинг "Бузрукнинг кузи" модернистик романини ўзбек тилига ўгирганда, дам-бадам Колумбияда, Лотин Америкаси мамлакатларида бўлмаганимдан, Маркес қаҳрамонлари нафас олган, тарбияланган, тинимсиз курашларда бўлган ҳаводан нафас олмаганимдан афсус-надомат чекканман. Асарнинг ранг-баранг тафсилотлари, поэтик кирралари, бадиий мураккабликларини тасаввуримда гавдалантиришга қийналганман. Бунинг ўрнини тўлдириш учун асарни қайта- қайта ўкиганман. Бошқа Лотин Америкаси адиллари асалари билан танишганман, уларнинг хаёлий, фусункор реализми сирларини имкон қадар юрагимга сингдиришга уринганман. Туганмас эҳтиёж соясида таржимага журъат этганман.

Ҳафсала қилингандагина таржима санъат асаридай жонли чиқади.

Таржимада савқи табиийлик таланти ҳам бениҳая катта аҳамиятга эга. Лекин таржимон факат ўз савқи табиий таланти кучигагина ишонса, панд ейди.

Савқи табиийлик таланти кутилмаган мўъжизалар яратади. Бу шубҳасиз. Баъзан эса қаттиқ панд бериши ҳам ҳеч гап эмас.

Баъзан таржимонлар савқи табиийлик таланти ҳамма нарсани енгигб ўтишга қодир деб каттиқ ишондилар. Асарни олдиндан ўрганиш, материал тайёрлаш, изоҳ дафтарлар яратишга эътибор бермайдилар. Вақтни бой бермасдан шитоб билан таржимага киришадилар. Савқи табиийлик қудрати

билан таржима чўққиларини бир зумда забт этиш орқали хатарли жарликлардан бир сакраб кўзни юмиб ўтиб кетишга харакат қиласидар Ҳобуки, савқи табиийлик талантига ҳаммавакт ва барча умидларни боғлаб бўлмайди. Зеро, таржима илм билан ҳам чамбарчас боғланган,. Илм-ўрганишсиз таржима йўқ. Бўлса ҳам доим чала ва кам-кўстлар билан тўлиб-тошиб ётади.

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон Н.В. Гоголнинг "Иван Иванович ва ҳам Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтган низолар ҳикояти"ни жонли ўйноқ тилимиз билан таржима қиласидар. Лекин мени "Иван Иванович ва ҳам Иван Никифорович..." дейилгандаги икки боғловчининг кетма-кет кўллангани англаб бўлмас бир ходиса бўлиб ажаблантиради. Айниқса, катта таржимон-ёзувчи Чўлпон тилида. Бу ўзига хос талкинми, кучайтириши "аммо-лекин" деб урф бўлиб кетгандай/? Ёки савқи табиийликнинг ўйини? Чўлпон боғловчилардан истаган бири билан чекланиш мумкинлигини яхши биларди ва ҳис киласиди-ку?

Ёки шу асарнинг аслиятида:

"Господи боже мой, Николай Чудотворец, угодник божий!
Отчего у меня нет такой бекеши?"

Таржимада:

"Субҳанолло!" Ё азизлар, ё авлиёлар, ё анбиё, ё атқиёлар!
Нега, нега ахир менинг бисотимда бу давлат йўқдир?"

Таржимон аник-равшан "бекеша" /белі бурма палто/ сўзини "давлат" сўзи билан талкин этади. Конкретликни умумийликни англатувчи сўз билан алмаштиради. "Николай Чудотворец, угодник божий" жумласини илҳоми келиб бир қанча сўзлар воситасида ифодалайди "Ё азизлар, ё авлиёлар, ё анбиё, ё атқиёлар"/. Сўзларни иктисад қиласидар. Ўзбек тилидаги ўз матнини тузади. Назаридаги матннинг "Николай Чудотворец, божий угодник" сигмайдигандек матн ритмини бузадигандек туюлади. Чўлпон таржиманинг ўз ўкувчисига таъсирини кучайтиришга алоҳида ва муттасил эътибор беради. Айтайлик, аслиятида "сам останется в одной

рубашке" - дейилган бўлса, у: "ёлгиз кўйлак ва лозим билан қолиб..." - деб олади. "Лозим" бу ерда тасаввур ва таъсири кучайтириш учун таржимон томонидан кўшилган. Ёки таржимон аслиятдаги "как сон после купанья" жумласини, фавқулодда таржима килади:

"Бамисоли хоби баъдаз гусл".

Чўлпон бунда нега бунчалар архаиклашаётганини англаш қийин. Лекин бу жумла унинг эскичароқ, мадраса таълимини кўрган, муллаларнинг масжидлардаги амр-маъруфларини тинглаган ўқувчилари учун яхши таниш. Чўлпон умуман ўз таржималарини услубий жиҳатдан анча-мунча эскичароқ килиб беришга мойиллик кўрсатади. Унинг тилида лугатларда хатто ҳозиргача ҳам кайд этилмаган сўзлар тез-тез учрайди: "миширмок", "миролой" /полковник/, "бурушта", "муқаддас салоса" /святая троица/, "баҳрияли" /матрос...

Мирзиёд Мирзоидов XX аср етмишинчи йилларининг анча устакор ва сермаҳсул таржимонларидан. У ўз таржималарида жонли, ёркин идиомаларни баракали қўлларди. Идиомаларни ўзи таржима қилаётган муаллифлардан кўра ҳам кўпроқ ишлатарди. У Илья Илф, Евгений Петровнинг "Олтин бузок" романини анча маҳорат билан ўғирган.

Аслиятда:

"И, наконец, отвечали совсем уже без одушевления".

Таржимада:

"Нихоят, ўлганнинг кунидан жавоб бера бошладик".

"Без одушевления" ни "ўлганнинг кунидан" деб кутилмаган муболагали ибора билан ифодалаш жуда чиройли чиккан.

Аслиятда:

"Что за смешки в реконструктивный период? Вы что, с ума сошли?

Таржимада:

"Юксалиш даврида кулгига бало борми? Нима, эсларингни едингларми?"

"Что за смешки"ни - "кулгига бало борми" тарзида ўгириш жуда ифодали.

Гап пиёдалар ҳаёти ва мавқеи ҳақида кетганды, аслиятда шундай таъриф келади:

"Для них ввели некое транспортное гетто".

Таржимада:

"Уларни балонинг оғзига рўпара қилдилар".

Илгари пайтларда Россия заминларида жуҳудлар яшайдиган чекланган тор, танг макон-маҳаллани "гетто" дейишарди. Таржимон "гетто"ни ўзидай олишдан кочади, ўзбек матнини оғирлаштиради деб хисоблайди. Уни "балонинг оғзи" ибораси билан талқин этади. Жумла ёрқин чиккан.

Аслията:

"Вынуждены кривляться самым пошлым образом, чтобы только напомнить о своем существовании".

Таржимада:

"Тупрокдан ташқари юрибмиз деб, ўзларининг ҳаёт эканликларини эслатиш учун минг макомга йўргалайдилар".

"Пошлым образом" - тупрокдан ташқари юрмок.

"Кривляться" - минг макомга йўргаламоқ –

Бу энг яхши маънодаги ижодий ёндошув. Таржима матни шундай ижодий ёндошувларда яшнайди.

Бендер Балагановга шундай дейди:

"В какой холодной стране мы живем! У нас все скрыто, все в подполье", дейди.

Таржима:

"Қандай диқкинафас мамлакатда яшаймиз-а! Бизда хамма нарса пинҳона, кўмма".

"Подполье"ни - "кўмма" деб олиш чинакам устакорлик ва таржимада аслият имкониятларини көнг ва чукур очишига мисол бўлолади. Шундай холлар устунлик килса-да, аслият тўла ва ҳар томонлама хафсала билан

ўрганилмаганлиги ҳам унинг сифатига ва жумлаларнинг маъносига аксинча таъсир кўрсатиб туради.

Таржимада:

"Скорий ва курьер поездлари: Арбатов станциясида тўхтамай, йўл-йўлакай жезларни қабул қилиб олиб, шошилинч почтани улоқтириб кстарди".

Аслиятда:

"Скорые и курьерские поезда проходили станцию Арбатов без остановки, с ходу принимая жезлы и сбрасывая спешную почту".

Таржимада "йўл-йўлакай жезларни қабул қилиб" деган жумла тушунарсиз бўлиб қолган. "Жезлы"нинг маъниси қидириб ўтирилмаган ва у осонгина "жезларга" айланиб қолган. "Жезл" - бир изли темир йўлларда поездлар ҳаракатини тартибга солиш учун қўлланилиб келган метал таёкча /стержен/. У машинист кўлига тутқазилгач, поездни бир томонлама йўлдан олиб ўтишижозатини олган.

Таржимада:

"Консервали озиқ-овқат дўконларининг шумшук кораси лип-лип ўтдию машина далага, ойдин йўлга учиб кетди".

Аслиятда:

"Промелькнули мрачные, очертания законсервированной продуктовой палатки, и машина выскочила в поле, на лунный тракт".

Аслиятда гап ёпиб қўйилган дўконлар устида боряпти.."Законсервированной" - ёпиб қўйилган дегани... "Консервали" эмас.

Таржимада:

"У ... шиор ёзилган фанер дарвоза тагидан ўтди-да, Ёш Истебодлар Бульвари аталмиш хиёбоннинг бошига чикди".

Аслиятда:

"Пройдя под фанерной аркой... он очутился у начала длинной аллеи, именовавшейся бульваром Молодых Дарований".

Демак, бу парчада гап қахрамоннинг "дарвоза тагидан эмас", аслида шиор осилган Арк остидан ўтиб бораётгани устида кетяпти. Дарвоза билан Аркнинг фарки бор, албатта.

Аслиятни талкин килишда учрайдиган бундай хатоликлар уни яхши кунт билан ўрганмасликдан, лугатлар билан синчиклаб ишламасликдан, колаверса, юкорида айтиб ўтганимиздек, интуицияга -савки табийлик талантига қаттиқ, ишониб кўйишдан юзага чикади. Таржимага тайёргарлик - зарур ижодий жараён. Унда аслиятнинг таржимада ҳар томонлама ёркин ва пухта қайта яратилишига жиддий замин қўйилади. Замин тайёрламай аслият устига чавандоздай миниб майдонга чикиш - асов от устидан минглаб одамлар кўз ўнгига қулаш билан баробар.

4. ТАРЖИМОНЛИК ФАОЛИЯТИ

Таржима - ижодий ҳамкорлик

Таржима психологияси

Таржимада ижодий ҳамкорлик - муайян асарнинг бадиий тўқимаси ичига имкон қадар чукур кириш, унинг образлари ва ғоялари дунёси ҳамда санъати, маҳорати сирларини худди адибнинг ўзи каби англаш, тушуниш, хис килиш дегани бўлади. Яхши таржима мана шундай тушуниш, англаш, хис килиш ва шулар заминида аслият тилидан таржима тилига яхши ўгириш, аслиятни бошка тилда қайта яратишдир. Таржима – деганининг ўзи асли шундай қайта яратиш, бир матнга тенг иккинчи матн дунёга келтиришдир. Адиб ва унинг асарлари, бадиий услубий маҳорати сирларини тўла англаб етмаган таржимон таржимага уринса, афсуски, яхши натижага эришолмайди. Таржима психологиясининг ўзи ҳам мана шундай тушуниш, англаш ва ёркин акс эттириш хусусиятларининг жамидан ҳосил бўлади.

Улуғ ўзбек адиби ва биринчи романисти Абдулла Қодирий 1935 йилнинг қиши фаслида Николай Васильевич Гоголнинг машхур "Уйланиш" комедиясини ўзбек тилига таржима қилди. Чамаси, таржима "Уйланиш" яратилганининг 100 йиллигига мўлжалланган ва бағишланган эди. Ўттизинчи йилларда ўзбек адиблари Гоголь асарларини ўзбек тилига ўгириш устида жиддий ижодий қадамлар қўя бошлигаган эдилар. Санжар Сиддик, Рустам Абдураҳмонов, Абдулла Қаҳхор сингари адиб таржимонлар Гоголь асарларини ўзбек тилида қайта бунёд этишда эътиборга лойик тажрибалар синовларига киришган эдилар.

"Уйланиш" таржима килингач, ўзбек миллий театри саҳнасида 1935 йилда муваффакият билан ўйналди. Асар ўзбек томошабинларига ёқди ва матбуот спекталга юкори баҳо берди.

Абдулла Қодирий "Уйланиш" ни илҳом билан таржима қилди. Гоголнинг кулгили вазиятлар, бениҳоя кулгили характерлар яратиш маҳорати сирлари Абдулла Қодирийга жуда якин ва гоятда севимли эди. Гоголнинг фикрлаш тарзини Қодирий севарди.

Унинг ўткир ҳажвий асарлари, фельетонларида Гоголнинг кучли таъсири ўзини кўрсатиб туради. Абдулла Қодирий "Уйланиш" таржимасига киришган чоғида кирк ёшни тўлдирган эди. У эл-юртнинг етук адиби бўлиб танилган эди. Қалами ҳам хўб қайралган эди.

Шунинг учун Абдулла Қодирийнинг бу таржима ижоди намунасига унинг ижоди чўккига кўтарилган бир даврнинг маҳсули деб караш ўринли бўлади.

Абдулла Қодирий таржимасига ижод леб ёндошли ва шундай муносабатларда бўлди. У таржимон меҳнатига ирода ҳамда масъулиятдан бириккан улуг бир иш деб каради. Шунинг учун унинг таржимасига том маънода ижод жараённида туғилган сўзлар деб қарамок керак.

Абдулла Қодирий таржимада айниқса ифодавийлик ва саҳнавийликка ўзгача эътибор каратди. Сўзларнинг саҳнавий жарангдор чиқиши учун жон кўйдирди.

У ниҳоятда кулгили комедия таржима килётгани, жанр талабаларини сира унутмади.

Унинг таржимасида ижодий рух устун бир мавқеда туради.

Абдулла Қодирий таржимасида ёркин кўзга ташланадиган жанрга хос ифодавийлик воситаларига назар ташлаб ўтайлик.

Асарда уйланиш ташвишида юрган ва бу хусусида совчи, даллол кампир Феклага "заказ" бериб кўйган олифтанамо йигитлардан бири Подколесин Фекла билан учрашганда, кампирга :

"...садись, да и рассказывай"-

деб айтади.

Абдулла Қодирий кутилмганда жуда жонли бир ибора қўллади:

- "..ўтири, ундан кейин дафтарни оч".

Мана шу "дафтарни оч" да ёзувчининг предметга ўта ижодий мунсабати кўзга ташланади. Подколесин ўз тилида "рассказывай" дейиши кандай табиий эшитилса, унинг бутунлай бошқа тил муҳитига кириб, ўзбек тилида "дафтарингни оч" дейиши шунчалар табиий ва ифодавий эшитилади. Ўзбеклар бирордан бирон хикоя тингламокчи бўлмасалар, қани биродар, дафтарингни оч, дейишади.

"Бехабар бўлсанг агар сардафтаримни кавлама" деган Машрабнинг сўzlари ҳам унга ишора қиласди. "Дафтарини очиш" гўзал ибора ва Гоголь асарида Подколесин тилида у жуда ўрнига тушган. Бунда андак нозик кулги ҳам йўқ эмас. Шу билан Абдулла Қодирий дархол кулгили бир вазият яратади.

Подколесин Фекланинг илҳом билан кизни мактасига унчалик ишонкирамайди. У ўзи жуда шубҳачи ва ўта иккиланувчи одам.

Подколесинга совчи кампир уни алдаётганга, бошини айлантираётганга ўхшаб туюлади. У мени алдама, дейди. Шунда Фекла :

"Устарела я, отец мой, чтобы вратъ: пес врет", дейди.

Ўзбекчада Фекла :

"Мен энди каридим, отажоним; ёлғон гапириш учун бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда", дейди.

Гапга чечан кампирнинг "пес врет" деган гапи хўб лўнда айтилган. Ўқ нишонга яхши уради. Подколесинга таъсир килади.

Бу лўнда жумлани ўзбек адиби "алдаган ит бўлсин", "алдасам ит бўлай", "ит бўлай агар ёлгон гапирсан", деб том ўзбекона таржима килиши ҳам мумкин эди. Ўзбеклар ўттизинчи йилларда ўзаро гапларда шундай онтни тез-тез ичардилар. Табиий бўларди.

Абдулла Қодирий негадир бу осонгина ишни хоҳламайди.

У кампирлар тили ва психологиясига мос далил келтиришни хоҳлайди. У яна ўз далили оркали ўкувчисини, уни қандай тушунишини, бундай вазиятларда қандай табий бир гап кутишини ўйлади ва хисобга олади. "Пес врет" иборасидан жуда узоқлашади. Унга тенг ва баробар кела оладиган образли ифода топади. "Алдасам, ит бўлай" - ўзбек адибига жуда кескин туюлади ва ўзбек тилида талаффуз килинганда у образни ерга тушириб юборадигандай бўлади. Ўз ўкувчисини ўйлаб бу луқмадан воз кечади. "Бир оёғим ерда, бир оёғим гўрда" - иборасини гарчи "пес врет" ни тўғридан тўғри акс эттирмаса ҳам, лекин вазият нуктаи назаридан тўғри ўгиради ва бу ерда бу ибора Подколесинни ҳам, томошабинни ҳам кампирнинг ёлгон айтмаслигига тугал ишонтиради.

Абдулла Қодирий таржимада ўкувчи - томошабин учун ишлайди. Томошабиннинг асар сўzlари, лукмалари, ифодаларини қандай қабул килиши, қандай хулоса чиқаришини тасаввуринга келтиради ва тасаввuri талқин этган иборани матнга олиб киради.

Совчи билан Подколесин ўртасида бўлажак қайлиқнинг сепи - мол-мулки устида гап кетади. Кампир қайлиқнинг кўрасини шундай таърифлайди:

"Уж тако прибы точный, что истинно удовольствие".

Бизнинг одми тилимизда бу "шунчалар даромади зўрки, жонинг роҳат килади", дегани. Лекин бундай оригиналга батамом уйқаш гап Қодирийни каноатлантиrmайди. У бошқа йўлдан боради:

"Кўранинг даромадига келсак, энди чинакам бир тегирмоннинг нови".

Таржимага адаб "тегирмоннинг нови" деган тамоман янги ибора киритади. "Тегирмон нови" ўзбек томошабинига даромаднинг қандайлиги, унинг тинимсиз куйилиб турганлиги тўгрисида хўб образли тасаввур беради. У саҳнада ҳам жуда ишончли ва ўткир жаранглайди. Қодирий аслиятнинг умумий сўзларини ўзбек тилида образли ифодага айлантиради. Ўз томошабинини образли фикрлашга чорлайди, унинг эстетик тасаввур қобилиятини уйготади. Кампирнинг тилига ҳам бу ибора жуда ярашиб тушади. Таржимада ҳамкорлик – ҳаммуаллифлик деб мана шунга айтилади. Бу ёркин ижодий – таржимавий фантазия маҳсули. У таржимада тасаввур ва фантазия қанчалик рол ўйнашини кўрсатади. Томошабин даромад қандай қандай оқиб келаётганлигини кўз ўнгига келтириши керак. "Тегирмон нови" – ана шу тасаввурни жонлантиради. Қодирий эса Гоголь билан бирга комик вазият яратиши кераклигини бир зум унутмайди.

Фекла қайликни таърифларкан:

"...сладость такая, что рассказать нельзя"- дейди.

Таржимада:

"... шундай ширинки, тўйиб ҳам бўлмайди, қўйиб ҳам ..."

Таржимон бу ўринда янги фразеологизм – турғун бирикма яратди.

У аслиятдан узоқ бўлиб кўринади. Лекин унга мазмунан таржима сўзларининг эмас, назарда тутилган мазмунларидан бирини образли, таъсирчан иборада жуда яқин ифода килади. Мазмунни акс эттириша аслиятга сўзма-сўз эмас, мазмунан ва руҳан уйгун образли ифодалардан фойдаланиш – Абдулла Қодирийнинг таржима принципи сифатида характеристланади.

Фекла қайликнинг нечогли гўзаллигини таърифларкан, айтади:

"...А к воскресному то как наденет шелковое платье так вот те Христос, так и шумит. Княжня просто!".

Қодирийда:

"Якшанба куни ипак кўйлак кийса, барин қизидек шилдирайди, бир кошиқ сув билан ютсанг, қўйсанг. Қисқаси хон кизининг ўзи".

"Бир кошиқ сув билан ютсанг, қўйсанг". – Узок мумтоз шеърият колаверса қадимдан келаётган соф ўзбекона образли фикр. Шу ерда у Гоголнинг асарига Фекланинг жонли бўёқдор тили орқали кирмакни истаган, бошқа бир таржимон ҳеч қачон балки шундай килмаган бўларди. Лекин бу Қодирий фантазиясининг талкини. У бунда ўз таржима принципига содик, яъни тил образли бўлиши керак ақидасидан чекинмайди. Фантазия бўлмагунча таржима аслиятни тўла ифодалай олмайди. Албатта, Қодирига "Исо номига қасам ичib айтаманки." дейиш ҳеч кийин эмасди. Лекин буни унинг томошабини қандай қабул қиласи. Адиб ўз томошабини тушунчасига яқин боради. Ва унинг учун ишлайди, ижод қиласи.

Подколесиннинг Феклага гапи: "...Я положу, а ты "расскажешь". Таржима "...Мен чўзилиб ётаман, сен бўлсанг жавраб берасан". Ҳечам жавраш эмас, лекин "жавраш" деб ифодалаш жуда чиройли, чакки эмас. Жонли ва жарангдор. Яна кулгили. Таржимада комедия кулгисини, ҳажвни чиқариш адибдан, бенихоя кулгили ҳолатлар яратса талаб қиласи.

Абдулла Қодирий сўзлар воситасида шундай қулги ва нимкулги тугдиради. Совчи кампирнинг сўйлаш тарзи хам "жавраш" га жуда мос. Подколесинга ҳеч нарса ёқмайди. Фекла унга:

"Смотри ты! То ему не угодишь, другому не угодишь" - дейди.

Таржимада:

"Қараб бок! Сенга у ёқмаса, бу ёқмаса, ахир, гўр ёқадими!"

Аслиятдаги ўткир ибора таржима тилида хам ундан колишмайдиган, янада ўткир образли иборага айланади. Бунинг сахнада канчалик таъсирчанлик қасб этганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Подколесиннинг ойнаси синиб қолганда, унинг дўсти Кочкарев айтади: Сенга бошқа ойнак топиб бераман. Ташвиш қиласи.

Лекин Подколесин бунга рози эмас:

"Знаю я эти другие зеркала. Целым десятком кажет старее и рожа выходит косяком", - деб жавоб беради.

Қодирий бу парчани шундай таржима қиласи:

"Сен топиб берадиган ойна юзни қийшик кўрасатади".

Жуда чиройли топган бу иборани. "Афting қийшик бўлса, ойнадан ўпкалама" деган ҳикматли гап бор. Гоголь бу ҳикматни "Ревизор" га эпиграф килиб чиқарган: "На зеркало неча пенять, коли рожа крива". Гоголь бундай ҳалқ ибораларини беҳад севар ва ҳар доим ҳар ерда уларни йиғиб, дафтарларига қайд килиб юрар, ўз яқинларидан, сингиллари, онаси, биродарларидан ҳам шундай ибораларни унга маълум килиб туришлари, ёзиб юборишларини илтимос киласди. Бундай жонли ҳалқ иборалари, сўзларидан у илҳом оларди. Подколесин: сенинг ойнанг мени ўн йилга қари кўрсатади ва башарамни ҳам қийшик кўрсатади, демокчи. Қодирий бу ерда лўндалик йўлидан боради.

Қодирий аслиятдаги оддий баён тарзидағи сўзларни фразеологизмлар воситасида жонли таржима этади.

Кочкарев Феклага дейди:

"А ты ступай, в тебе больше нет нужды".

Таржима:

"Сенга ортиқ эҳтиёж йўқ. Туёгингни шикиллат!".

"Жўна! Жўна"- деб кичкириб хайдалгандан кўра, Қодирий айтмоқчи, "Туёгингни шикиллат!" - деб айтиш минг бора таъсирчанрок-да! Бетамиз Кочкаревга Фекла айтади:

"...отступись, батюшка, право".

Таржимада:

"...худодан қўркиб, бандадан уялмайсанми?"

Бу ерда ҳам ўша мазмунни образли ифодага чулғаб бериш ходисасига дуч келамиз.

"Фекла. У людей только, чтобы хлеб отымать, безбожник такой!"

Таржимада:

"Фекла. Кишининг оғзидағи ошини тортиб олмоқчи, бу худодан бехабар. Агар бу ер юткурнинг ниятини боя билганимда оғзимни очармидим. Еб ичганинг ош бўлмай, кирчинингдан қисилгур, ноинсоф!"

Бу ўринда ҳам оддий сўзлар таржимада кучли таъсирчан образли либосларга чулғанади.

Қодирий шу принципдан келиб чикиб Фекла тилидаги: "Гляди налёт на свой полёт" иборасини "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил" деб ўгиради. Кочкарев тилидаги "Эх, ты пирей, не нашел дверей" иборасини эса "Эй сен лакма, гўл, жазоингни берсин дўл" –деб эркин талқин этади.

Абдулла Қодирий "Уйланиш" комедияси матнида дам-бадам учраб турадиган сўкиш, ҳакорат, каргиш сингари варваризмларни таржима килишда ўзига хос йўлдан боради. "...целая куча табаку на столе" жумласини "тўристоннинг тупрогидек ивирсиб ётган тамакингга қара..." - деб табдил этади. Бу албатта, ўзидан қўшилган жумла. У факат томошабинни жонлантириш, кулги кўзгатиш максадида таржима матнига киритилган.

Бадиий адабиётлар матнларида "А черт!" деган ундов сўз чексиз кўп такрорланади. Уни турли ўринларда турлича талқин этадилар. Адабиётларда уни "жин чалсин", "жин урсин", "дев урсин" сингари ранг - баранг эквивалентларини учратамиз. Абдулла Қодирий эса "Уйланиш" таржимасида уни: "Ха, мохов!" - деб ўгиради. У "проклятая прачка" иборасини: "Хумса кирчи"- деб олади. Шунингдек, у "проклятый" ни - "нахс" -деб табдил этади. "Мерзавец", "подлец" каби сўкиш сўзларни ҳам биргина "нахс" сўзи билан беради.

Абдулла Қодирийнинг бу таржимаси, ҳабардор кишиларнинг гувоҳлик беришларича, ўз пайтида катта санъаткорлар ва адиблар даврасида ўқилган, муҳокама килинган, кўп таклифлар, мулоҳазалар ўртага ташланган; шу гувоҳликларда айтилишича, Абдулла Қодирий ҳатто "Уйланиш" персонажларининг номларини ҳам ўзбекчалашибтирган:

Подколесин-Фиддиракбосаров

Жевакин-Кавшқайтарarov

Яичница-Кўймоков

Лекин муҳокамадан сўнг асар персонажлари номларини таржима кilmай ўзича колдиришга карор килинган. Ҳар калай Қодирий асарнинг

ўзбекча жаранглашига алохига эътибор қаратган. Асар саҳнада ўйналганда залдан тинимсиз қах-қаха янграб турган. /Ҳабиулла Қодирий. Отамдан хотира. Т., 275-277 бетлар./ Аммо Абдулла Қодирий "Уйланиш" матнини нашрга тайёрлашга улгурмаган. Шунинг учун ҳам баъзи аён кўзга ташланиб турадиган камчиликлар тузатилмай колиб кетган. Бу ерда келтирилган мисоллар "Уйланиш" нинг саҳна учун тайёрланган қўлёзмасидан олинди. Бу қўлёзманинг бир кисмини ёзувчи ва таржимон Жуманиёз Шарипов ўзининг "Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар" китобига илова килиб киритган эди /Тошкент, 1972, 225-246 бетлар/.

Ўзбекистонда таржимашунослик

Назарий таржимашунослик Ўзбекистонда нисбатан янги соҳа. Таржимашунослик илмий асосда XX асрнинг ўттизинчи йилларидан шакллана бошлади.

Таржима тарихи дунё маданиятларида минг йилларни камраб олади. Таржима тарихи "Гилгамеш", "Илиада", "Таврот", "Авесто", "Инжил" таржималаридан бошланади. Таржима тарихи жуда кўхна. Таржима назарияси эса жуда ёш.

Таржимашунослик фан сифатида ҳакиқий маънода жаҳон миқёсида олганда XX асрнинг 60-йилларидан чин равнақ олишга кириши.

Европада худди мана шу даврда таржимага санъат деб караш мустаҳкамланди. Шу даврдан эътиборан "Таржима санъати", "Таржима назарияси ва амалиёти", "Таржиманинг лингвистик назарияси", "Таржиманинг назарий проблемалари" каби илмий йўналишларда турли мамлакатлар ва айниқса Европада кўплаб фундаментал тадқиқотлар, дарслер, кўлланмалар, маҳсус назарий китоблар нашр этилди.

Шулар билан бирга Европада "Вавилон", "Лингвист", "Тилмоч", "Таржимон"га ўхшаш мунтазам таржимашунослик нашрларини чиқариш ва тарқатиш изчил йўлга кўйилди.

"Таржимонлар халқаро федерацияси" тузилиб, фаол иш бошлади. Таржима масалалари бўйича доимий тарзда халқаро конференциялар, симпозиумлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу халқаро анжуманлар таржимашуносликнинг миллий заминларда ривожига ҳам ўзига хос туртки берди.

XX асрнинг ўттизинчи йилларидан ўзбек адиллари ва таржимонлари жаҳон адабиёти памуналарини ўзбек миллий тилига ағдаришда алоҳида гайрат ва сайи ҳаракатлар кўрсатдилар. Буюк таржима ҳаракати юзага келди. Шу тарихий-маданий жараёнларда Россия, Украина, Белорусия, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон ва жумладан, Ўзбекистонда таржимачилик, айни чоғда, таржимашуносликка эътибор ортди. Ушбу мамлакатларда "Таржима санъати", "Таржимон маҳорати", "Таржимон дафтарлари" сингари мунтазам чиқиб турадиган нашрлар пайдо бўлдай. К. Чуковский, А. Федоров, М. Алексеев, Л. Бархударов, В. Комиссаров, А. Швейцер, В. Крупнов, Г. Гачечиладзе, Л. Мкртчян сингари йирик олимларнинг таржима назариясига бағишлиланган теран илмий салмоқли асарлари дунё юзини кўрди.

Ўзбекистон олимлари ҳам дунёда бошланган бу ҳаракатдан четда турмадилар. XX асрнинг ўттизинчи йилларидан таржимашуносликка бағишлиланган илмий маколалар чиқди. Талантли таржимон ва олим Санжар Сиддикнинг "Адабий таржима санъати" /1936/ китоби Ўзбекистонда таржима назариясига бағишлиланган илмий пухта китобдир. Санжар Сиддик билан бирга ёнма-ён Сотти Ҳусайн, Манпон Роик, Мадамин Даврон, С. Паластрев, М. Салье сингари амалиётчи таржимонлар таржимашунослик билан фаол шугулланиб, нашр этилаётган таржима асарларнинг ютуқ ва камчиликларини тахлилдан ўтказиб бордилар.

XX асрнинг 40 – 50 йилларидан Наби Алимухамедов, Аскад Мухтор, Мирзакалон Исмоилий сингари адаб-таржимонлар таржима принциплари хусусида анча пухта илмий-назарий фикрларни илгари сурдилар. Шу йилларда Н.Владимированинг "Рус тилидан ўзбек тилига бадиий

таржиманинг баъзи масалалари", Ж.Шариповнинг "Русчадан ўзбекчага поэтик таржиманинг баъзи проблемалари", Масъуд Расулийнинг "Вл. Маяковский асарлари ўзбек тилида" сингари тадқиқотлари юзага чиқди. Шунингдек, Анвар Ҳожиахмедов, Юсуп Пўлатов, А. Абдугафуров, Сабиҳа Саломова, Э.Азнаурова ва бошқаларнинг тадқиқотларида таржима тарихи ва таржима танқидига анча кенг ўрин ажратилди.

XX асрнинг 60-йилларидан таржимашунослик янги босқичга кўтарилиди. Шу даврда Ж. Шариповнинг "Ўзбекистонда таржима тарихидан" /1965/ деб номланган фактик материалларга жуда бой асари босилди. Шу муаллифнинг "Бадий таржималар ва мохир таржимонлар" /1972/ китоби таржима тарихи ва бадий маҳорат сирларини ёритишида яна бир кадам бўлди. Айниқса, шу йилларда F. Саломовнинг "Тил ва таржима" /1966/, "Таржима назарияси асослари" /1983/ китобларининг яратилиши таржимашунослик ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шу йилларда Гулнора Faфурова, Лола Абдуллаева, Кудрат Мусаев, С. Саломова, Зухра Умарбекова, М. Турсунхўжаева, Д. Гуломова, X. Авлонова сингари талантли тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида Форъкий, М. Шолохов, А. Толстой сингари улкан адабиётни намуналарининг рус тилига қилинган асарлари хамда ўзбек адабиёти намуналарининг рус тилига қилинган таржималари синчковлик билан илмий ишонарли таҳлил этилди.

Атоқли таржимашунос олим ва фан ташкилотчиси Ғайбулла Саломовнинг ғайрати ва шиҷоати билан Ўзбекистонда "Таржима санъати" тўпламлари, "Таржима муаммолари" китоблари /икки китоб - 1991/ мавжуд адабий-маданий алоқаларнинг йўналишлари ва янги амалий тажрибаларни умумлаштириди. Ўзбекистон университетлари ва педагогик олий даргоҳларида таржимашунослик факультетлари кадрлар етиштиришга зътибор каратдилар.

Таржима санъатига багишланган илмий альманаҳларда айниқса ёш таржимашуносларнинг илмий изланишларига кенг ўрин берилди. Уларнинг тадқиқотчиликка интилиш ва изланишлари рағбатлантирилди. Ғайбулла

Саломов изидан Н. Комилов, О.Мўминов, З.Исомиддинов, К. Жўраев, И. Отажонов, С. Мелиев, С. Олимов, К. Хўжаев, Х. Рахимов, Н. Қамбаров, Б. Эрматов сингари истеъодли олимлар таржимшуносликда парвоз қилдилар. Ҳозирда таржимашуносликнинг асос ядросини ушбу билимдон олим тадқикотчилар ташкил этмоқдалар.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

- Бархударов Л.С. Язык и перевод. М., 1975
- Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. - М., 1980.
- Комиссаров В.Н. Теория перевода. - М. 1990.
- Крупнов В.Н. Курс перевода. - М. 1979.
- Федоров А.В. Основы общей теории перевода. М. 1983.
- Чернов Г.В. Основы синхронного перевода. - М. 1987.
- Швейцер А. Д. Теория перевода. - М. 1988.
- Копанов П.И., Баэр Ф. Теория и практика письменного перевода. Минск, 1986.
- Саломов F. Тил ва таржима. - Т. 1966.
- Саломов F. Таржима назарияси асослари. Т. 1983.
- Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Т. 1965.
- Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. Т. 1972.

Иброҳим Faфуров

ТАРЖИМОНЛИК МУТАХАССИСЛИГИГА КИРИШ

МЧЖ “Меҳридарё” нашриёти,
Кўшкўприк қўчаси, 22-уй.

Муҳаррир: Муҳиддин Омон.

Компьютер версткаси: Попов В.

Технолог: Джораев Т.

Корректор: Мўминов О.

Босишга рухсат этилди 12.11.2008й. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.

Шартли босма табоги 8,0 . Адади 500 нусха.

Баҳоси шартнома асосида.
буортма 62-чи.

“Меҳридарё” МЧЖ босмахонаси, Тошкент шаҳри,
Кўшкўприк қўчаси, 22-уй.